

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қулёзма ҳуқуқида

УДК338/24+658(575.1)

МАТРИЗАЕВА ДИЛАРАМ ЮСУПБАЕВНА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ” УЮШМАСИ МИСОЛИДА)**

08.00.13-Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун
тайёрланган ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Нуримбетов Равшан Ибрагимович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	12
1.1. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти ва унинг тўғрисидаги илмий концепцияларнинг ривожланиши.....	12
1.2. Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий самарадорликни оширишга таъсир этувчи омиллар.....	24
1.3. Корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини бошқаришни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.....	39
II-БОБ. ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	53
2.1. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий самарадорлигини бошқаришнинг ташкилий механизmlари таҳлили.....	53
2.2. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий самарадорлигини бошқаришнинг иқтисодий механизmlари таҳлили.....	65
2.3. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицион лойиҳалардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.....	75
III-БОБ. ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	87
3.1. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш.....	87
3.2 Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигини oshiриш йўлларини иқтисодий асослаш.....	95
3.3. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш.....	105
ХУЛОСА.....	122
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	130
ИЛОВАЛАР.....	149

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Жаҳон иқтисодиётида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғи жадал ривожланмоқда. Бунда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни бошқариш стратегиялари мухим ўрин тутиб, уларда хўжалик амалиёти ҳамда истиқболдаги турли тенденцияларни қамраб олишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, “цемент сувдан кейин ер юзида энг кўп ишлатиладиган маҳсулот ҳисобланиб, унинг дунё бўйича йиллик истеъмоли киши бошига ўртача 1 тоннани ташкил этади. Дунёдаги 156 та мамлакатда цемент ишлаб чиқарилади. Аммо умумий цемент ишлаб чиқаришнинг 70 фоизи 10 та йирик мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Унинг ривожланиш даражаси жаҳон ЯИМ ўсиш суратидан 1,5-2 баравар юқори”¹. Бу эса, жаҳонда ўз навбатида цемент ишлаб чиқариш корхоналарида табиий хом-ашёдан самарали фойдаланиш аҳамияти тобора ортиб боришидан далолат беради.

Жаҳонда саноат корхоналари иқтисодий самарадорлигини бошқариш юзасидан кенг қамровли илмий изланишлар, жумладан, корхоналарни бошқаришнинг замонавий усуллари, бошқарувда тизимли ёндашиш стратегик, таркибий ва функционал моделларининг ўзаро мувофиқлиги жиҳатидан такомиллаштириш, иқтисодий самарадорликни оширишда бошқарувнинг мослашувчан ва самарали усуллари синтезига асосланган инновацион ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий самарадорликни ўстириш имконини берувчи асосий омилларни бошқариш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, маҳсулотлар таннархини камайтириш, диверсификациялаш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда саноат корхоналарида маҳсулот таннархини пасайтириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятлари мавжуд. Шунга кўра, саноат корхоналари, жумладан, қурилиш

¹ Кондратьев В.Б. Мировая цементная промышленность. - http://www.perspektivy.info/book/mirovaja_cementnaja_promyshlennost_2012-06-06.htm

материаллари ишлаб чиқариш тармоғи иқтисодий самарадорлигини бошқаришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланиб, “тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини ошириш”² мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашда қурилиш материаллари саноати корхонанинг мулкий ва ташкилий-хукуқий шакли, ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар бўйича мувофиқлигини ошириш, тармоқ бошқарув органлари таркибидаги ўзгаришлар орқали фаолият самарадорлигини ошириш, бошқарув харажатларини самарали тақсимлаш орқали иқтисодий самарадорликни рағбатлантириш, қурилиш материаллари саноати иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омилларнинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 4 апрелдаги ПФ-5392-сон «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиқсан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чорва-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПҚ-4335-сон, 2019 йил 23 май. - www.lex.uz

Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва хукуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ҳамда маданий – маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарининг иқтисодий самарадорлиги, уларни таҳлил қилиш ва назорат қилиш, молиялаштириш, бошқариш масалалари хорижий иқтисодчи олимлар ва амалиётчилар томонидан кенг ўрганилган. Хусусан, саноат корхоналари иқтисодий ўсишини бошқариш билан боғлиқ илмий ишлар қатор чет эллик олимлар И.Ансофф, С.Джордж, П.Друкер, С.Коллинз, А.Маршалл, К.Николас, Т.Шульц ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган³.

МДХ мамлакатлари олимлари В.Абчук, Ю.Ребрин, З.Босачева, И.Павлюченко, А.Болаев, А.Новиков, Б.Рубцовлар илмий асарларида саноат корхоналари ва уларни баҳолаш, самарадорлигини ошириш, хорижий инвестиция фаолияти билан боғлиқ муносабатларнинг иқтисодий ва хукуқий асослари ўрганилган⁴.

Ўзбекистонлик иқтисодчи–олимлардан академиклар И.Искандаров, С.Ғуломов, Қ.Абдурахманов, и.ф.д. профессорлар М.Турсунхожаев, Ш.Зайнутдинов, М.Икрамов, Н.Хошимова, Р.Нуримбетов, А.Расулов, Н.Махмудов, Ш.Шодмановларнинг илмий изланишларида фойдани

³ Ансофф И. Стратегический менеджмент. Классическое издание = Strategic Management. — [Питер](#), 2009.132-169с., Стиглер Дж. Дж. [Теория олигополии](#) // Вехи экономической мысли. Том 2. Теория фирмы / Под ред. [В. М. Гальперина](#) — СПб.: Экономическая школа, 2000. — С. 371—401 — 534с. С.Коллинз The Practice of Management (1954). Русскоязычное издание: Практика менеджмента. — М.: [«Манн, Иванов и Фербер»](#), 2015. — 416 с. Маршалл А. Принципы экономической науки. Пер. с англ. — М.:Издательская группа "Прогресс", 1993. — 23 л. К.Николас A Model of Economic Growth // The Economic Journal, Vol. 67, No. 268 (Dec., 1957), pp. 591—624. Schultz T.W. Origins of Increasing Returns, Cambridge, Massachusetts, Blackwell Publishers, 1993.

⁴ Абчук В.А. Менеджмент: учебник. — СПб.: Издательство «Союз», 2002. — 463 с. — (Серия «Высшая школа»). Ребрин Ю.И. Основы экономики и управления производством: Конспект лекций. Таганрог: [Изд-во ТРГУ](#), 2000. 145 с., Павлюченко В.Ф. Управление эффективностью экономических процессов/ В.И.Повлюченко — М.:Мысль, 1986,-352 с., Болаев А.В. Привлечение прямых иностранных инвестиций как фактор внедрения зарубежных технологий в стране-реципиенте в условиях экономической глобализации (рус.) // Управление экономическими системами: электронный научный журнал: Журнал. — 2014. — Апрель (№ 64). — ISSN 1999-4516., Новиков А.В. Фондовый рынок как механизм привлечения инвестиций. -Н.: 2000. 346с., Рубцов Б.Б. Мировые финансовые рынки: современное состояние и закономерности развития. -М.: Финансовая академия. 2007. 30с.,

кўпайтириш, иқтисодий самарадорликни оширишнинг назарий-амалий муаммолари атрофлича ўрганилган⁵. Аммо илмий ёндашувлар ва назарий изланишларнинг турлича бўлишига қарамай, саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари масалаларига доир комплекс изланишлар мавжуд эмас.

Айтиб ўтиш лозимки, бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичида саноат корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари тўла ҳолида ҳал қилинмаган, айниқса, уни бошқаришни такомиллаштириш комплекс равишда ўрганилмаган. Шу муносабат билан ушбу муаммони тадқиқ этишни такомиллаштириш ва умуман, иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш зарур ва муҳим масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170929173 – «Ўзбекистонда уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш (Тошкент шаҳри мисолида)» амалий грант лойиҳаси мавзуидаги амалий лойиҳа (2018-2020й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари кархоналар иқтисодий самарадорлигини оширишнинг аҳамияти ва заруриятини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

⁵ Абдурахманов К. Оламни махлиё айлаган диёр. Т.:Фафур Гулом номидаги НМИУ.2017.364 б. Турсунходжаев М. Производственный менеджмент. Т.: Иқтисодий-молия.2006.224 с. Зайнутдинов Ш. Шермухамедов А. Менеджмент назарияси .Дарслик. Т.:Иқтисодчи.2014.270 б(29-боб Менеджмент самарадорлиги.241-248б) Икрамов М.А. Ходжаева М.Я. Менеджмент:словарь-справочник.Т.:ТАДИ.2007,387 с. Хошимова Н.А. Инвестиционный потенциал. Т.:2014.320 с.(глава IV.Анализ эффективности функционирования механизма формирования инвестиционного потенциала). Фуламов С.С. Менеджмент ва бизнес асослари. Т.:”Мехнат”нашиёти.1997.351 б.(II-IV.VII ,боблар) Нуримбетов Р.И Менеджмент: амалий машқлар. Т.:Ben-policraf.2007.188с. Расулов А и другие Узбекистан десять лет по пути формирование рыночной экономики. Т.:Узбекистан .2001.352 с. Шодмонов Ш ва бошқалар. Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таяминлашнинг назарий-услубий асослари. Монография ТДИУ,2010,256 б.

иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш ва уларни таснифлаш;

курилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий самарадорлигини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини таҳлил этиш;

курилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш;

корхоналар иқтисодий самарадорлигини бошқаришни такомиллаштириш йўлларини асослаш;

корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширишни бошқаришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг обьекти «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасига аъзо цемент ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини корхоналарда иқтисодий самарадорликини бошқариш билан боғлиқ бўлган ташкилий, технологик ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий ишда таҳлил ва синтез, статистик таҳлил, гурӯхлаш ва солишиштирма таҳлил, математик–моделлаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил, илмий абстракциялаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

курилиш материаллари саноати маҳсулотларининг ишлаб чиқариш тавсифи жиҳатидан муайян гурӯхларини корхонанинг мулкий ва ташкилий ҳуқуқий шакли, ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар бўйича нисбатан юқори даражадаги мувофиқлигини таъминлаш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш асосланган;

курилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришда корхоналар бошқарув харажатларининг умумий харажатлар таркибидаги улушига мутаносиблигини таъминлаш иқтисодий самарадорликнинг ошишини рағбатлантириши асосланган;

қурилиш материаллари саноатидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштирувчи бўлинма ташкил этиш орқали тармок бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ошириш асосланган;

Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омилларнинг ривожланиш тенденцияси баҳоланиб, 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

иқтисодий самарадорликни бошқариш тушунчаларининг таърифлари такомиллаштирилган;

самарадорликни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган услубиятларни қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланишга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида самарадорликни оширишнинг ташкилий-иктисодий механизми таклиф этилган;

қурилиш материаллари саноати маҳсулотларини турларини диверсификациялашнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган;

қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати корхоналари учун самарадорликни оширишни бошқариш функциялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуслар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олингани, мамлакатда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари маълумотларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий

самарадорлигини бошқариш масалаларига қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида бошқариш самарадорлигини ошириш, тармоқда иқтисодий ўсишга қаратилган бошқарув қарорларини ишлаб чиқишида, шунингдек, «Лойиха бошқаруви», «Қурилиш иқтисодиёти» «Иқтисодиёт назарияси» фанлари бўйича кейс-стадилар, маъruzалар матни, ўкув қўлланмаларини тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини бошқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қурилиш материаллари саноати маҳсулотларининг ишлаб чиқариш тавсифи жиҳатидан муайян гуруҳларини корхонанинг мулкий ва ташкилий хуқуқий шакли, ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар бўйича нисбатан юқори даражадаги мувофиқлигини таъминлаш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш таклифидан «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг бошқариш фаолиятини ташкил этишда фойдаланилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2020 йил 14 августдаги 05/15-2850-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар амалиётга жорий этилиши натижасида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш фаолияти ташкилий-иктисодий кўрсаткичларининг ижобий томонга ўсиш суръатларини 12 фоизга ошириш имконияти яратилган;

қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришда корхоналар бошқарув харажатларининг умумий харажатлар таркибидаги улушкига мутаносиблигини таъминлаш орқали иқтисодий самарадорлик ошишини рағбатлантириш таклифи «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2020 йил 14 августдаги 05/15-2850-сон маълумотномаси).

Натижада, уюшма тасарруфидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий самарадорлигини 11 фоизга оширишга эришилган;

қурилиш материаллари саноатидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлашни мувофиқлаштирувчи бўлинма ташкил этиш орқали тармоқ бошқарув органлари фаолият самарадорлигини ошириш таклифи «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг маъмурий бошқарув фаолиятини режалаштиришга жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2020 йил 14 августдаги 05/15-2850-сон маълумотномаси). Уюшма корхоналарида корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини таъминлаш, бошқарув органлари ўртасидаги муносабатларни тўғри ташкил этиш, Уюшма фаолияти самарадорлигини ошириш имкони яратилган;

Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омилларнинг ривожланиш тенденциясини баҳолаш асосида ишлаб чиқилган 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичларидан «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг бошқарув фаолиятини прогноз қилишда фойдаланилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2020 йил 14 августдаги 05/15-2850-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида уюшма ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг 2025 йилга қадар ривожланиш тенденцияси асосида муҳим иқтисодий кўрсаткичлари прогнозларини ишлаб чиқиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича унинг асосий ғоялари ва мазмунини акс эттирадиган жами 14 та илмий иш, шу жумладан, ОАҚ эътироф этган журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференциялар тўпламларида 7 та маъruzza тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

І БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти ва унинг тўғрисидаги илмий концепцияларниң ривожланиши

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири - иқтисодий ўсишни таъминлашда янги замонавий юқори технологияли корхоналарни барпо этиш, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 2017 йилдан бошлаб, ўзининг янги ривожланиш босқичига ўтди, яъни олдинги иқтисодий ўсиш параметрлари қайтадан қўриб чиқилди, инвестициялаш жараёнлари ривожлантирилди, янги солиқ сиёсати ишлаб чиқилди, саноат корхоналари инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдалар, янги корпоратив бошқарув тизими жорий этилмокда.

Умуман олганда, “иқтисодий ўсиш” кенг маънодаги тушунча бўлиб, унинг ифодаси адабиётларда турлича мазмунда келтирилган. Умуман, иқтисодий тизимда икки асосий тушунча кенг ўрин олган “иқтисодий ўсиш” ва “иқтисодий ривожланиш”.

“Иқтисодий ўсиш” тушунчаси, дастлаб, француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей ва немис иқтисодчиси И.Г. фон Тюнен томонидан ўрганилган, шу билан бирга, иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш назариясига ўз ҳиссасини қўшган инглиз иқтисодчиси У.С Джевонс ва америкалик иқтисодчи Ж.Б. Кларк бўлган. Иқтисодий ўсиш “энг аввало маълум даврда иқтисодиётдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишидир”⁶.

Иқтисодий ўсишнинг турлари ва омилларини ўргангандар олимлар томонидан аввалимбор иқтисодий ўсиш интенсив ва экстенсив турларга бўлинган. Иқтисодий ўсишнинг омилларига қараб, уларни талаб ва таклиф омилларига ажратганлар.

⁶ Экономический рост и вектор развития современной России. М: ТЕИС. 2004, 27 стр.

Иқтисодий ўсишнинг таклиф омилларига: табиий ресурслар ҳажми ва сифати, капитал даражаси ва миқдори, меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати, илмий техника ва технология даражаси; иқтисодий ўсишнинг талаб омиллариға: давлат эҳтиёжи, шахсий истеъмол, инвестициялар, соғ экспорт кабилар киритилади.

Ғарбий Европа олимлари Д.Рикардо, Ж.Сей, А.Смит, И.Тюненлар иқтисодий ўсишнинг негизида меҳнат ва моддий ишлаб чиқариш ётади, деб таъкидлаган бўлсалар, Е.Домар, Н.Калдор, Р.Харрод каби олимлар иқтисодий ўсишни инвестиция ва жамғарма омиллари билан боғлаганлар. Й.Шумпетер ва Н.Кондратьевлар ўз тадқиқотлари давомида мазкур жараённи узоқ муддатли техник тараққиёт ва иқтисодий цикллар асосида ўргангандар. Айтиб ўтиш лозимки, ғарб иқтисодчи олимлари, асосан, ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш назариясига эътибор қаратганлар, улар ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиш хусусиятларига доир тадқиқотларни деярли олиб боришмаган.

Собиқ иттифоқ парчалангандан сўнг Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги тузилди. Бу даврга келиб, барча иттифоқдаги мамлакатларда чуқур иқтисодий инқироз бошланди. Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикасида ЯИМ 1992 йилда 11,1 фоизга қисқарди. Фақат 1996 йилга келиб, ЯИМ мамлакатимизда ўса бошлади ва биринчи бор 1,7 фоизга кўтарилди. Инқироз ҳолатдан чиқиш учун МДҲ мамлакатларида иқтисодчи олимлар иқтисодий ўсиш ва унинг омилларни асосланган ўз тадқиқотларини бошладилар. Айниқса, бу борада Россияда И.А.Абалкин, А.Н.Илларионов, А.В.Семёнов, Е.Г.Ясин, И.Журавлёва ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган. Масалан, А.В.Семёнов иқтисодий ўсишни меҳнат унумдорлиги билан асослаган бўлса, А.Илларионов барқарор иқтисодий ўсиш учун ЯИМдаги давлат ҳаражатини камайтириш лозимлигини таъкидлаган⁷.

⁷ Семёнов А.Основы экономического роста .Ж."Экономика"-1992-.№8,-с.21-22. Илларионов.А,Пивоваров И.Размеры государство и экономический рост.Ж." Вопросы экономики".-Москва, 2002,№9 -с.18-45

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш назарияси О.Алимов, А.Расулов, С.Чепель, А.Ўлмасов, М.Шарифходжаев, Ш.Шодмонов, Ш.Юлдашев, Ш.Назаров, Ш.Зайнутдинов, У.Мадрахимов ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Масалан, М.Шарифходжаев, Ш.Шодмонов, А.Ўлмасов каби олимларимиз иқтисодий ўсишнинг мазмун-моҳиятини умумназарий жиҳатдан тадқиқ этган бўлсалар⁸, Р.Алимов ва Ш.Юлдашевлар иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларни жалб этиш йўлларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратишган. С.Чепель ва У.Мадрахимовлар эса ўз тадқиқотларида иқтисодий ўсишнинг макроиктисодий баркарорлигини таъминлаш асалалари бўйича алоҳида тадқиқот олиб борганлар⁹. Ш.Х.Назаров олиб борган изланишларида Ўзбекистон минтақаларининг иқтисодий рақобатбардошлигини оширишга, катта аҳамият берган¹⁰, Н.Хошимова эса ўз тадқиқотида хорижий инвестиция ва инвестицион салоҳиятни ошириш натижасида иқтисодий ўсишни таъминлаш масалаларини тадқиқ этган.

Иқтисодий ўсиш нафақат мамлакат қудратини кучайтиради, балки ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиради, илмий -техник салоҳиятни ошириб, энг асосийси, аҳолининг турмуш даражасини ва унинг моддий фаровонлигини оширади.

Айтиб ўтиш жоизки, охирги ўн йил давомида дунёдаги энг ривожланган давлатларда иқтисодий ўсиш даражаси нисбатан секинлашди. Масалан, Европанинг қудратли давлатлари: Буюк Британия, Германия ва Францияда, ҳаттоқи АҚШ ва Японияда ҳам иқтисодий ўсиш ўртача 1,5-2,0 фоиз бўлди. Масалан, баъзи бир экспертларнинг ҳисоби бўйича пандемиядан олдин Россияда иқтисодий ўсишнинг 2020 йилда 3,0 фоиз атрофида бўлиши тахмин қилинганди.

⁸ Шарифходжаев М.Ш.Ўлмасов А. Иқтисодиёт назарияси.-Т.:Мехнат, 1997. Шодмонов Ш.Ш ва бошқалар.Иқтисодиёт назарияси.-Т.:Молия 2002.416 бет.

⁹ Назаров Ш.Х.Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов.-Ташкент:IFMR,2014. с.212

¹⁰ Хошимова Н.А Инвестиционный потенциал .-Ташкент: ”Ўзбекистон миллый инциклопедияси”.2014..-320 бет

Шу йиллар давомида иқтисодий ўсишнинг энг юқори кўрсаткичлари Хитойда, Хиндистонда кузатилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, корхоналарни модернизациялаш, диверсификациялаш сиёsatини кучайтириш, инвестиция фаоллигини ошириш, рақобатга чидамли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кучайтириш натижасида ЯИМнинг ўсиш суръатлари барқарорлиги таъминланди. Айниқса, Президентимиз томонидан таклиф этилган ва пировард натижасида, 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта асосий йўналиш бўйича “Харакатлар стратегияси” дастури иқтисодий ўсишни янада жадаллаштириди ва сўнгги уч йилда иқтисодий ўсиш 5,0 фоиздан ортиқ кўrсаткичларга эга бўлиб келмоқда. Агар иқтисодий ўсишнинг оптималлик назариясига эътибор қиладиган бўлсак, ушбу кўrсаткич энг яхши ҳолат ҳисобланади. Чунки БМТ нинг иқтисодий ривожланиш низомлари ва кўrсаткичларига асосан ҳар бир мамлакатдаги 4 фоизли иқтисодий ўсиш давлатнинг ривожланишида кенгайтирилган ишлаб чиқаришни таъминлайди. Бизнинг фикримизча, бундай сиёsatни реаллиги шундаки, давлат ўзининг ресурсларидан самарали фойдаланиб, уни узок йилларга мўлжаллаган стратегиясини ишлаб чиқиши зарур. Чунки иқтисодий ўсишнинг ҳаддан ташқари ошиб кетиши, мамлакатдаа ресурсларнинг ортиқча сарфланишига олиб келади ва Фишер назариясига кўра “иқтисодиётнинг қизиб кетишга” олиб келади.

Ўзбекистон саноати мустақиллик йилларида тез суръатлар билан ривожланди.

Ҳозирги кунда унинг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улуши 32 фоизга тўғри келмоқда, саноатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури деярли 200 хилдан ортиқ, унинг экспортдаги ҳажми 48 фоизни ташкил этмоқда. Саноат тармоқлари сони 100 дан ортиб, ривожланиб келмоқда.(1.1-жадвал)

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2015-2018 йиллар учун йил охирига мавжуд асосий фондлар тўғрисида маълумот (бошлангич (қайта тиклаш) қиймати бўйича)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Йил охирига жами асосий фондлар	млрд.сўм	203 595,7	254 565,1	309 746,0	705 020,0
<i>ишу жумладан, тармоқлар:</i>					
Саноат	млрд.сўм	68 185,6	94 809,9	115 516,5	169 675,4
<i>жамига нисбатан фоизда</i>	% да	33,5	37,2	37,3	24,1
Курилиш	млрд.сўм	5 797,6	7 517,9	8 763,5	12 553,1
<i>жамига нисбатан фоизда</i>	% да	2,8	3,0	2,8	1,8

Маълумки, саноат барча бошқа тармоқларни замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминлайди. Саноат тармоғининг ривожланиши, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, электр энергетикаси ва бошқа тармоқларнинг ҳам тез суръатлар билан ўсишига боғлик. Саноатда юқори касбий тавсифга эга бўлган замонавий маркетинг ва менежмент кўнималарини эгаллаган ишчи кучи бўлиб, бунда ресурсларни тежаш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқилиб амалга оширилади.

Саноатнинг ривожланиш параметрлари тўғридан-тўғри бутун иқтисодиётнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Саноат суръатларининг ўсиши инновацияларнинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун бугунги кунда нафақат саноатдаги ўзгаришларни таҳлил қилиш, балки уни истиқболда юксалтириш йўлларини ўрганиш ва бу борада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Саноат мамлакатда реал секторнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади, чунки бу соҳада юқори технологияли ишлаб чиқариш амалга

оширилади, илм-фанинг ривожланиши ҳам кўпроқ саноат соҳаси билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишда доимо эгилувчанлик тамойилга эътибор қаратилади. Чунки саноатда ишчи кучининг юқори малакали қисмидан фойдаланилади, янги ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланади, тармоқлараро боғланишлар кучаяди, юқорида айтиб ўтилганидек, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш кенгайиб боради, янги иш жойлари кўпаяди. Шу билан бирга, илмий-техника ривожланиши тезлашади, иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашади, аҳолининг моддий фаровонлиги яхшиланади.

Айтиб ўтиш жоизки, республикамизда сўнгги йилларда жиддий таркибий ўзгаришлар натижасида нафақат янги иқтисодиётни яратиш, балки жаҳон ҳамжамияти бирон чуқур интеграциялашув жараёнлари ҳам жадаллашмоқда. Бунинг учун Ўзбекистонда саноат соҳасида туб ўзгаришларни амалга ошириш борасида Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан баҳоларни тартибга солиш, солиқ сиёсатини қайтадан кўриб чиқиши, айниқса қўшилган қиймат солиғини 20 фоиздан 15 фоизга тушириш, экспорт ҳажмини ошириб бориш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, божхона ишини бошқаришни такомиллаштириш ва бошқа соҳаларда бир қатор фармон ва қарорларқабул қилинди. Айниқса, пахтачилик соҳасидаги ижобий ўзгаришлар мамлакатга жуда катта фойда келтиради, чунки 2021 йилда пахта хом ашёсининг 100 фоизини ўзимизда қайта ишлаш пахтачилик саноати ривожланишдаги катта ютуқ ҳисобланади.

Саноатдаги яна бир муҳим йўналиш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатини кучайтиришда, яъни саноат ишлаб чиқаришда ўзимизнинг хом ашё ресурслардан кўпроқ фойдаланишдир. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулот таннархини пасайтиради ва корхоналар фойдаси ҳамда самарадорлигини оширади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида корхоналар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки корхона томонидан иқтисодий ўсишга сарфланаётган ҳар бир пул бирлиги ўзининг ижобий самарасини бериши лозим. Шу маънода корхоналар иқтисодий

самарадорлигини ошириш учун хорижий инвестициялардан кенг фойдаланилмоқда. У эса ўз қайтимини беришда ниҳоятда яхши ижобий кўрсаткичларга зга бўлиши шарт. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда корхоналарда жалб қилинаётган инвестициялардан янги жихозлар ва технологияларни жорий этиш учун фойдаланилади. Бундай ҳолат турли саноат тармоқлари ва корхоналарда 48-70 фоизни ташкил қилмоқда.

Хорижда ва мамлакатимизда саноат корхоналари самарадорлигини оширишга бағишлиган бир қатор олимлар томонидан кенг ўрганилган. Масалан, И. Березин, В. Горфинкель, М. Тертиков, Л. Галдаев, Э. Махмудов ва бошқаларнинг адабиётлари ва монографиялари мавжуд.¹¹

Ушбу адабиётларда саноат корхоналарининг иқтисодий ўсиши, уларга таъсир этувчи омиллар, юқори самарадорликка эришиш йўллари ёритилган. Саноат корхоналарининг иқтисодий ўсишига таъсир кўрсатувчи турли омилларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтиради.

Саноат корхоналарининг иқтисодий ўсишига таъсир этадиган омилларни тадқиқ қилиш, уларни тизимлаштириш ва таҳлил ўтказиш иқтисодиёт фанининг илмий-амалий жиҳатларидан бири хисобланади. Маълумки, иқтисодий адабиётларда саноат ва умуман корхоналарнинг иқтисодий ўсишида, асосан, тўртта омилга эътибор қаратилган. Булардан жаҳонда таниқли иқтисодчи олимлар Б.Макконнелл, М.Портер, Ф.Котлер¹² томонидан тадқиқ этилган омиллар ҳозирда хам аҳамиятли хисобланади. Аммо иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида бошқа омиллар ҳам пайдо бўлмоқдаки, уларни ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлаш иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим ўрин эгалламоқда. Буларга, асосан инвестиция,

¹¹ Березинь.Е и др .Экономика предприятия.-М.:”Дрофа”,2004.-с.368. Экономика предприятия. Учебник .под.ред.проф.В.Я.Горфинкеля.проф.В.АШвандара.-М.:”Юнитал-Дана”.2004.-с.670.

Экономика предприятия. Учебник для вуза .-Санкт-Петербург”:Питер”,2009.-с. 464 Тертышиник М.И Экономика предприятия.-М.:”Инфра-М”, 2009. -с. 394 Галдаева Л.А Экономика предприятия.-М.:”Юрайт-Издат”,2011.-с.348. Махмудов Э.Х Промишленность Узбекистана: Экономика размещение приоритеты развития .(вопросы теории и практики)-Т.:”Иқтисодиёт”,2013. 131- б.

¹² Б.Макконнелл ва бошқалар. Экономикс. Портер. Конкуренция и экономика 1996й. Котлер .Ф Основы маркетинга.Армстронг Г. 9-е изд., пер. с англ. - М.: 2003. — 1200 с

инновация, экология ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу нұқтаи назардан биз ўз тадқиқотимизда мазкур муаммога муносабатимизни қаратамиз. Саноат корхоналарини иқтисодий ривожлантириш жиҳатидан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда, улар фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган омиллар тўғрисида фикр билдиримоқдамиз. Саноат корхоналарининг иқтисодий ўсишга таъсир этадиган омиллар қуидаги 1.1-расмда қўрсатилган.



1.1-расм. Саноат корхоналарининг иқтисодий ўсиш омиллари¹³

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, юқоридаги олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, иқтисодий ўсиш - ҳар бир мамлакатда ресурслардан самарали фойдаланиб ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларини ривожлантириш¹⁴, ишлаб чиқариш ва корхона омилларидан фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини оширишdir. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, бозор шароитида меҳнат унумдорлиги иқтисодий ўсишнинг илмий концепцияси сифатида ифодаланиши мумкин.

Авваламбор, ушбу омилларнинг уч гурухдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтамиз. Уларни ташкилий, иқтисодий ва технологик омилларга бўлдик.

Саноат корхоналарининг 1.1-расмда келтирилган омиллардан оқилона фойдаланиши, уларнинг аниқ ҳисоблар натижасида ҳар бир омилдан келадиган даромадни билиш учун етук муҳандис, иқтисодчи, психолог, менежерлар зарур. Уларнинг замонавий талабларга жавоб бериши учун олий ўқув юртларда ўқув жараёнларини такомиллаштириш, институт, университетларнинг саноат ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларини кучайтириш лозим. Ҳозирги даврда саноат корхоналарини ривожлантириш йўналишларидан бири - янги инновацион гояларга, юқори фан сифимиға асосланган саноат корхоналарини ривожлантиришdir.

Иқтисодий ўсишнинг яна бир илмий концепцияси корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашдир. Сифатнинг илмий концепцияси ўтган даврларда иқтисодчи олимлар томонидан кам ўрганилган.

Маҳсулот сифати эҳтиёжни таъминлайдиган асосий белги ҳисобланади. Юқори сифатли маҳсулот хеч қачон омборда турмайди, балки товар сифатида корхона фойдасини оширади.

Иқтисодий ўсишнинг муҳим илмий концепцияларидан бири - бу кичик бизнесни ривожлантириш. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ЯИМнинг 56 фоизини ташкил этмоқда, 80 фоизга яқин меҳнат ресурслари кичик бизнесда банд.

¹⁴ Муаллиф

Ҳозирда Ўзбекистонда 404,0 минг корхона фаолият олиб бормоқда, бундан 17,7 фоизи - саноат корхоналари. Умумий саноат корхоналарининг 9,2 фоизини қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этмоқда. Шу билан бирга, корхоналарни хусусийлаштириш даражаси 80 фоиздан юқори бўлса ҳам, уларнинг 20-30 фоизи давлат тасарруфида бўлиб келмоқда. Бу эса, бизнинг фикримизча, давлатнинг либераллаштириш сиёсатига тўсқинлик қилмоқда.

Унинг республика саноати маҳсулотлари ҳажмидаги улуши хам мутаносиб равишда ошиб бормоқда. Масалан, 2019 йилда унинг умумий саноатдаги улуши 9,2 фоизга тўғри келди, мамлакат ЯИМдаги улуши эса 6 фоиздан ортиқ бўлди.

Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати тўғридан-тўғри иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга ва иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатади. 1.2– жадвалда 2015-2019 йиллардаги қурилиш материаллари саноатининг асосий ривожланиш кўрсаткичлари келтирилган.

1.2- жадвал

Ўзбекистонда қурилиш материалларининг 2016-2019 ййдаги ривожланиш динамикаси¹⁵

т/п	Қурилиш материаллари	Ўлчов бирлиги	йиллар			
			2016	2017	2018	2019
1	Қурилиш ойнаси	Қурилиш ойнаси (3,5 мм)	7283,0	7348,0	9295,8	16853,9
2	Цемент	Минг тонна	8645,9	9132,2	9080,4	10763,8
3	Қурилиш ғиши	Млн. дона	1333,4	1379,0	1704,2	1267,2
4	Керамик плиталар	Минг кв.м	262,6	245,6	1894,0	9596,1
5	Қуруқ қурилиш аралашмаси	Минг тонна	183,9	245,1	762,4	846,7
6	Гипсокартон	Минг кв.м	29250,0	29271,7	38437,2	49243,9
7	Лак-бўёқ материаллари	Минг тонна	38,3	35,8	49,2	130,4
8	Сантехкерамика	Минг дона	125,8	112,0	225,3	645,5
9	Гулли қофозлар	Минг рулон	0,0	0,0	154,3	682,4
10	Паркет	Минг кв.м	79,1	95,8	116,6	41,0
11	Оҳак	Минг тонна	573,2	287,0	376,3	929,3
12	Шағал	Минг тонна	2609,9	4408,8	3424,0	5811,2
13	Майда тош	Минг тонна	8142,8	8463,8	7952,4	12577,8
14	Табиат қуми	Минг тонна	3596,8	3636,0	4824,6	5276,0
15	Пардозлаш учун тошлар	Минг тонна	871,1	1632,2	1817,0	2461,6
16	Шифер	Минг тонна	450,6	512,9	606,6	2006,2

15 “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати кўрсаткичлари охирги йилларда ижобий томонга ўзгармоқда. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг асосий хусусиятларидан бири унинг материал сифимининг юқорилигидир. Ҳақиқатдан ҳам тармоқ хом ашё ва материал ресурсларга асосланади. Масалан, ёғоч, фишт, шифер, пластик, лак бўёқлар, темир-бетон, шагал, қум, ойна, цемент ва бошқалар.

Қурилиш материаллари саноати мамлакат ишлаб чиқариш саноатининг устувор йўналишларидан биридир. Охирги йилларда қурилиш материаллари саноати тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, тармоқда жаҳон бозорида қурилиш материалларининг янги турлари пайдо бўлиши билан, уни ўзимизда ўзлаштиришга қайта эътибор каратиш натижасида хом ашё ресурслари ва бирикмаларидан фойдаланган ҳолда янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳисобига, ички бозорнинг замонавий қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, республикамида мустақиллик йилларида дунёning 14 та мамлакатига қурилиш материалларининг 40 дан ортиқ турлари экспортга чиқарилди. Экспортга йўналтирилган корхоналар сони 47 тага етган ҳолда уларнинг экспорт ҳажми 1991-2016 йиллар давомида 885 млн. АҚШ долларини ташкил этган¹⁶.

Хозирда Ўзбекистонда иқтисодий сиёsatнинг асосий йўналишларидан бири қурилиш материаллари таркибида цемент саноатини ривожлантиришга қаратилган. Маълумки, собиқ иттифоқ даврида мамлакатимизда бор - йўғи 3 та цемент заводи фаолият олиб борган, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати эса паст даражада эди. Шу сабабли улар ўзимизнинг ички бозорни қоплай олмас эди. Хозирда мустақиллик шарофати билан цемент заводлари сони 17 тадан ошиб кетди. Эндиликда, цемент маҳсулоти билан нафақат ўзимизнинг ички

¹⁶ Ўзбекистон минтақаларида қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий муаммолари //Илмий-амалий анжуман материаллари тўплами .-Т.:2017.-20 бет.

эҳтиёжимиз қондирилмоқда, балки бошқа хориж давлатлариға хам экспорт қилинмоқда. Цемент “қурилиш нони” деб бежиз айтилмаган. Ҳозирги кунда курилиш материаллари саноати ҳажми мамлакат ЯИМида 6-8 фоизга түғри келса, курилиш материаллари саноатининг умумий маҳсулотида цемент ишлаб чиқариш улуши 70 фоиз атрофиди. Айтиб ўтиш жоизки, тармоқни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора - тадбирлар натижасида тармоқ корхоналарида цемент маҳсулотидан тайёрланадиган турли хил замонавий курилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналиш бўйича ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш борасида янги чора-тадбирлар кўзда тутилган. Хусусан, цемент ишлаб чиқаришни бугунги умумий 9 млн.тоннадан, келгуси яқин йиллар ичida 20 млн.тоннага етказиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, тежамкорлик тамойилига қаътий риоя қилиш, ишлаб чиқаришнинг энергия сифимини қисқартириш орқали ишлаб чиқариш ҳаражатларини пасайтиришиби мухим вазифалар белгиланди.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни киритиш нафақат маҳсулотлар сифатини оширади, балки бозор конъюнктурасида рақобатбардошликини оширади. Юқори технологиядан самарали фойдаланиш факат сифатни эмас, умуман, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Шу нуқтаи назардан, бозор иқтисодиёти шароитида фонд сифимини ошириб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш эмас, балки ҳар бир сўмга тўғри келадиган асосий фонддан кўпроқ маҳсулот олиш мухимдир.

Ўтказилган таҳлилларнинг қўрсатишича, республика курилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатида, хусусан, цемент ишлаб чиқариш саноатида амалга оширилган ижобий ишлар қатори, ўз ечимини кутиб турган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тармоқдаги нисбатан кўпроқ корхоналарда асосий фондларнинг жисмонан ва маънан эскирганлик даражасининг юқорилиги, ишлаб чиқаришнинг энергия

тежамкор технологиялари билан таъминланганлик ва меҳнат унумдорлиги даражасининг пастлиги;

- цемент ишлаб чиқариш саноати учун энергия тежамкор технологияларнинг республикада ишлаб чиқарилмаслиги;

- цемент ишлаб чиқариш корхоналари инвестицион ва инновацион фаоллигининг нисбатан пастлиги;

- илмий-тадқиқот ва лойиха-конструкторлик ташкилотлари моддий-техника базасининг замонавий талабларга жавоб бермаслиги;

- кўп корхоналарда бозор талабларидан келиб чиқсан ҳолда замонавий маркетинг ва менежмент усулларидан ҳамда кадрлар салоҳиятидан фойдаланишнинг самарали тизимининг йўлга қуйилмаганлиги;

- ўзгарувчан бозор шароитларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган стратегик режалар ва бизнес-жараёнларнинг мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Умуман, қурилиш ишлаб чиқариш материаллари, хусусан, цемент саноатини ривожлантириш нафакат республикамиз қурилиш тармоғини юкори сифатли цемент маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоларини ижобий ҳал этади, балки миллий цемент маҳсулотларининг экспорт ҳажмини ҳам кескин оширади.

1.2. Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий самарадорликни оширишга таъсир

этувчи омиллар

Иқтисодий ўсишнинг турли хил шакллари бўлиб, ҳар бир тури ўзининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда ифодаланади. Агарда у мамлакат даражасида макроиқтисодий ўсишни англатса, корхона даражасида эса микроиқтисодий ўсишни, цемент ишлаб чиқариш кўпайиб боришини кўрсатади. “Регионал иқтисодий ўсиш” мамлакат доирасида алоҳида регионларни, ҳудудларни ривожланиши ЯИМ маҳсулотда ҳар бир регион улушининг ошиб боришини ифодалайди. Демак, регионал иқтисодий ўсиш қанча тез бўлса, миллий иқтисодий ўсиш ҳам кўтарилиб боради. Умуман айтиш мумкинки, ҳам

регионал иқтисодий ўсиш, хам миллий иқтисодий ўсиш, пировард натижада корхона иқтисодий ўсишига яни реал секторнинг ривожланишига боғлиқ бўлиши мумкин ва бу жараёнда саноат корхоналари асосий ўрин эгаллади.

Иқтисодиётда “омил” тушунчаси туртки, имконият, таъсир этувчи куч ёки ривожланиш манбай маъноларини билдиради. Омилларнинг иқтисодиёт ривожланишига таъсири турлича бўлади.

Ушбу параграфда биз саноат корхоналарида иқтисодий ўсиш омилларини ўрганамиз. Чунки бу борада бозор иқтисодиёти шароитида деярли тадқиқотлар олиб борилмаган, айниқса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида. Умумназарий ва методологик жиҳатдан олиб қаралганда хориж ва Россия иқтисодий адабиётларида омиллар назарияси ва таснифлаш тизими ишлаб чиқилган, тадқиқотимизда эса саноат корхоналари учун омилларни таснифлаш тизимини яратишга ҳаракат қилинди. Саноат корхоналаридаги омилларни уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин: моддий ресурслар омили, ташкилий - техник ва ижтимоий - иқтисодий омиллар.

Айтиб ўтиш жоизки, жараён қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик иқтисодий ўсиш ва самарадорликни ошириш омиллари кўп бўлади, уларни таъсири ва ҳаракати ҳам турлича бўлади. Шу сабабли, ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан таснифлаш муаммоси пайдо бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг умуназарий аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, авваламбор, иқтисодий ўсишнинг табиати ва мазмунига, омилларнинг хусусий ва ўзига хослигига эътибор қаратишимииз лозим. Амалий нуқтаи назардан иқтисодий ўсиш ва самарадорликни оширишни шундай таснифлаш зарурки, у илмий асосланган бўлиб, иқтисодий ўсиш суръатлари ва таҳлилини тўғри баҳолашини зарур.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий ўсиш омиллари куйидагиларга асосланиши лозим;

- иқтисодий ўсиш ва самарадорликни ошириш омилларини аниқ белгилаш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун умумий шароит ва талабларни танлаш;

- таснифлаш белгилари ва уларнинг аҳамиятини аниқлаш;
- самарадорликнинг ҳусусий кўрсаткичларига нисбатан омилларни таснифлаш ҳусусиятларини асослаш.

Айтиб ўтиш лозимки, саноат корхоналарида иқтисодий ўсиш ва самарадорликни ошириш омилларини таснифлаш ҳозирги иқтисодий адабиётларда кам ўрганилган холат. Аммо бу жараёнларни ўрганиш саноат ишлаб чиқариш самарадорлиги динамикаси, шароит ва ҳолатларни таҳлил қилиш бозор шароитида муҳим илмий вазифалардан ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш ва самарадорликни оширишга таъсир кўрсатадиган турли усулларни таъснифлаш ва уларни гурухларга ажратишнинг аҳамияти яна шундаки, корхоналардаги иқтисодий ўсишнинг моҳиятини чуқурроқ англаш самарадорликни ошириш йўлларини бозордаги талаб ва таклиф қонунларидан келиб чикиб аниқлаш имконини беради. Бундай таснифлашнинг амалий аҳамияти шундаки, унинг ёрдамида у ёки бу омилларнинг натижасига қараб таъсир даражасини ўрганиш ва яхшироқ ҳисобга олиш таъминланади.

Ҳар қандай шароитда, юқорида айтиб ўтилгандек, меҳнат унумдорлиги иқтисодий ўсишнинг асосий омилидир, чунки иқтисодий ўсиш билан меҳнат унумдорлиги ўртасида тўғридан - тўғри пропорционаллик мавжуд. Шунинг учун бозордаги рақобат нафақат унумдорликни ошириш, балки иқтисодий ўсишни таъминлашнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Демак, ҳар бир корхона бозорда ўз мавқенини сақлашга ҳаракат қиласи, бошқача қилиб айтганда унумдорлик рақобатни тезлаштиради, иқтисодий ўсиш эса уни кучайтиради. Шу жойда Президентимиз Ш.Мирзиёевни бир фикрларини айтиб ўтмоқчиман, улар ўзларини сўзга чиқишлиарида, айникса иқтисодий ривожланишга бағишиланган, меҳнат унумдорлик, ҳозирги даврда иқтисодий ўсишни асосий кучи эканлигини доимо таъкидлайдилар.

Моддий ресурслар омили иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Қазилма бойликлардан, хом ашёнинг янги турлари, замонавий материаллардан фойдаланиш йўли билан иқтисодий ўсишга эришилади.

Ўзбекистон моддий ресурсларга бой мамлакат бўлиб, ушбу мавжуд бойликлардан самарали фойдаланиш муҳим.

Ҳозирда саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жалб этилаётган инвестицияларнинг 40-45 фоизини янги техника ва технологияга сарфланмоқда. Ишлаб чиқаришдаги бундай сиёsat саноат корхоналарида замонавий технологияларни жорий этиш оркали нафақат меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсишни таъминлашга, балки корхоналар умумий самарадорлигини оширишга қаратилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарида иқтисодий ўсиш ва самарадорликни таъминлаш борасида ташкилий омиллардан кенг фойдаланиш зарур. Бунда фикримизча, корхоналар франчайзинг, лизинг, синергетика, кластер, диверсификация, модернизация, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усувлари, бошқаришнинг корпоратив тизимидан кенг фойдаланишлари лозим. Бундан ташқари, меҳнат кооперацияси ва тақсимотини самарали ташкил этиш, иш жойлари ва шароитларини яхшилаш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими самарадорлигини ошириш зарур.

Ҳозирги шароитда маҳсулот сифатини ошириш ҳам муҳим омил ҳисобланади. Саноат корхоналари сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда барча имкониятлардан тўғри фойдаланишлари керак. Маълумки, жаҳондаги энг кучли автомобиль ишлаб чиқариш компаниялари, масалан, Япония, АҚШ, Германия ва Франция каби давлатларда ишлаб чиқилган минглаб автомобилларини у ёки бу жойдаги камчиликлари эвазига бозордан қайтариб олмокдалар. Шу муносабат билан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун, биринчидан, маҳсулот бозор рақобатига чидамли бўлиши, иккинчидан, истеъмолчиларнинг барча эҳтиёжларини қондириши керак ва учинчидан эса, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланаётган ҳаражатлар самарадорлигини ошириш лозим.

Иқтисодий ўсишнинг учинчи гурухдаги омилларига юқоридаги кўрсатилган иқтисодий омиллар билан бирга ижтимоий-рухий омилларнинг

аҳамиятини кенгайтиришни ҳам киритиш мумкин. Бозор шароитида хусусий мулкни ривожлантиришда ходимларнинг саломатлиги, уларнинг қайфияти, иш жойларининг хавфсизлигини ошириш, иш ва меҳнат режалари, корхоналардаги демократик раҳбарлик услуби ва бошқалар, авваламбор, меҳнат унумдорлигига, шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда кабул қилинган “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ти Конунда ижтимоий-руҳий омиллар ўз аксини топган бўлиб, унда келтирилган бандларнинг бажарилиши, ўз навбатида, меҳнат турлари ва ижтимоий шартшароитлар саноат корхоналарида банд бўлганларнинг меҳнатига жиддий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун нафақат ҳар бир корхона, балки бутун жамият ижтимоий кафолатларни яратиш, уни ривожлантиришдан манфаатдор бўлади. Чунки буларнинг барчаси биргаликда, пировард натижада, иқтисодий ўсишга олиб келади.

Умуман олганда, ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, турар жой шароитларининг ҳолати, майший, транспорт хизматининг сифати, мактабгача таълим муассасалари, аҳолининг дам олиш имкониятлари ва бошқалар - ижтимоий-руҳий омилларга киради. Корхонанинг ижтимоий омилларидан фойдаланишдаги ўрни, пировард оқибатда, банд бўлган ишчи кучини кенгайтирилган қайта тиклаш, унинг меҳнат унумдорлигига боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда ижтимоий иқтисодий ривожланиш натижасида ракобатга чидамли ва самарадорлиги юқори даражада бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланиладиган меҳнатнинг мураккаблиги борган сари сезилмоқда. Асосий масала - шундан иборат.

Оддий меҳнат билан мураккаб меҳнат ўртасидаги умуммеҳнат натижасидаги фарқ абстракт ўлчов бирлиги сифатида қаралганда, оддий меҳнат билан мураккаб меҳнатнинг коэффициентини тенглаштириб бўлмайди. Мураккаб меҳнатнинг шаклланиши ва унинг мураккаблиги ортиб бориши

ходимларнинг билим ва малака даражаси юқорилигига боғлиқдир. Демак, иқтисодий ўсиш шароити ходимлар билими ҳамда меҳнат унумдорлигининг ошиб бориши ва корхоналарнинг иқтисодий ўсишида ўз ифодасини топади.

Фикримизнинг давоми сифатида айтиш муҳимки, иқтисодий ўсиш - бу жамият ривожланишининг асосий мезонидир.

Иқтисодий ўсиш динамикаси корхоналарнинг ривожланиши оркали жамиятни ва бутун иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир этади. Шу билан бирга, иқтисодий ўсишга иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, диверсификациялаш каби омилларгина эмас балки жаҳондаги умуниқтисодий вазият ҳам таъсир этиши мумкин.

Курилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг Ўзбекистон Республикаси саноат маҳсулоти умумий ҳажмига нисбатан ўзгариш динамикаси 1.3-жадвалда кўрсатилган.

1.3-жадвал

Курилиш материаллари саноатининг 2015-2019 йиллардаги иқтисодий ўсиш суръатлари¹⁷

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) жами	млрд.сўм	210 183,1	242 495,5	302 536,8	406 648,5	511 838,1
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати (ЯҚҚ)	млрд.сўм	190 036,2	220 064,0	267 744,8	361 072,7	465 357,4
<i>шу жумладан тармоқлар:</i>						
Саноат	млрд.сўм	38 466,6	45 397,9	59 570,4	95 803,9	139 812,8
ЯИМ (ЯҚҚ)даги улуши	% да	20,2	20,6	22,2	26,5	30,0
Курилиш	млрд.сўм	11 382,6	13 148,0	15 228,6	22 101,1	29 891,5
ЯИМ (ЯҚҚ)даги улуши	% да	6,0	6,0	5,7	6,1	6,4

Республикамизда қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормокда, айниқса, цемент маҳсулотларига, аҳолини уй-жойларга бўлган талабини қондириш асосий иқтисодий -сиёсий масала бўлиб қолмоқда. Умуман, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни, ҳақли равишда, инвестиция фаолиятининг индекатори деб аташади. Қурилиш комплексидаги вазият бўйича

¹⁷ “Ўзсаноаткурилишматериаллари” уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланган.

миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган инвестиция жараёнлари борасида фикр юритиш мумкин. Тармоқда кенг миқёсли, хусусан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойихалар амалга оширилмоқда. Масалан, 2015 йилда шартномага киритилған капитал қўйилмалар ҳажми 402,3 млрд.сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2019 йилдаги кўрсаткичдан 1,6 маротабага қўпdir.

2015-2019 йилларда таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, диверсификациялаш ва класстерлашни таъминлаш бўйича қабул қилинган дастурларга кўра, тармоқда умумий қиймати 220 млн.АҚШ долларидан кўпроқ бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Тахлилларнинг кўрсатишича, тармоқда Жаҳон бозорида қурилиш материалларининг янги кўринишлари пайдо бўлиши билан уни ўзимизда ўзлаштиришга катта эътибор қаратилиши натижасида маҳаллий хом ашё ва бирикмалардан фойдаланган ҳолда янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳисобига ички бозорни замонавий қурилиш материалларига бўлган эхтиёжи кондирмокда.


Маҳаллийлаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида бир катор қурилиш ва пардозлаш материалларини, шу жумладан, қуруқ қоришмаларни, гипсакартон ва лакбўёқларини, композит пластик ва алюминий материаллардан дераза ва эшик блоклари, пластик трубалари, пардозлаш панеллери ва плиталар ишлаб чиқилди. Ҳозирда зарурий қурилиш материалларининг юз фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда, демак, импортга ўрин қолмади.

Омиллар билан биргалиқда, иқтисодий ўсишга ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ҳам таъсир кўрсатади. Чунки замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш нафақат иқтисодий ўсишга, балки самарадорлик ва меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир кўрсатади. Омиллар ва иқтисодий ўсиш шароитлари бир-бири билан узвий боғлиқдир Уларнинг фарқи оддий ёки бир маънода бўлавермайди. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича, таъсир кучи характеристи ва йўналишлари илмий жиҳатдан асосланмаган.

Ушбу масалада айрим иқтисодчи олимларнинг фикрини тўла мақуллаган ҳолда, иқтисодий ўсиш омиллари маълум ўзгаришлар ва ҳаракатларни ифодалайди, шу сабабли улар доимо статиксиз эмас, балки динамик ҳарактерга эга, деган фикрга келдик.

Мухим масалалардан яна бири бу иқтисодий ўсишнинг ишлаб чиқариш кучларига ҳам боғлиқлигидир. Бунда бир савол ўз ечимини топиши зарур. Нима учун ишлаб чиқариш кучлари айрим холларда омил ёки шароит ҳисобланади? Бу масала ижтимоий-иқтисодий муносабатларга боғлиқ бўлса керак. Чунки ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бир қатор муносабатлар йифиндисидан иборат бўлиб, яъни ишлаб чиқариш, истеъмол, сотув, тақсимлаш ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Шуларга эътибор қаратадиган бўлсак. ишлаб чиқариш кучлари ёки омил, ёки шароит бўлиши мумкин.

Омил билан шароит ўртасидаги фарқ уларнинг ўзгарувчанликка таъсири орқали ифодаланади. Масалан, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлар, бошқариш тизимидағи ўзгаришлар, технологик жараёндаги ўзгаришлар ва ҳ.к Бундай ўзгаришлар ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий омилларга таъсирини кўрсатади. Иқтисодий ўсишнинг тузилиши 1.2-расмда келтирилган.



1.2-расм. Иқтисодий ўсиш тузилмаси¹⁸

Назария ва амалиётда иқтисодий ўсиш ҳамда самарадорликни ошириш омиллари бир-бирига яқин ва монанд ҳисобланади. Шундай бўлса-да, бизнинг

¹⁸ Муаллиф ишланмаси

фикаримизча, улар ўртасида қандайдир фарқлар мавжуд. Чунки айрим даврларда иқтисодий ўсиш бўлиши мумкин, лекин самарадорлик бўлмайди. Бундай ҳолатни экстенсив иқтисодий ўсишда кўриш мумкин.

Айтиб ўтиш жоизки, корхоналар барча омиллардан комплекс равишда фойдаланса, шундагина самарадорликка эришади. Иқтисодий жараён мураккаб бўлганлиги сабабли иқтисодиётнинг кучайиб боришида самарадорликнинг ўзи мухим омил вазифасини бажаради.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ўсиш ва самарадорликни ошириш ўртасида бир-бирига боғлиқлик, бир-бирига таъсир кўрсатиш жойлари мавжуд. Юқорида айтилгандек, иқтисодий ўсишга кўпроқ интенсив омиллар таъсир кўрсатса у фойда келтиради. Шундагина самарадорлик фойда келтиради. Бизнинг асосий вазифамиз: илмий нуқтаи назардан, иқтисодий ўсиш омиллари ва самарадорликни оширишга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик, уларнинг фарқи ва қайси омилларга уступор аҳамият бериш, уларни илмий-амалий таҳлил этиш ва бу борада хулосалар чиқаришдан иборатдир. Шундай қилиб, замонавий адабиётларда “самара”, “самарадорлик”, “иқтисодий самарадорлик” тушунчалари кенг ўрганилган. Хусусан буларга россиялик олимлар: Х.Майер, А.Л.Костин, В.С.Назаров, Г.ХПопов, А.И.Анчишкин, В.И.Батрасов, И.И.Ройзман, А.Г.Грязнова, В.В.Новожилов, А.С.Павлов, В.М.Малинин, Б.П.Плышевский, Н.В.Первушин ва бошқаларни киритиш мумкин.¹⁹ Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан, хусусан, С.Ғуломов,

¹⁹ "Майер.Т. "Мировая экономика - журнал текущего экономического анализа и политики" . *world-economics-journal.com* . 2011 . Проверено 30 сентября 2011 года., Костин А.Мы всегда ставим перед собой самые амбициозные цели (Интервью с Президентом-председателем правления ВТБ) // «Национальный банковский журнал». — 2008. — № 10, октябрь. — 12.10.2008., Назаров В. Методологические подходы к оценке эффективности межбюджетных отношений в субъектах Российской Федерации / Соавт.: Силуанов А., Стародубровская И. // Экономическая политика, 2011. – № 1. – С. 5-22., Попов Г. Эффективное управление. — М.: Экономика, 1976; 2-е изд. — 1985., Анчишкин А.И. Научно-технический прогресс и повышение эффективности общественного производства. В помощь лектору. -М.: Знание, 1986., Батрасов, В. И. Эффективность интенсификации сельского хозяйства [Текст] / В. И. Батрасов, канд. экон. наук. - Горький : Волго-Вят. кн. изд-во, 1972. - 80 с.; 20 см. - (Сельская экономическая б-чка. Хозяйствовать разумно; Вып. 1. № .), Ройзман И.И Оценка эффективности инвестиционных проектов: учёт региональных рисков. // Инвестиции в России. — 1998. — № 10. С. 13—20., Грязнова.А.В, Соколинский.В.М. Экономическая теория М.,2007., Новожилов В. В. У истоков подлинной экономической науки. — М.: Наука, 1995.— 234 с.— (Памятники экономической мысли).,Павлов В.С Проблемы совершенствования финансового планирования. - М., 1982., Малинин.А.М., Курочкина.В.А ; Санкт-Петербургский государственный университет сервиса и экономики. - Санкт-Петербург : Изд-во СПбГУСЭ, 2008., Плышевский, Б. (д-р экон. наук, проф.).

Ш.Зайнутдинов, Р.Нуримбетов, Ш.Шодмонов, А.Вахабов, М.Турсунходжаев, Э.Махмудов, А.Мамедов, Н.Махмудов ва бошқа олимлар томонидан самарадорлик масалалари бўйича изланишлар олиб борлган.²⁰


Самарадорлик концепциясидан келиб чиқиб, корхона даражасида самарадорлик турларининг концептуал моделини ишлаб чиқиш максадга мувофиқ ҳисобланади.

Корхона даражасида самарадорликнинг тўрт турини белгиладик, булар корхона самарадорлиги, умумий самарадорлик, бошқарув самарадорлиги ва маҳсулот самарадорлиги. Ушбу самарадорлик турларини аниқлашни деталлаштирилган усул асосида амалга оширишни лозим топдиқ, чунки бу усул ҳозирги даврда математик моделлаштиришнинг асосий усулларидан ҳисобланади.

Корхона даражасидаги самарадорлик турлари бир-бири билан ажралмас ҳолда маҳсулотдан олинадиган даромад ва унга бўлган харажатнинг нисбатини ифодалаган ҳолда самарадорликни бошқаришнинг асосий функцияси сифатида намоён бўлади. Иқтисодий адабиётларда самарадорликни ушбу турларига, айниқса, корхона самарадорлиги ва бошқариш самарадорлигига берилган таърифлар ва ёндашувлар кўп. Аммо “ишлаб чиқариш самарадорлиги” ва “маҳсулот самарадорлиги” тушунчалари етарлича таърифланмаган. Шу нуқтаи назардан тадқикотимизда мазкур самарадорлик турларига ўз тушунчамиз ва муносабатимизни билдиришимиз қисман бўлсада фанга қўшилган ҳиссамиз деб ҳисоблаш мумкин (1.3- расм).

Капитальные вложения: динамика, структура, эффективность [Текст] / Б. Плышевский // Экономист. - 2009. - N 8., Первушин С.А. Хозяйственная конъюнктура. -М.,1926.

²⁰ Гуломов С.С. Менежмент асослари.-Т., 1998. Нуримбетов Р.И. Минтака иқтисодиётини бошқариш механизми ва унинг самарадорлиги. -Т.: “Фан”, 2008, -2046. Турикова Л.М. Корпоратив бошқарув тизимида стратегик менежмент усулларини жорий этиш самарадорлиги (“Ўзқурилишматериаллари” АҚ мисолида) мавзусидаги номзодлик диссертацияси. - Тошкент: ТДИУ, 2012. 143 б. Зайнутдинов Ш.Н., Ашупов З.А. Корпоратив бошқарув самарадорлиги. - Т.: ТДИУ, 2010. 105б. Хошимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш самарадорлиги. - Т.: Фан, 2003. 112б. Икрамов М.А., Ходжаева М.Я. Менеджмент:словарь справочник.-Т.: Fazogive Print. 2007. –с. 302., 1.Шодмонов Ш.Ш., Гофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.- Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. - 728 бет. 2. Улмасов А., Вахобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: «Шарқ», 2006. — 480 бет., Махмудов Э.Х. Экономика промышленных предприятий. учебник. -Т.:Иқтисодчи, 2015. 80 с., Мамедов А.О. Современная экономика. Учебник для ВУЗов.,Махмудов Н Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигининг таҳлилий тизими.-Т.: «Ўзбекистон», 1993.



1.3-Расм. Корхона бошқарув самарадорлиги модели²¹

Демак, корхона самарадорлиги бу умумий ҳолатда ишлаб чиқариш харажатларини қоплаб ва пировард натижада, олинган фойдани ифодалайди.

$$C_1 = \Phi_1 / X_1 \quad (1.1)$$

Бу ерда - Φ_1 / X_1

Бошқариш самарадорлиги ишлаб чиқариш билан бөглиқ бўлган бошқарув харажатларини англаатади.

$$C_2 = \Phi_2 / X_2 \quad (1.2)$$

Ишлаб чиқариш самарадорлиги - маҳсулот ишлаб чиқариш билан бөглиқ бўлган моддий, молиявий, технологик, экологик сарфлар йиғиндисини аниқлаб, ишлаб чиқариш рентабеллигини ифодалайди.

$$C_3 = \Phi_3 / X_3 \quad (1.3)$$

Умумий самарадорлик қуйидаги формула асосида аникланади:

$$C_y = C_1 + C_2 + C_3 + C_4 \quad (1.4)$$

²¹ Тадқикот асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Юқорида ажратиб кўрсатилган корхона даражасидаги самарадорлик турларини ўзаро алоқадорлиги ва бир - бирига боғлиқлигининг мазмун-моҳиятини чуқур асослаш учун концепция моделини яратишга ҳаракат қилдик.

Корхоналарда самарадорликни ошириш, авалламбор, хўжалик юритиш самарадорлигини оширишга каратилиши лозим. Чунки барча бошка самарадорлик турлари: ишлаб чиқариш самарадорлиги, ресурслар самарадорлиги, асосий фондлар самарадорлиги, инвестициялар самарадорлиги, меҳнат самарадорлиги, бошкариш самарадорлиги умумлашган ҳолда хўжалик юритиш самарадорлигига таъсир этади. Шу муносабат билан кўрсатилган самарадорлик турларининг ҳар бирига таъсир этувчи омиллари мавжуд. Айтиб ўтиш зарурки, ҳозирги иқтисодий адабиётларда ва тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ушбу масалалар мутлақо ўрганилмаган.

Самарадорликка таъсир этувчи омилларни тадқик этишда авваламбор, омилларни саноат тармоқлари хусусиятларидан келиб чиқиши зарур. Чунки самарадорликни аниқлайдиган ҳисоб-китобларда хам айрим фарқлар бўлиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш билан саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда бундай фарқлар яққол кўринади. Айниқса, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар эътиборга олинганда. Шу сабабли самарадорликка таъсир этадиган омилларни ўрганишда тармоқлар хусусиятлари, албатта, ўрганилиши лозим. Агарда бундай ишлар бажарилмаса, на назарияга, на амалиётга фойдаси булмайди. Маълумки, назария ва амалиёт - **самарадорликка** таъсир кўрсатадиган умумсаноат омиллар тизими ишлаб чиқилган ҳамда бу борада услубият ва низомлар яратилган. Шундай бўлса-да, тармоқлар хусусиятидан келиб чиқиб, улардан самарадорликни аниқ ҳисоблашда баъзи бир қийинчиликлар бўлиши мумкин.

Шу сабабли, тармоқ омиллари таснифини яратишда уни деталлаштириш зарур, чунки, биринчидан, ҳар бир омил бўйича, унинг таъсирини билиш учун таҳлил ўтказиш ва миқдорийлиги ўлчовини билиш, иккинчидан, айрим омиллар гурухининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда иқтисодий мазмuni хусусиятини ўрганиш керак. Бунда омилларни деталлаштиришда тармоқ

хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қуидаги тузилмавий элементлар ҳисобга олиниши лозим:

- 1) ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда омилларни умумий, бир гурӯҳ, гурӯҳости бўлимларга ажратган ҳолда ўрганиш;
- 2) ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда унинг айрим кўрсаткичлари учун ўзига хос гурӯҳ ва гурӯҳости омиллар тизимини яратиш;
- 3) ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда саноат тармоқлари учун ўзига хос гурӯҳ ва гурӯҳости омиллар тизимини белгилаш;
- 4) самарадорликни ошириш омиллари;
- 5) самарадорликни ошириш чора-тадбирлари.

Булардан ташқари, ҳар бир саноат тармоғида ўзига хос ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаш, уларнинг техник даражасини ошириш усуслари мавжуд.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда унга таъсир этувчи хусусий омилларни ўрганиш, уни тизимлаштириш мақсадга мувоғик ҳисобланади. Хусусий омиллар аналитик ҳарактерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигининг умумлаштирилган ва хусусий кўрсаткичининг иқтисодий мазмунини чуқур очиб беришга хизмат қиласи.

Иқтисодий-таҳлилий асосда омилларни белгилар асосида бирлаштириш омилларни сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилишга имконият беради. Ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлиги омилларини ўрганишни иқтисодий ҳисоблаш ва таҳлилий белгиларга бўлиш мумкин.

Омилларни иқтисодий ҳисоблаш бериш омилларнинг ҳарактери, даражаси, йўналиши, айрим омиллар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техник даражасини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилишга шароит яратиши мумкин.

Ушбу белги асосида самарадорликка таъсир этувчи омилларни интенсив ва экстенсив, объектив ва субъектив ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳақиқий ошишига таъсир этувчи омилларга бирлаштириш мумкин ва х.к Ишлаб

чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни гурухлаш ўз соҳасида қўллаш ва уларнинг тегишликларини англайди. Самарадорликни оширишга таъсир этувчи омиллар 1.4-расмда кўрсатилган.



1.4-расм. Самарадорликни оширишга таъсир этувчи омиллар²²

Омилларни ҳарактери ва таъсир этиш соҳаси бўйича гурухлаш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки ҳақиқий ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниклаш ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўлинмаси ва звеносининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этиш ҳиссаси ва рағбатлантиришни амалга ошириш тизимини белгилайди. Омилларни соҳалар бўйича гурухлаш турли омилларни тармок, тармоклараро ва халқаро

²² Муаллиф томонидан таклиф этилган.

кесими нисбатини аниқлашга ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашга имконият яратади.

Самарадорликни оширишга таъсир этувчи омилларни тавсифлашни таҳлилий белгилар асосида амалга ошириш омилларни белгилар асосида таснифлаш, уларни деталлаштиришга ёрдам беради. Бундай деталлаштириш хар бир омилнинг иқтисодий моҳиятини чукурроқ англашга ёрдам беради. Бундай гурӯхлаш натижасида омилларни асосий ва билвоситага бўлиш, ўз навбатида, ҳар бир омилнинг самарадорлигини оширишда қанча улуши борлиги аниқланади. Омилларнинг бундай бўлининиши ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳар бир кўрсаткичнинг қанча улуши борлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, омилларнинг бундай бўлининиши илмий-техник тараққиёт, таркибий ўзгаришларнинг қонуниятларини асослаш ва келажакда ушбу ўзгаришларнинг тенденцияларини белгилаш билан ифодаланади. Бундай бўлишининг аҳамияти шундаки, бунда иқтисодий жараёнларни прогнозлаштириш ва турли иқтисодий математик моделларни яратишда фойдали хисобланади. Айтиб ўтиш жоизки, пировард натижада, барча омиллар таркибидан энг асосий ва юқори самарали омиллар танлаб олиниб, уларнинг тадқиқ ўтказилаётган кўрсаткичлар динамикаси ва даражасига таъсири аниқланади.

Шу билан бирга айтиб ўтиш зарурки, айрим тақдим этилаётган адабиётларда омиллар таснифи белгилари услубий жиҳатдан етарли даражада асосланмаган. Бизнинг фикримизча, омилларнинг микдорий ва сифат турларига бўлиниши мақсадга мувофик ҳисобланмайди²³. Чунки ҳам микдор, ҳам сифатга бўлингандা, уларнинг ўзлари микдор таъсирига эга бўлиб, ўлчовга қодирдир. Бундай ҳолат омилларни бирламчи ва иккиламчига бўлиш билан боғлиқ. Айрим иқтисодчилар бундай бўлишни тан олиши билан бирга, бундай омиллар қийматини тўлақонлигича ифода этадилар. Баъзи тадқиқотлар иккиламчи омиллар бирламчи омилларга асос бўлиб, уларни фаол ҳаракатга келтиради деб таъкидлашса, бошқа иқтисодчилар эса бундай бўлинишни иқтисодий

²³ Анализ реализации прибыли и рентабельности промышленных предприятий.-Минск,1992.

ривожланишдаги бир-бирига боғлиқ бўлган ҳодиса деб тушунадилар. Аммо бундай бўлинишнинг объектив мезонлари йўқлиги сабабли уларни ишлаб чиқаришни режалаштиришда эътиборга олиш мақсадга мувофик, деб ўйлаймиз.

Уумий хулоса ўрнида таъкидлайдиган бўлсак, Ўзбекистон давлатининг қудратини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

1.3-§ Корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини бошқаришни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари.

Илмий тадқиқотларда иқтисодиётнинг ривожланиши ва самарадорлигини баҳоловчи мезонлар, параметрлар, индикаторлар ва кўрсаткичлар кенг ёритилган, мазкур муаммога қаратилган жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари низомлари, кўрсатмалари ва ишланмалари ҳам мавжуд. Ушбу ташкилотлар томонидан ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсиши ва иқтисодий ривожланишининг йўналишлари бўйича индикаторлар ва рейтинглар ишлаб чиқилган. Буларнинг барчаси жаҳон статистика тизими стандартида белгиланган.

Авваламбор, “мезон” ва “кўрсаткич” тушунчаларини изоҳлаб ўтсақ, мезон - иқтисодий адабиёт ва лугатларда ифодаланганидек, асосий восита ҳисобланиб, ўёки бу иқтисодий ва бошқа жараёнларнинг ривожланиши, ўзгариши ва динамикасини аниқловчи кучдир²⁴. Кўрсаткич ҳам худди шундай ҳолатга мос бўлиб, ишлаб чиқариш ёки корхонанинг барча фаолиятини ўрганувчи ва таҳлил қилувчи воситасидир.

Иқтисодий адабиётларда мезон ва кўрсаткич турли хил маъно ва йўналишда тавсифланган.

24 Низамов А.Б. Экономический рост и управление региональной экономикой в условиях рынка. -Т.: Турон – Иқбол, 2006. 173-б

Бу борада муаллифлар турли гурухларга бўлингандар. Масалан, 1) бир мезон, бир кўрсаткич; 2) бир мезон, кўп кўрсаткич; 3) кўп мезон, кўп кўрсаткич.


Аслида олганда, бундай ёндашувларнинг ўз ўрни бор, барча гурухлар ижтимои–иктисодий ривожланиш нуқтаи назаридан тўғри бўлиши мумкин. Аммо корхона даражасига келганда, уларнинг ўзига яраша, корхоналар хусусиятидан келиб чиқсан ҳолдаги хусусиятлари бор.

Юқорида айтиб ўтилганидек, самарадорлик турлича бўлганидек мезон ва кўрсаткичлари ҳам уларнинг ўзларига хос бўлиши мумкин.

Масалан, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ижтимоий самарадорлик турли гурухларга мос келиши мумкин эмас. Бундан ташқари, “самарадорлик” энг кўп учрайдиган умумий тушунчалардан бири бўлиб, ижтимоий–иктисодий тараққиётнинг турли соҳаларида кенг фойдаланилади. Масалан, ишлаб чиқариш самарадорлиги, ресурс самарадорлиги, инновация самарадорлиги, бошқариш самарадорлиги, ижтимоий самарадорлик ва х.к.

Ишлаб чиқаришда самарадорликнинг алоҳида ўрни мавжуд. Чунки маҳсулот бирлигига кам ресурс сарфлаб, кўп натижа олишдир. Ушбу ибора самарадорликнинг асосий концепциясига тўғри келади. Шу нуқтаи назардан, ресурслар самарадорлиги ишлаб чиқаришда асосий самарадорлик ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурсларни 5 та турга бўлиш мумкин: 1) моддий ресурслар; 2) меҳнат ресурслари; 3) молиявий ресурслар; 4) энергия ресурслари; 5) ахборот ресурслари.

Ушбу ресурслардан оқилона фойдаланиб, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш мумкин. Саноат корхоналарида самарадорликни бошқаришни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиқсан ҳолда самарадорликнинг белгилари ва турларини бир тизимга келтириб таснифлаш ишлаб чиқиш самарадорлиги назарияси учун зарур ҳолатир. Куйидаги 1.5-расмда самарадорликни белгилари ва турлари бўйича таснифланиши келтирилган.



1.5-расм. Самарадорликни таснифлаш тизими²⁵.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш, унинг назариясининг тадқиқ этиш, айниқса, Ўзбекистон шароитида кенг кўламда тадқиқотларни амалга ошириш талаб даражасида эмас. Бунинг асосий сабаби, бизнинг фикримизча вазирликлар, компаниялар, ишлаб чиқариш компаниялари томонидан, бозордаги конъюнктурага, талаб ва таклиф кўрсаткичларига асосланган ҳолда бошқаришнинг асосий тамойили бўлган самарадорликка етарлича эътибор қаратилмаяпти. Умуман олганда, самарадорликни ҳисоблашни ҳар қандай оддий иқтисодчи ҳам амалга ошириши мумкин:

$$C = \frac{\text{Натижা (H)}}{\text{Харажат (X)}} = \frac{\text{Натижা (H)}}{\text{Меҳнат (M)} + \text{Моддий (M}_2\text{)} + \text{Молиявий сарфлар (M}_3\text{)}} \quad \text{ёки} \quad C = \frac{H}{M_1 + M_2 + M_3} \quad (1,5)$$

Ишлаб чиқаришда самарадорликнинг, асосан, ички туридан фойдаланадилар: Иқтисодий ва ижтимоий. Ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган ва меҳнат харажжатлари билан боғлиқ бўлган натижаларни иқтисодий ва маълум маънода ижтимоий самара деб тушуниш мумкин. Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижасини кўрсатиб, корхона ичида ва ташқарисидаги ижтимоий ривожланшга таъсир кўрсатади. Масалан,

²⁵ Низамов А.Б. Экономический рост и управление региональной экономикой в условиях рынка. -Т.: Турон-Иқбол 2006. 173 б.

маҳсулот ишлаб чиқариш – бошқарув, янги техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат сифатини ошириш ва бошқаларнинг натижаси. Иқтисодий самара материал, меҳнат, пул ва бошқа ресурсларни тежаш сабабли эришилган миқдор. У вақтинча тежаш, қурилиш муддатларини қисқартириш, меҳнат сарфини тежаш, иш вақтини зое кетказмаслик, маблағлар айланмасини тезлаштириш, бошқарувда иш сифатини яхшилаш ва бошқа натижалар билан тавсифланади.

Демак, ушбу самаралар ишлаб чиқаришнинг ўзида пайдо бўлаётгани, улар бирлашиб, амалга оширилаётган жами меҳнатни ифодаласа, буни ижтимоий – иқтисодий самара деб ифодалаш мумкин. Иқтисодий самарадорликни бошқаришнинг мазмун–моҳияти унинг мезон ва кўрсаткичлари билан боғлиқдир.

Иқтисодиёт, даражасига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

1. Жаҳон иқтисодиёти – мега даража.
2. Регионал иқтисодиёт – мезо даража.
3. Мамлакат иқтисодиёти – макро даража.
4. Тармоқ, корхона иқтисодиёти – микро даража
5. Кичик фирма иқтисодиёти – нано даража.

Ушбу иқтисодиёт турлари ва даражаларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ўзларига хос ва мос мезон ҳамда кўрсаткичлар белгиланиши лозим. Иқтисодий адабиётларда мезон ва кўрсаткичларга олимлар томонидан ёндашувлар турличадир. Шунга эътиборан биз ҳам ўз ёндашувимизни ишлб чиқишга ҳаракат қилдик. Умуман олганда, юқоридаги иқтисодиёт турлари даражасига қараб мезон ва кўрсаткичларга нисбатан, юқори айтиб ўтганимиздек, учта груп белгиланган эди. Бу груптарга нисбатан айнан олимлар кўп мезонли ва кўп кўрсаткичлар групҳи тарафдори бўлиб чиқмоқдалар. Иқтисодий кўрсаткичларни умумий ва хусусийларга бўлиб, умумийларини мезон қилиб белгиламоқдалар. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув иқтисодиётнинг глобаллашуви нуқтаи назардан тўғри келмайди. Шу сабабдан, биз иқтисодиётнинг даражаларига қараб бир мезон ва кўп кўрсаткичлар тарафдоримиз. Бундай ёндашувнинг мазмун–моҳияти 1.6-расмда кўрсатилган.

Иқтисодиёт даражаси	Мезон	Кўрсаткичлар
1. Жаҳон иқтисодиёти	ЯИМ	ЯММ реал даромад ресурслар ҳажми жон бошига тўғри келадиган маҳсулот бозор конъюнктураси
2. Регионал иқтисодиёт	ЯИМ	ЯММ Реал даромад жон бошига тўғри келадиган даромад. Инвестиция ҳажми, инновация ривожи аҳоли бандлиги
3. Макро иқтисодиёт (давлат)	ЯИМ	Меҳнат умумдаражасига реал даромад, инвестиция киритилиши. Аҳоли бандлиги ўртача иш ҳақи инновация ривожи
4. Микро – иқтисодиёт (тармоқ, корхона)	Самарадорлик	Маҳсулот ҳажми таннарх, меҳнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик, асосий фондлар қиймати. Айланма маблағлар қиймати. Фонд қиймат кредити Ўртача иш ҳақи
5. Нано- кичик фирма иқтисодиёти	Фойда	Маҳсулот ҳақи, таннарх, рентабеллик, меҳнат унумдорлиги, ўртача иш ҳақи, экспорт

1.6-расм. Иқтисодиёт турлари ва даражаларига мос мезон ва кўрсаткичлар²⁶

Ушбу муаммони ҳал қилиш йўллари и.ф.д. У.Мадрахимовнинг докторлик диссертациясида тадқиқ этилган²⁷.

Айрим тадқиқотларда, айниқса россиялик олимларнинг ишларида меҳнат унумдорлиги мезон сифатида ўрганилган. Улар бу ғояни асослаш учун жонли ва буюмлашган меҳнатни тежаш натижасида эришиш мумкин деган ҳолосага келганлар. Ўз ўрнида бу фикр тўғри бўлиши мумкин, аммо бундай ёндашув собиқ Иттифоқ иқтисодиётига хосдир. Шу сабабли бу ғояга қўшилмаган ҳолда, ушбу жараёнда фақат жонли меҳнат самарадорлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир, деб ўйлаймиз. Демак, меҳнат унумдорлигини мезон сифатида фойдаланиш мумкин.

²⁶ Муаллиф ишланмаси

²⁷ Мадрахимов У.А. Ўзбекистонда баркарор иқтисодий ўсиш суръатини ошириш йўллари. Докторлик диссертацияси автореферати. -Т.: 2017. 32-бет

Назария ва амалиётда самарадорлик ва меҳнат унумдорлиги тўғри мутаносибликка эга. Лекин, шундай натижада ишлаб чиқаришда барча ресурсларнинг тежамкорлик тамойилига асосланиши меҳнат унумдорлиги эмас, балки самарадорлигининг ошишига боғлиқдир. Шу сабабли ва бошқа ҳолатларни эътиборга олган ҳолда самарадорлик ишлаб чиқаришни асосий мезони ҳисобланади. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг асосий мақсадига эришиш учун барча ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулот бирлигига нисбатан харажатларни камайтириш зарур.

Ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлиги харажатлар ва ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади ва умуман, халқ ҳўжалиги даражасида, тармоқлар, корхоналар, капитал қурилиш даражалари бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бундай самарадорликни ҳисоблаш дифференциал ёндашувга асосланган ҳолда, ҳар бир харажат йўналиши бўйича алоҳида самарадорликни аниқлаши лозим. Буни қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$C_y = C_1 + C_2 + C_3 + \dots + C_n. \quad (1.6)$$

Бундан самарадорликнинг умумийлигини аниқлашда ишлаб чиқаришда тайёрланган маҳсулотнинг меҳнат сифими ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Маълумки, ишлаб чиқаришда иш вақтидан унумли фойдаланиш ва иш шароитини яхшилаш унумдорликнинг зарурий омили ҳисобланади. Бу эса корхоналарда меҳнатни тўғри ташкил этишининг асосий элементига киради.

Республикамизда амалиётнинг кўрсатишича, бозор иқтисодиётига ўтиш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш ушбу масалаларга эътиборни нисбатан пасайтирди. Чунки иш режасини ишлаб чиқиш корхона маъмурияти томонидан ҳал қилинадиган бўлди. Ҳаттоқи, айрим соҳа ва корхоналарда касаба уюшмасининг ролини ҳам пасайтирди. Ҳозирги вақтларда негадир “Менежмент” ва “Корхона иқтисодиёти” фанларида ҳам ушбу масалалар деярли етарли даражада ўз ўрнини топмаган. Масалан, 2015 йилда проф. Э.Х.Махмудов

томонидан чоп этилган “Экономика промышленных предприятий” номли дарсликка ушбу масалалар киритилмаган²⁸.

Меҳнат унумдорлиги билан иш вақтидан самарали фойдаланиш ўртасида тўғри мутаносиблик мавжуд. Ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланаётган вақт қанча тежалса, унумдорлик шунчалик юқори бўлади. Адабиётларда меҳнатни нормалаш, айниқса, меҳнат сифимига катта аҳамият берилган. Ишлаб чиқаришда интенсив омиллардан самарали фойдаланган ҳолда меҳнат унумдорлиги ошиб боради, бу эса, натижада, миллий даромаднинг, корхоналарда соф фойданинг ўсиб боришини таъминлайди. Демак, меҳнат сифими миллий даромад ёки маҳсулот қийматига нисбати билан ифодаланади.

Кўп ҳолларда амалиётда меҳнат сифимининг бошқача маъносини билдирувчи меҳнат унумдорлиги билан тавсифланади. Меҳнат унумдорлиги иқтисодиётда жонли ва буюмлашган меҳнатнинг натижасини англатади. Ушбу кўрсаткични корхоналарда ишлаб чиқаришнинг материал сифими, фонд талаблиги, фонд қайтими ва бошқа ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан таҳлил қилиш мумкин. Маълумки, қурилиш материаллари саноати юқори материал сифатига эга тармоқдир.

Шу сабабли ушбу тармоқ корхоналарида маҳсулот таннархини, асосан, материаллар ташкил этади. Саноат корхоналарида самарадорликни баҳолашда инвестициялардан фойдаланиш кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш фондлари, айланма фондлар ва бошқа жамғарма фондларидан фойдаланиш каби кўрсаткичлар жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу кўрсаткичлардан, муҳими, капитал сифими ҳисобланади. Бу кўрсаткич умумий капитал маблағлар билан тайёрланган маҳсулотнинг ошган қисмига нисбати билан ифодаланиши мумкин.

Юқоридаги кўрсаткичлар ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда муҳим ўрин эгаллайди. Аммо бу кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ўзгаришига аниқ баҳо бериш қийин, чунки улар ўзгаришининг тенденцияси ва динамикасини таққослаш мураккаб масаладир. Агарда даврлар олингандан уларнинг ўзгариши турлича бўлиши мумкин.

²⁸ Махмудов Э.Х. Экономика промышленных предприятий. Учебник.- Т., 2015 г. -370 с.

Масалан, ҳозирда саноат ишлаб чиқариш ҳажми олдинги 2019 йилда 6,5 фоизга тенг бўлса, меҳнат унумдорлиги паст суръатларда бўлмоқда. Бундан шундай хуносага келиш мумкинки, саноат ишлаб чиқариши экстенсив омиллар ҳисобига ривожланмоқда. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам паст бўлади. Самарадорликни баҳолашда фойдаланиладиган корхонанинг, юқорида айтиб ўтилган иқтисодий–техник кўрсаткичларининг ўзгариши ва динамикаси 1.4–жадвалда келтирилган.

1.4 – жадвал

Қурилиш материаллари саноатида самарадорликка таъсир этувчи кўрсаткичларнинг 2015 – 2019 йй.даги ўзгариш динамикаси²⁹

Кўрсаткичлар	Йиллар					2015 йилга нисбатан ўзгариш % да
	2015	2016	2017	2018	2019	
Саноатда банд бўлганлар сони,киши	713605	737898	760398	778368	837769	117
Иш ҳақи фонди, млн. сўм	8342835, 3	9417788, 4	11179815, 8	14709982, 4	20436949, 8	245
Қурилиш саноатида банд бўлганлар сони,киши	64040	66267	66927	73602	90331	141

Иқтисодий самарадорликни бошқариш ва таҳлил этиш нафақат харажат ва ресурслардан фойдаланиш даражасини таҳлил этиш, балки унинг ўзгаришини, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, самарадорликни баҳолашини ҳам ўз ичига олади. Шу мақсадда иқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи, комплекс кўрсаткичлари ҳисобланади ва ишлаб чиқаришнинг натижалари шунга эътиборан таҳлил этилади. Бунда саноат корхоналарининг техник кўрсаткичлари харажатлар ва ресурсларнинг даражасини аниқлаган ҳолда ташқи ва ички омилларнинг таъсирини ҳам ҳисобга олиш лозим.

²⁹ “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси маълумотлари

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ривожланганини аниқловчи асосий кўрсаткичларидан бири ишлаб чиқариш қуввати ҳисобланади. Ишлаб чиқариш қувватидан қанчалик тўла фойдаланилса меҳнат унумдорлик шунчалик ошиб боради. Ишлаб чиқариш қуввати жорий йилнинг боши ва охирига ҳисоб қилинади. Унинг тузилишини такомиллаштириб бориш авваламбор, унда бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган бўлиб, асосий ишлаб чиқариш фондлари улуши даражасини ошириб бориши лозим. Бунда автоматлаштирилган ва роботлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантириш зарур (1.5-жадвал).

Ишлаб чиқариш қуввати самарадорлигини ошириш бир қатор шартшароитларга боғлиқдир:

Биринчидан, корхоналарда инновацион жараёнларни кенгайтириш, иккинчидан, хом ашё ва материалларни замонавий янги илмий сифими юқори бўлган турларидан фойдаланиш; учинчидан, янги техника ва технологияни жорий этиш; тўртинчидан, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва улардан кенг фойдаланиш ва х.к.

Корхоналарда ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва ундан самарали ва тўлиқ фойдаланиш учун ишлаб чиқаришда учта асосий йўналишга эътибор қаратилиши лозим: 1) модернизациялаш; 2) диверсификациялаш; 3) кластерлаштириш.

Саноат корхоналарида самарадорликни баҳолашда вариант ва сценарий усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу усуллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтида (ПМТИ) иқтисод фанлари докторлари С.Чепель, У.Мадрахимов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.³⁰

³⁰ Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов.- Т.:IFMR,2014. 312 с.

1.5 - жадвал

Республикада қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши ТАХЛИЛИ³¹

(2019 йил якуни бўйича ўрганилган - тезкор)

№	Худудлар номи	Таҳлил қилинган корхоналар сони	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси:						Изоҳ	
			30 фоизгача		31 фоиздан 50 фоизгача		50 фоиздан юкори			
			сони	Жамига нисбатан %да	сони	Жамига нисбатан %да	сони	Жамига нисбатан %да		
1.	Қоракалпогистон Республикаси	215	79	36.7	73	34.0	63	29.3	Ёкилғи – энергетика ресурлари етказиб беришнинг чегаралангандиги. Айланма маблағларнинг етишмаслиги	
2.	Андижон вилояти	447	164	36.7	179	40.0	104	23.3	Ёкилғи – энергетика ресурслари етказиб беришдаги чекловлар	
3.	Бухоро вилояти	300	68	22.7	135	45.0	97	32.3	Ёкилғи – энергетика ресурлари етказиб беришнинг чегаралангандиги. Айланма маблағларнинг етишмаслиги	
4.	Жizzах вилояти	212	84	39.6	70	33.0	58	27.4	Ёкилғи – энергетика ресурлари етказиб беришнинг чегаралангандиги. Айланма маблағларнинг етишмаслиги	
5.	Қашқадарё вилояти	395	98	24.8	190	48.1	107	27.1	Ёкилғи – энергетика ресурлари етказиб беришнинг чегаралангандиги. Айланма маблағларни етишмаслиги	
6.	Навоий вилояти	336	63	18.8	110	32.7	163	48.5	Ёкилғи – энергетика ресурслари етказиб беришдаги чекловлар	
7.	Наманган вилояти	301	46	15.3	132	43.9	123	40.9	Ёкилғи – энергетика ресурслари етказиб беришдаги чекловлар	
8.	Самарқанд вилояти	533	122	22.9	220	41.3	191	35.8	Ёкилғи – энергетика ресурслари етказиб беришдаги чекловлар	
9.	Сурхандарё вилояти	202	48	23.8	73	36.1	81	40.1	Ёкилғи – энергетика ресурлари етказиб беришнинг чегаралангандиги. Айланма маблағларнинг етишмаслиги	
10.	Сирдарё вилояти	113	26	23.0	39	34.5	48	42.5	Ёкилғи – энергетика ресурлари етказиб беришнинг чегаралангандиги. Айланма маблағларнинг етишмаслиги	
11.	Тошкент вилояти	673	91	13.5	149	22.1	433	64.3	Айланма маблағларнинг етишмаслиги	
12.	Фарғона вилояти	536	92	17.2	276	51.5	168	31.3	Ёкилғи – энергетика ресурслари етказиб беришдаги чекловлар	
13.	Хоразм вилояти	414	159	38.4	136	32.9	119	28.7	Ёкилғи – энергетика ресурлари етказиб беришнинг чегаралангандиги. Айланма маблағларни етишмаслиги	
14.	Тошкент шаҳри	1325	163	12.3	238	18.0	924	69.7	Айланма маблағларнинг етишмаслиги	
Ҳаммаси		6 002	1303	21.7	2020	33.7	2679	44.6		

³¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Шу усулдан фойдаланган ҳолда сиёсий самарадорлик коэффициентини ҳисоблаб чиқиши керак. Собиқ иттифоқда самарадорликни оширишнинг норматив коэффициенти 0,15 га тенг эди. Бу ҳолат эскириб қолган. Айтиб ўтиш жоизки, ана шу коэффициентдан ҳозирда Россиядаги айрим тадқиқотчилар фойдаланишади. Ҳозирги шароитда ушбу коэффициент реал ҳолатни англатмайди. Чунки бозор иқтисодиётида самарадорлик муаммосига олимларнинг эътибори анча сустлашган. Шу сабабли Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда илмий–тадқиқот институтлари, университетлар томонидан иқтисодиёт йўналишидаги самарадорликни баҳолаш бўйича янги Низоми ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда самарадорлик коэффициентлари нормативларини табақалашган ҳолда ҳар бир ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларнинг хусусиятлари эътиборга олиниши лозим. Масалан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ёки қурилиш материаллари соҳалари билан қишлоқ хўжалиги соҳасини таққослаб бўлмайди.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси турлича бўлиб, бир –бирига боғлиқ бўлган омиллар таъсирида ташкил топади ва шакланади. Ҳар бир саноат тармоқлари ва корхоналари учун ўзига хос омиллар мавжуд.

Юқорида айтиб ўтилганидек, омиллар самарадорликни оширишда асосий куч ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назардан, яна бир бор таъкидлаш лозимки, омиллар гуруҳига қуидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқариш тузулмасини яхшилаш;
- инновация ва фан–техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник даражасини кўтариш, фан–техника ютуқларини жорий этишни кучайтириш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва худудий жолаштириш даражасини ошириш;
- инсон омилини кучайтириш асосида ходимларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббускорлигини ривожлантириш;

•рақобатбардошликтин ошириш, рақобатта чидамли бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини сақлаш ва мустаҳкамлашни таъминлаш.

Бозор шароитида корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш - унинг фаолиятини узоқ йилларга таъминлайдиган энг муҳим йўлдир. Шу нуқтаи назардан корхоналарнинг муваффақият коэффициенти (МК)ни ўрганиш ва ушбу ўйналишда изланишлар олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир. Чунки рақобатбардошлиқда ўз ўрнини йўқотган корхона банкротга учраши турган гап. Шу сабабли 1.6- жадвалда саноат корхоналари рақобатбардошлигини таққословчи кўрсаткичлар келтирилган. Ушбу кўрсаткичлар корхоналарнинг кучли ва ожиз томонларини ўргангандан ҳолда амалга оширилган, яъни корхонанинг муваффақият коэффициентлари қай даражада юқори бўлиши мумкинлиги.

1.6 жадвал

Саноат корхона (фирма)си рақобатбардошлигини таққословчи кўрсаткичлар³²

МК	Солишириш улуши	Фирма	1-рақобатдош	2-рақобатдош
1. Махсулот сифати	0,20	7/1,14	5/1,00	9/1,80
2. Корхона обрўси	0,25	8/2,0	7/1,75	10/2,50
3. Технологиядан фойдаланиш	0,10	9/0,9	6/0,60	6/0,60
4. Ишлаб чиқариш харажатлари	0,25	8/2,0	7/0,50	5/1,25
5. Кўшимча хизматлар	0,20 1,00	6/1,2 7,50	3/0,60 4,45	8/1,60 7,75

Жадвалда кўрсатилган далиллардан кўриниб турибдики, корхона 1-рақобатдоши аниқланган жиддий ожизлигини бартараф этиш учун ўз стратегиясини ишлаб чиқиши лозим. Корхона кучли томонлари бўйича ўзининг етуклигини кўрсатар экан, ушбу позициялар бошқа корхоналарнинг шу позициясига тўсиқларини бартараф этиш учун чора–тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

32 Махмудов Э.Х. Экономика промышленных предприятий учебник.- Т.:Иқтисодчи, 2015. -80 с.

Шундай қилиб, саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари бевосита ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда ташкилий иқтисодий, технологик ижтимоий муносабатларга боғлиқдир. Ушбу муносабатлар даражаси қанчалик юқори бўлса, самарадорлик ҳам шунчалик ошади. Ҳар бир муносабат турининг ўзига ҳос мезон ва кўрсаткичлари мавжуд. Улар самарадорликни баҳолашда, албатта, ҳисобга олиниши шарт. Шундагина корхоналарнинг ожиз томонлари камайиб, кучли томонлари ошиб боради.

Биринчи боб бўйича хуроса

1. Иқтисодий ўсиш билан боғлиқ бўлган назария, илмий қарашлар, ёндашувлар иқтисодий адабиётларда кенг ўрганилган, айниқса, унинг барқарорлигини таъминлаш, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш ва бошқалар тадқиқ этилган.

Шулар билан бирга, ҳозирги глобаллашув шароитида янги тенденцияларнинг келиб чиқиши муносабати билан иқтисодий ўсишнинг баъзи бир жиҳатларини тадқиқ этишни ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда. Яъни корхоналар ёки бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жиҳатларни, илмий конценцияларни ривожлантириш, ҳозирги шароитга мос ҳолда иқтисодий ўсишнинг моҳиятини кўриб чиқиш, унинг омилларини ўрганиш, маҳсулот сифатини ошириш йўлларини аниқлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш долзарб масаладир.

2. Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий самарадорликни оширишни таъминлаш бир – бирига боғлиқ масаладир. Чунки самарасиз иқтисодий ўсиш давлатга керак эмас ҳолатдир. Мамлакат қанчалик ресурсларга бой бўлса ҳам, унинг заминида самарадорлик туради. Ишлаб чиқаришда ҳар бир сўмга тенг ресурсдан самарали фойдаланиш нафақат корхоналар, балки бутун мамлакат иқтисодиёти учун фойдаидир.

Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омилларни айниқса, янги омилларни ўрганиш, уларнинг тизимли таснифини, ишлаб чиқиш,

ҳар бир омилнинг таъсир кучини аниқлаш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

3. Иқтисодиёт фанида мезон ва кўрсаткич атамалари кенг ўрганилган жиҳат бўлиб иқтисодчи олимлар томонидан уларнинг мазмун – моҳияти ҳар томонлама очиб берилган. Уларнинг барчаси бошқарувнинг ҳар бир даражасига қараб аниқланган. Шунга кўра тадқиқот ишида иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари тизимини бир ягона тизимга келтиришга ҳаракат қилдик. Саноат корхоналарнинг тузилиши, хусусиятлари, бошқариш тизимидан келиб чиқсан ҳолда ўзига хос ва мос кўрсаткичлари мавжуд.

Шулардан келиб чиқиб корхона самарадорлигига таъсир этувчи, уни баҳолашда зарур асосий кўрсаткичлар тизими тузилди ва кўрсаткичлар аниқланди. Бунга асосан фан сифими, материал сифими, капитал сифими, меҳнат сифими, фонд сифими, фонд қайтими билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар киритилди. Чунки ушбу кўрсаткичлар ишлаб чиқаришда қанчалик тежалса, шу даражада иқтисодий самарадорлик ошади. Шундан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир кўрсаткич самарадорлигини баҳолашнинг ўз ўрни бор, факат уларнинг таъсирини ўрганишда тўғри ва аниқ ҳисоблаш усувларидан фойдаланиш зарур бўлади.

П БОБ. ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1-§ Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий самарадорлигини бошқаришнинг ташкилий механизмлари таҳлили

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча саноат тармоқлари, жумладан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида ҳам ўзгаришлар амалга оширилди. Бунда, авваламбор таркибий ўзгаришлар, янги замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши, модернизациялаш, диверсификациялаш, кластерлаштириш сиёсатини ривожлантириш, инвестиция сиёсатини фаоллаштириш, инновацион фаолиятни кучайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва бошқа ижобий натижаларга эришилди.

Айниқса, 2017 йилдан бошлаб, мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ва ҳукумат томонидан аҳолининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғи Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор соҳаси қилиб белгиланди.

Хозирда мамлакатимизда 7,0 мингдан ортиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият олиб бормоқда, улар қурилиш мажмуасини асосий қурилиш материаллари билан таъминламоқдалар.

Республикамиз бўйича 2019 йилда қурилиш материаллари саноатининг ишлаб чиқариш ҳажми (2018 12,9 трл. сўм) ошди, саноат ишлаб чиқаришдаги тармоқнинг улуши 6,0 фоизни ташкил этди (2018 й – 5,5 фоиз). Маълумки, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарида мавжуд фондлардан фойдаланиш деярли 93 фоизни ташкил этади, бунда ойна – 100 фоиз, гипсокартон – 98 фоиз, керамик плиталар – 97 фоиз. Шу билан бирга, айрим маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш жуда паст даражада эканлиги аниқланди. Масалан, шифер ишлаб чиқариш – 25,2 фоиз. ДСП – 33 фоиз ва пиширилган ғишт – 74 фоиз. Ишлаб чиқариш қувватларидан

юқори даражада фойдаланиш ишлаб чиқариш захиралари даражасини пасайтиради, бу ҳолат эса мавжуд қувват билан ички бозорнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини ўз ишлаб чиқариши билан қондира олмайди. Айрим маҳсулотларнинг паст даражада бўлганлиги нархни қўтарилиши билан боғлиқ куз – қиши даврида энергия ресурсларининг етишмаслиги, яъни зарур маркадаги кўмирнинг етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

Аҳолининг демографик ўсиши қурилиш ишларининг кўпайишига олиб келди. Ўзбекистонда 1926 йилда 4,6 млн аҳоли, 1939 й – 6,3 млн, 1990 й. – 20,2 млн аҳоли яшаган бўлса, 2020 йилга келиб аҳоли сони 34 миллиондан ошди. Демак, 1926 йилга қараганда, 2019 йилга келиб, 8 марта кўпайган. Бундан динамика ўз – ўзидан кўриниб турибди (кўп қаватли уй-жой, якка тартибдаги уй жойлар, мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт муассасалари ва бошқа) қурилиш ишларининг кўпайиши билан боғлиқ ҳолда қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж ҳам кескин ошган.

Мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати ривожланишини умумсаноат ривожланиши билан таққослаб белгилаш мумкин. (2.1-жадвал)

2.1 жадвал

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши³³

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2018 йил (хақикат)	2019 йил (хақикат)	2020 йил (тезкор)	2021 йил (прогноз)
Республика саноат маҳсулотлари ҳажми	млрд.сўм	111 267,2	144 185,3	228 866,2	269 687,6
Шундан қурилиш материаллари саноати	млрд.сўм	7 018.8	8 135,0	11 328,8	13 670,2
	Жами саноатдаги улуши, %да	6,3	5,6	4.9	5,1
и чу жумладан:					
"Ўзсаноатқурилиш материаллари" уюшмаси	млрд.сўм	3 005,9	3 498,6	4 903,8	5 310,0
	жами саноатдаги улуши, %да	2.4	2.4	2.1	2.0
	жами қурилиш материаллари саноатидаги улуши, %да	42.8	43.0	43.3	38.8

2.1-жадвалда келтирилган далиллар шуни кўрсатмоқдаки, қурилиш материалларининг абсолют кўпайиши ортиб бормоқда. Лекин уларнинг нисбий кўпайиши 2018 – 2021 йй камаймоқда (- 1,2 фоиз).

³³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда 180 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда, буларга 924 та фойдали қазилма конлари асос бўлмоқда. Улар қаторида қурилиш тошлари, гишт – черепица хом ашёлари, графитли минерал бўёқлар, табиий пардозловчи тошлар, гипс, ангидрит, қум, қурилиш учун фойдаланиладиган ёғоч кўринишидаги хом ашё, силикатли буюмлар, минерал толалари ишлаб чиқарилувчи хом ашё, чинни буюмларни ишлаб чиқариш ҳомашёси, керамзит хом ашё, платинни қуриш учун хом ашё, оловга чидамли қоришка хом ашёси, ойна учун хом ашё, бурғали қоришмалар учун лой, агро – рудали хом ашё, қўпол керамика учун лой, чангли тошлар, борига ўхшаш хом ашё, каолинлар, форталарга оид тошлар, тальк, талкаш тош минерал пахталарни ишлаб чиқариш хом ашёси, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва товуқларини боқиши учун минерал озуқалар, мармар, гранит, габро, кварцали қум, даломит, каолин, базалий, оҳак ва бошқалар.

Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, мамлакатимизда сўнгти йилларда асосий қурилиш материали бўлган цемент ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилмоқда. Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда фақатгина учта цемент заводи фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 19 та.

Ҳозирда Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир вилоятда, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводлари юқори сифатли цемент маҳсулоти ишлаб чиқармоқда. Цемент маҳсулоти бўйича нафақат ички бозор тўла таъминланди, балки хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан – йилга ошиб боришини 4-иловада кўриш мумкин.

Айтиб ўтиш жоизки, цемент маҳсулоти бўйича ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2000 – 2017 йилларда цемент ишлаб чиқариш, уни истемол қилиш даражаси жаҳон бўйича ҳам ошиб бормоқда. Умум жаҳон бўйича бу кўрсаткич 2 баробарга ошган бўлса, Хитойда – 3,5, Туркияда – 1,74, Эронда – 1.84 маротабага ошди. 2018 йилда жон бошига цемент ишлаб чиқариш ўртача жаҳонда 5,38 кгдан тўғри келган бўлса, жумладан, ушбу кўрсаткич Хитойда - 1681 кг, Жанубий Кореада -1998 кг, Туркияда – 998 кг, Россияда – 372 кг, Ўзбекистонда – 280 кг тўғри келди.

Ўзбекистон Республикасида цемент заводларини қуриш ва уларни ривожлантириш сўнгги йилларда анча жадаллашди. Айниқса, Президентимиз томонидан Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга оид бир қатор фармон ва қарорлар, жумладан, цемент ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасида қабул қилинган қарор мамлакатимизда қисқа муддатда нафақат цемент ишлаб чиқаришни кенгайтирди, балки уни экспорт қилиш имкониятини яратди. 2016-2019 йй. республикамизда цемент ишлаб чиқариш ҳажмини ошиши ва корхоналар ривожланиши бўйича маълумотлар 2.2 жадвалда келтирилган.

2.2- жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2016-2019 йилларда цемент маҳсулоти ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили³⁴

№	Асосий заводлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			
			2016	2017	2018	2019
1	“Кизилкум цемент” АЖ	Минг.тн	3500	3550	3643	3949
2	“Оҳангарон цемент” АЖ	Минг.тн	1863	1900	1993	2625
3	“Бекобод цемент” АЖ	Минг.тн	1066,9	1100	1204	1501
4	“Кувасой цемент” АЖ	Минг.тн	1066,4	1079,2	1134,3	1534,3
5	Жиззах цемент заводи	Минг.тн	726	812,6	810	830,4
6	“Фарфона цемент” МЧЖ	Минг.тн	107,3	110,2	110,4	112,4
7	“Кезер” МЧЖ	Минг.тн	11	11	11,2	13,5
8	“Синглида” КК	Минг.тн	50,9	51,8	55,5	59,2
9	“Эверест металл фаворит” МЧЖ	Минг.тн	9,2	10	10,6	11,8
10	“Буюк” хусусий корхонаси	Минг.тн	11	20,2	21,3	29,4
11	“Турон экоцемент групп” МЧЖ	Минг.тн	46,2	75,1	75,5	79,5
12	“Фарҳадшифер” МЧЖ	Минг.тн	4	10,5	11,6	18,3
13	Жами	Минг.тн	8461,9	8730,6	9080,4	10763,8

Шу билан бирга, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида маҷаллий бозорни таъминлаш кўрсаткичлари паст даражада бўлиб қолмоқда. Цементнинг 74,8 фоизи, ойнанинг 50,6 фоизи, линолумнинг 86,6 фоизи,

³⁴ «Ўзсаноатқурилишматериаллари» ўюшмаси статистик маълумотлари

санфаненснинг 33 фоизи ва бошқалар импорт ҳисобига ўз ўрнини тўлдирмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун соҳада аниқ чора–тадбирларни амалга ошириш зарур, булардан ишлаб чиқаришни мадернизациялаш, жисмоний ва маънавий эскириб қолган жиҳозларни янгилаш ишлаб чиқаришда энерго сифими юқори бўлган техника ва технологияларни алмаштириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларини кенгайтириш зарур.

Агарда Республикаиз бўйича қурилиш материалларини ишлаб чиқиш бозорини худудлар бўйича таҳлили ўтказилганда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда дисбаланс мавжудлиги аниқланди. Хусусан, қурилиш материалларни ишлаб чиқариш корхоналарининг аксарияти Фарғона водийси, Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган. Бундай ҳолат, асосий ишлаб чиқаришни, шунингдек, қурилиш материалларининг инновацион турларини ишлаб чиқаришни бошқа худудларда жойлаштиришни ҳаётни ўзи тақозо этмоқда. Агарда Республикаизда ҳозирги вақтда 20 га яқин цемент заводлар мавжуд бўлса, улардан 6 таси катта заводлар ва қолгани майда корхоналар. Уларнинг умумий ишлаб чиқариш қуввати йилига 11 млн. тонна маҳсулотга teng бўлиб, асосий қуввати (91%) катта корхоналар хиссасига тўғри келади.

Қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш иқтисодиётнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, биринчи навбатда, якка тартибда ва қўп квартирали уй-жойлар қурилиши, инфратузилма ва ижтимоий обьектларнинг барпо бўлишига хизмат қиласи.

Бошқа томондан, қурилиш материаллари ва буюмлари саноати республика иқтисодиётида энергия сифими эса юқори бўлган тармоқлар қаторига киради. Чунки мазкур тармоқнинг 70 фоизга яқин энергия истеъмоли табиий газга тўғри келади. Ўз навбатида тармоқда энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, айниқса, тикланадиган энергия ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш талаб этилади.

Бозор шароитида таннарх корхоналарнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган ва шундай бўлиб қолади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғида маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича тадбирларни амалга оширишни ҳисобга олганда, охирги уч йилда ўртача

цементнинг ишлаб чиқариш таннархи 83 фоизга, қурилиш ойналари таннархи 12,3 фоизга, гипсокартонники эса 11,4 фоизга пасайди. Аммо ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг паст даражаси ва қурилиш материалларига бўлган монополиянинг мавжудлиги тайёр маҳсулотнинг қийматига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тахлиллар шундан далолат бермоқдаки, юқори таннарх ҳисобига ташқи бозорда рақобатни амалга ошириш имконияти деярли йўқ.

2.3-жадвал
“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2015 – 2018
йиллардаги асосий молиявий-иктисодий қўрсаткичлари таҳлили,
млрд.сўм³⁵

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2018 й.да 2015 й.га нисбатан ўсиши,%д а
Йил охирига асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси	1829,5	2160,8	2659,2	3942,7	215,5
Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи	1401,6	1639,4	1963,0	3041,0	216,9
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар (-))	584,5	1018,6	1040,3	1572,9	269,1

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2015-2018 йиллардаги молиявий-иктисодий қўрсаткичлари таҳлили шуни қўрсатадики, ушбу йилларда маҳсулот таннархи 217 фоизга ошган бўлса, маҳсулот сотишдан тушган тушум 215,5 фоизга ва фойда солиғини тўлангунга қадар фойда эса 2,7 баробарга ошган. Демак, ушбу давр оралиғида тушум ва таннархнинг деярли бир хил даражада бўлганлигини кўришимиз мумкин. Лекин ижобий ҳолат бу ерда фойда солиғи тўлагунга қадар фойданинг нисбатан ортгани ҳисобланади.

Бугунги кунда мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, тармоқда яқин йилларда маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора тадбирлар қуидагилардан иборат:

³⁵ «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг статистик маълумотлари

1. Профнастил, ғишт, сендвич-панел, лак-бўёқ материаллари, мармар ва гранит плиталар, гипсокартон буюмларни ишлаб чиқаришда қувватлардан тўла фойдаланиш.

2. Йирик ва кичик корхоналарда деворбоп пардозлаш, сантехника, керамик материалларни ишлаб чиқаришда жиҳозларни янгилаш ва модернизациялаш, ҳамда замонавий энергия, технологик жиҳозлар ва печлардан самарали фойдаланиш.

3. “Охангаронцемент” АЖ да цемент ишлаб чиқаришни кенгайтириб, уни энергия тежамкор технология асосида “куриқ” усулга ўтказиш.

4. Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш натижасида соҳада энергия самарадор ва иссиқлик тежамкор технологияларни жорий этиш.


5. Унумдорликни ошириш, электрэнергия ва табиий газ харажатларини камайтириш, технологик жараёнларни оптималлаштириш, ишлаб чиқаришда ўқотишлиарни пасайтириш, жисмонан ва маънан эскириб қолган жиҳозларни фойдаланишдан чиқариш.

6. Йирик цемент ва ойна саноати корхоналаридан чиқадиган газларни утилизациялаштириш

7. Йирик цемент ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион технологиялар асосида газтурбин блокларда электр ва иссиқлик энергиялар ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Фикримизча, қурилиш материаллари саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишнинг асосий жиҳатларидан бири – бу асосий ишлаб чиқариш фондларидан оқилона фойдаланишdir. Экспертларнинг ҳисоблаши бўйича ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган техника ва технологиялар ҳисобига маҳсулотдаги улуши 40 фоизга тўғри келмоқда. Демак, ишлаб чиқариш жараёнида янги инновацион ғояларга асосланган технологиялардан фойдаланиш нафақат меҳнат унумдорлигини, балки иқтисодий самарадорликни ҳам оширади. Қисқача қилиб айтганда, асосий фондлар ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми ҳисобланади. Хорижий амалиётда кўпроқ “асосий капитал” тушунчаси қўлланилади. Айрим ҳолларда олимлар ёндашувлар “асосий фонд” ва “асосий

капитал” тушунчалапи ўртасида жиддий фарқ йўқлиги билан изоҳланади. Бизнинг фикримизча бундай ёндашув тўғри бўлмаса керак. Бунга ишонч билдириш учун асосий капиталнинг таркибини билиш лозим. Унинг таркибига моддий қийматлар (ер, бино ва иншоотлар, машиналар, жиҳозлар ва бошқа меҳнат воситалари) киради. Молиявий қўйилмаларга (ўзининг қимматли қоғозлари, бошқа корхоналардаги қўйилмалар, бошқа корхоналар қарздорлиги) номоддий активлар (пайнлар, лицензиялар, товар белгилари, лойиҳалар ва бошқалар), “Асосий фондлар” тушунчасига кўпроқ хўжалик ходимлари ўрганиб қолишган. Чунки бу кўрсаткич корхонанинг штат ҳисботига киритилган. Бозор иқтисодиёти шароитида “капитал” кўп ишлатиладиган ҳолатга айланди. Аммо “асосий фондлар” тушунчаси амалиёт ва назарияда ўз ўрнини йўқотгани йўқ.



2.1-расм. Асосий фондлар таснифи³⁶

Бозор муносабатлари ва рақобатнинг мавжудлиги шароитида биринчи ўринга шундай масалалар чиқмоқда, масалан, техника даражаси, сифати, буюмларнинг қаттиқлиги – булар корхоналардаги асосий фондларга боғлик бўлиб, улардан фойдаланишининг самарали йўлларини белгилашни амалга

³⁶ Муаллиф ишланмаси

оширади. Асосий фондларни түгри таснифлаш ҳам назарий, ҳам амалий томондан катта аҳамият касб этади. Биз ҳам мазкур тадқиқот ишимизда ўз таснифимизни ишлаб чиқдик (2.1- расм).

2015-2018 йилларда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” АЖ асосий фондларининг 2.4-жадвалда таҳлили таснифи берилган.

2.4-жадвал

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2015 – 2018 йиллардаги асосий фондлар динамикаси, мин сўм³⁷

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Йил охирига жами асосий фондлар	млрд.сўм	203 595,7	254 565,1	309 746,0	705 020,0
<i>ишу жумладан, тармоқлар:</i>					
Саноат	млрд.сўм	68 185,6	94 809,9	115 516,5	169 675,4
<i>жамига нисбатан фоизда</i>	% да	33,5	37,2	37,3	24,1
Курилиш	млрд.сўм	5 797,6	7 517,9	8 763,5	12 553,1
<i>жамига нисбатан фоизда</i>	% да	2,8	3,0	2,8	1,8

Ҳозирда тармоқда энергия самарадорлиги юқори бўлган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бу йўналишда янги технологияларни жорий этиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Тармоқда иссиқлик энергия ресурсларининг истеъмолчилари, асосан, цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади. Улар табиий газни 80 фоиздан паст истеъмол қиласидар, 4 та катта цемент заводи иилига 0,9 дан 1 млрд m^3 гача табиий газни истеъмол қиласидар. Иссиқлик энергияси истеъмолини иқтисод қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнида самарадорлигини ошириш йўлида янги ишлаб чиқаришни яратиш, шунингдек, ҳаракатда бўлганларни модернизация қилиш борасида “хўл” усулдан “қуруқ” усулга ўтказишда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланаётган табиий газнинг 45-50 фоизи камайтирилади.

³⁷ «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси статистик маълумотлари

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналарни янги техник – технологик жиҳозлаш, модернизациялаш ва қайта қуроллантириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Масалан, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, ООО “Қурилишматериаллари ЛИТИ” лойиҳалаш ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган чора – тадбирлар натижасида қуийдаги натижаларга эришиш белгиланган:

- республикада қурилаётган биноларнинг энергия самарадорлигига эришиш учун тежамкорликни ошириш ва ишчи кучини қисқартириш;
- фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш;
- деворбоп материаллар ишлаб чиқариш корхоналарида табиий газ истеъмолини камайтириш;
- биноларни иситиш, совутиш, вентиляция ва янги техника ва технологияни жорий этиш, модернизациялашни амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш, диссификациялаш ва кластерлаштириш сиёсатини ривожлантириш;
- ишлаб чиқаришни, халқаро сифат стандартлари талабларига жавоб берадиган қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқиш тизимини йўлга қўйиш;
- кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;
- ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш ва хоказолар.

Мамлакатимизда 2019 йилда импортнинг ошишини кескин амалга оширилган таркибий ўзгаришлар ва хорижий инвестицияларни фаоллаштириш билан асослаш мумкин. Лекин бундай вазиятни ижобий деб бўлмайди. Чунки иқтисодиёт бундай ҳолатда доимо хорижий инвестицияларга боғланиб қолиши ҳолати содир бўлади.

Айтиб ўтиш жоизки, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш бевосита экспорт ҳажмининг кўпайишига боғлиқ. Чунки бунда валюта захираси ортиб боради. 2018 йилдаги ташқи савдо айланмасининг ошганлиги валюта, ўз

навбатида, захирага салбий таъсир кўрсатади. Буни тўхтатиш учун иқтисодиётнинг барча тармоқларида импорт ўрнини боса оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Экспорт салоҳиятини ошириш келажакда мамлакатимизнинг жаҳон бозоридаги нуфузини оширади.

Айтиш мумкинки, соҳада экспорт салоҳиятини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур. Бунда қуидаги йўналишларга жиддий эътибор қаратилиши лозим: экспортни бошқариш механизмини такомиллаштириш; чет эл инвестицияларини жалб этишни фаоллаштириш; ишлаб чиқаришда диверсификацияни кенгайтириш, маҳсулот сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш; маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқариш; персонал фаолиятига сифат менежменти усулинин жорий этиш ва х.к.

Ҳар қандай корхонада моддий рағбатлантириш тизимини тўғри йўлга кўйиш яхши самара беради. Бу эса тўғридан – тўғри иш ҳақини ташкил этишни ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир.

Иш ҳақи назариясида бир жиҳат мавжуд. Бу иш ҳақининг ошиб бориши ва меҳнат унумдорлигининг ўсишидаги алоқадорлик, яъни меҳнат унумдорлигининг бир фоизга ўсиши иш ҳақининг ўртача 2-3 фоизга ошишига таъсир кўрсатади. Бир даврларда буни буржуа назарияси деб қарашган. Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақини ташкил этиш 22 ставкали тариф тизимиға асосланган. Иш ҳақи, авваламбор, рағбатлантирувчи тамойилга қаратилиши лозим. Шундай экан, иш ҳақини ташкил этишни такомиллаштириш зарур.

Олиб борилган таҳлилларнинг кўрсатишича қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатида экспорт муаммосини ҳал қилиш учун катта инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Аммо қурилиш материалларининг маълум турларининг импортга боғлиқлигини 5-иловада маълумотларидан билиш мумкин.

Фақат 2019 йилда 13 ҳил қурилиш материаллардан 470311,9 минг долл. ҳажмдаги материаллар импорт қилинган бўлса, ушбу товарларни экспорти

31740,9 минг долл.ни ташкил этган бўлиб, уларнинг нисбати 6,8 фоизга тенг бўлди.

Ишлаб чиқаришда асосий куч ишчилар ҳисобланади. Шу сабабли уларни иш ҳақи бошқа ходимлар иш ҳақи билан мувофиқлаштирилиши лозим. Масалан, Япония компанияларида иш ҳақини ташкил этишда ушбу жиҳатга катта эътибор берилади. Чунки бошқарув ходимлари ва ишчиларнинг иш ҳақи ўртасидаги фарқ жуда катта бўлиши мумкин эмас. Бунинг нисбати амалиётда 1,0:1,5 этиб белгиланган. Саноат корхоналарида иш ҳақини ташкил этиш бир қатор шароитлар билан изоҳланади. Буларга: иш шароити, интизом, ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш, операцияларнинг мураккаблиги, ишчилар малакаси ва бошқалар (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғида иш ҳақи фондининг 2015-2019 йиллардаги ўзгариши динамикаси

Кўрсаткичлар	йиллар				
	2015	2016	2017	2018	2019
Банд бўлганлар сони,киши	713605	737898	760398	778368	837769
Иш ҳақи фонди, млн. сўм	8342835,3	9417788,4	11179815,8	14709982,4	20436949,8
<i>шуңдан қурилиши материаллари саноатида:</i>					
Банд бўлганлар сони,киши	64040	66267	66927	73602	90331

2.6-жадвал маълумотларига кўра 2015-2019 йилларда ўртача иш ҳақининг суръатлари юқори бўлган. Масалан, бошқарув ходимларининг таҳлил давридаги ўртача иш ҳақи 4 баробарга ошган бўлса, ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи 2,5 баробарга ўсган. Демак, уларнинг нисбати 1:1,6 ни ташкил этган.

Шундай қилиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг кейинги йиллардаги ривожланиши қуйидаги асослардан иборат:¹

1. 2025 йилга прогнозлаш асосида қилинган ҳисобларга кўра, қурилиш ишлари ижобий ўсишнинг динамикаси йилига 10 фоизга тенг бўлади.

2. Курилиш комплекси эҳтиёжини тўла қондириш ва юқори сифатли инновациялаш қурилиш материалари билан бозорни тўлдириш учун 2025 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган концепцияда белгиланганидек маҳаллий минерал – хом ашё ресурслардан оқилона фойдаланиш лозим.

3. Ойна заводларидағи ойна пиширадиган печларни модернизациялаш натижасида, тара ойналари энергия сифими умуман, тармоқ бўйича 15 фоизга камаяди.

4. Янги ва мавжуд ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш, маҳаллий ресурс ва хом ашёлардан фойдаланиб, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқариш тузилишида импорт улушини пасайтиради.

5. Маҳаллий ва халқаро техник стандартлар талаблари орқали экспортни кенгайтириш ва бошқа давлатларнинг қурилиш материаллари бозорига кириб боришини енгиллаштириш.

Бундан ташқари, миллий иқтисодий қоидаларни қабул қилинган халқаро нормаларга мослаштириш лозим.

6. Янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали саноат ишлаб чиқаришда энергия ресурслари сарфини кескин пасайтиришни таъминлаш.


Юқорида келтириб ўтилган чора-тадбирларнинг амалда ўз ифодасини топиши тармоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги ва самарадорлигини таъминлаш муҳим омиллардан ҳисобланади.

2.2-§ Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий самарадорлигини бошқаришнинг иқтисодий механизмлари таҳлили

Бозор шароитида иқтисодий адабиётларда “механизм” атамаси кенг тарқалган иборадир. Механизм сўзи кўпроқ технологик жараёнларда фойдаланиладиган атама ҳисобланади. Механизм ибораси машинасозлик, соатсозлик, инновацион, информацион – ахборотлаш соҳаларида, умуман, саноат ишлаб чиқаришда ишлатилади. Ушбу тушунчага олимларнинг ёндашувлари ва ифодалари ҳам турличадир. Сўнгги даврларда “механизм”

тушунчаси иқтисодиёт ва унинг тармоқларида кенг ишлатилмоқда. Айниқса, корхона даражасида “механизм” тушунчасидан фойдаланиш оддий ҳолат бўлиб қолди. Шундай қилиб, авваламбор “механизм” нима? деган саволга жавоб беришимиз лозим. “Механизм - қўп элементлар асосида бирон – бир мақсадни амалга оширувчи ва иқтисодий самарадорликни таъминловчи воситадир”³⁸. Менежмент назарияси ва амалиётида қўп фойдаланиладиган механизм турларини изоҳлаб ўтамиз.

Масалан, ташкилий механизм, иқтисодий механизм, ижтимоий механизм, тармоқлар механизми, соҳалар механизми, корхона механизми, инвестицион механизм, инновацион механизм ва ҳ.к. Тадқиқотимиздан келиб чиқсан ҳолда саноат корхонаси механизмининг самарадорликни бошқариш жиҳатлари ўрганилган ва ривожлантирилган. Самарадорликни бошқариш механизми 2.2-расмда келтирилган.



2.2-расм. Самарадорлик механизми элементлари³⁹

Саноат корхоналарида, жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида самарадорлик механизми бир қатор омиллар, захиралар ва бошка шароитлар билан ифодаланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, самарадорлик

³⁸ Муаллиф таърифи.

³⁹ Муаллиф ишланмаси

асосий ишлаб чиқариш корхоналаридага вужудга келиши мумкинлигига эътибор қаратиладиган бўлса, асосан, З та йўналишдаги механизмларни ўрганиш зарур: ташкилий механизм, иқтисодий механизм, технологик механизм. Ушбу механизмларнинг корхоналарда тўғри йўлга қўйилиши ишлаб чиқариш ва бошқариш самарадорлигини оширади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноати тез суръатлар билан ривожланди. Агарда 1991 йилларда унинг мамлакатимиз ЯИМ даги салмоғи 9 фоизга тўғри келган бўлса, 2019 йилга келиб, 32 фоизни ташкил этди. Прогнозлар бўйича 2021 йилда саноат салмоғининг 36 фоиз бўлиши мўлжалланган.

2.6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси асосий макроиктисодий кўрсаткичлари динамикаси⁴⁰

Кўрсаткичлар	2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	Млрд.сум	2016 йил натижаси %	Млрд.сум	2017 йил натижаси %	Млрд.сум	2018 йил натижаси %
Ялпи ички маҳсулот	302536,8	124,8	406648,5	134,4	511838,1	125,9
Саноат маҳсулоти	59570,4	131,2	95803,9	160,8	139812,8	145,9
Асосий капиталдаги инвестициялар	72155,1	140,8	124231,2	172,2	189924,3	152,9
Қурилиш ишлари	34697,9	118,0	51129,3	147,4	68854,4	134,7
Ташки савдо айланмаси (млн.доллор)	26566,1	109,6	33429,9	125,8	41751,1	124,9
Экспорт	12553,7	103,8	13990,7	111,4	17458,7	124,8
Импорт	14012,4	115,4	19439,2	138,7	24292,3	125,0
Сальдо (+ -)	-1458,7	x	-5448,5	x	-6833,6	x


Қурилиш материалларининг экспортдаги салмоғи эса 12 фоиздан ортиқ бўлди. 2.6-жадвалда Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари таҳлил этилган. Жумладан, саноат маҳсулотларининг ошиб бориш кўрсатилган.

Йилдан – йилга саноатдаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари ҳам кучайиб бормоқда, бундай тенденция, биринчи навбатда, импортни

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

қисқартиради. Айниқса, амалга оширилаётган давлат сиёсати бунга катта таъсир кўрсатмоқда.

Айтиб ўтиш лозимки, маҳаллийлаштириш дастури асосида саноатнинг барча тармоқларида ўзимиздаги бой ресурслардан фойдаланишга асосланган ҳолда саноат маҳсулотлари кўпайиб бормоқда. Охирги йиллардаги саноатнинг ўсиш даражаси 2.3- расмда кўрсатилган.



2.3 расм 2015-2019 йилларда саноатнинг ўсиш динамикаси⁴¹

Курилиш материаллари ишлаб чиқаришда самарадорлик механизми бир нечта муҳим коэффициентларни ҳисоблаш орқали амалга оширилади. Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашда қуйидаги коэффициентларни кўриб чиқамиз.

1. Корхонанинг тўлов қобилияти коэффициенти

$$K_1 = \frac{C_\phi}{K_k} \cdot 100; \quad (2.1)$$

Бунда,

K_1 – тўлов қобилияти коэффициенти;

C_ϕ – соф фойда;

K_k – кредиторлар қарздорлиги

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Корхонани кредиторлар қарздорлиги қанчалик минимал бўлса, самара юқори даражада бўлади.

2. Молиявий барқарорлик коэффициенти:

$$K_2 = \frac{C_\phi}{A_M} \cdot 100; \quad (2.2)$$

Бунда,

K_2 – барқарорлик коэффициенти;

C_ϕ – соф фойда;

A_M – айланма маблағлар

3. Корхонанинг мутлоқ ликвидлиги коэффициенти:

$$K_3 = \frac{C_\phi}{K_b} \cdot 100; \quad (2.3)$$

Бунда,

K_3 – ликвидлик коэффициенти;

C_ϕ – соф фойда;

K_b – банк кредитлари

4. Асосий фонdlарнинг эскириш коэффициенти:

$$K_e = K_e - K_y \cdot \frac{Y_e \cdot T_e}{Y_y \cdot T_y} \quad (2.4)$$

Бунда,

K_e – асосий фонdlарнинг эскириш коэффициенти;

K_e, K_y – эскирган ва янги жиҳозларнинг дастлабки қиймати;

Y_e, Y_y – эскирган ва янги жиҳозларнинг йиллик унумдорлиги;

T_e, T_y – эскирган ва янги жиҳозларнинг фойдаланиш муддати.

5. Янгиланиш коэффициенти

$$K_d = \frac{\Phi_d}{K_y} \cdot 100; \quad (2.5)$$

Бунда,

K_d – янгиланиш коэффициенти;

Φ_d – даврий асосий фонdlар қиймати;

$K_{\text{и}}$ – йилнинг охиридаги қиймат

6. Фондларнинг тугатилиш коэффициенти

$$K_t = \frac{K_T}{K_d} \cdot 100; \quad (2.6)$$

Бунда,

K_t – фондларнинг тугатилиш коэффициенти;

K_T – тугатилган фондлар қиймати;

K_d – даврий йил бошидаги фондлар қиймати

7. Ишлаб чиқариш рентабеллиги

$$P_k = \frac{\Phi}{A_{\phi k_1} + A_{\phi k_2}} \cdot 100; \quad (2.7)$$

Бунда,

P_k – ишлаб чиқариш коэффициенти;

$A_{\phi k_1}$ – асосий фондлар қиймати;

$A_{\phi k_2}$ – айланма фондлар қиймати

Биринчи омилнинг таъсири қуидаги аниқланиши мумкин:

$$\Delta Rafs = Raaf - Ra = \left(\frac{s^x}{Av^v + Amm^v + Pm^v + Na^v} \right) - Ra^v \quad (2.8)$$

Самарадорлик натижасига таъсир этадиган иккинчи омил қуидаги формула асосида ҳисоб – китоб қилинади:

$$\Delta Raaf = Raav - Raaf = \left(\frac{s^x}{Av^x + Amm^x + Pm^v + Na^v} \right) - Raaf \quad (2.9)$$

Натижа ўзгаришга таъсир қиласиган учунчи омил қуидаги ҳисобланади:

$$\Delta Raamm = Raamm - Raav = \left(\frac{s^x}{Av^x + Amm^x + Pm^v + Na^v} \right) - Raav \quad (2.10)$$

Натижанинг ўзгаришига тўртинчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Rapm = Rapm - Raamm = \left(\frac{s^x}{Av^x + Amm^x + Pm^v + Na^v} \right) - Raamm$$

(2.11)

Натижанинг ўзгаришга бешинчи омилнинг таъсирини топиш учун қўйидаги ҳисобни амалга ошириш зарур:

$$\Delta Ranf = Ranf - Rapm = Ra^x - Rapm$$

(2.12)

Самарадорликнинг умумий натижасига таъсир этадиган омиллар йигиндисига тенг бўлиши керак:

$$\Delta Ra = \Delta Rafs \pm \Delta Paav \pm \Delta Paamm \pm \Delta Pamr \pm \Delta Panf \text{ ва ҳоказо.}$$

(2.13)

Натижага таъсир этадиган омиллар сони қанчалик кўп бўлса самарадорликнинг аниқлиги шунчалик тўғри бўлади.

Самарадорлик механизми мураккаб жараён бўлиб уни тўғри ташкил этиш учун кўрсаткичлардан, воситалардан, омиллардан комплекс равища фойдаланиш лозим. Бунда, самарадорликнинг ошишини аниқ таъминлаш борасида, унинг ҳар бир элементини чуқур ўрганиш керак, чунки элементлар самарадорликни асосий дастаги бўлиб, улар занжирсимон шаклида бир – бирига боғлиқ равища амалга оширилади. Элементлардан биронтаси яхши ишламаса, у бутун механизм фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тадқиқотимиизда олиб борилган таҳлилларнинг кўрсатишича, қурилиш материаллари саноати корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини бошқаришда мазкур тармоқ корхоналари ва ташкилотларининг умумий манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳамда уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратишда қўмаклашувчи “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси муҳим ўрин тутади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мазкур уюшма Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида таъсис шартномаси ва уюшма таъсисчиларининг 2019 йил 20 марта даги қарори асосида ташкил этилган.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси аъзолари манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича уларга таклифлар киритиш;
- юқори қўшилган қийматли қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, шунингдек, ихтисослашган етакчи хорижий компаниялар билан қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш учун инвестициялар, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш;
- талаб этилаётган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош қурилиш материаллари ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарилган буюмлар билан тўлдириш, шунингдек, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси аъзолари фаолиятини қўллаб-куватлаш;
- ҳудудларнинг салоҳиятини янада ривожлантириш истиқболларидан, хом ашё базаси, инфратузилмалар, меҳнат ва бошқа ресурслар ҳамда бозорларнинг мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда корхоналарни жойлаштиришга кўмаклашиш;
- ички ва ташқи бозорларда қурилиш материалларига бўлган талаб конъюнктурасини ўрганиш ва шу асосда янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга кўмаклашиш, қурилиш материаллари экспорти географиясини кенгайтириш бўйича ўз аъзоларига амалий ёрдам кўрсатиш, комплекс чоратадбирларни амалга ошириш;

- ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган тармоқни ривожлантириш дастурларининг ишлаб чиқилишида ва бажарилишида иштирок этиш, тармоқ ташкилотларига ҳом-ашёни чуқур қайта ишлашда, сифатли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилишида ва ички бозорнинг улар билан янада тўлдирилишида, маҳсулотлар диверсификациясининг кенгайтирилишида кўмаклашиш;

- қурилиш материаллари соҳасида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини халқаро талаблар ва стандартлар билан уйғунлаштирган ҳолда такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

- ходимларни тайёрлашнинг реал эҳтиёжларини ва истиқболли йўналишларини аниқлаш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда иштирок этиш, қурилиш материалларининг саноат ишлаб чиқарилиши соҳасида илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш;

- қурилиш материаллари саноатининг жадал ривожланишига ва тармоқ корхоналарининг барқарор фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи тизимили муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш⁴².

Юқоридаги уюшма фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишларидан кўринадики, унга аъзо бўлиш ҳар бир корхона учун манфаатли ҳисобланади. Шунга кўра, уюшма низомида у ўз фаолиятини аъзолар ихтиёрийлиги ва тенг ҳукуқлиги асосида амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Уюшма фаолиятининг самарадорлиги уни молиялаштириш манбаларининг салмоғи ва барқарорлигига боғлиқ. Зоро, юқорида санаб ўтилган уюшманинг вазифа ва фаолият йўналишларини амалга ошириш учун муайян миқдордаги бошқарув харажатлари тақозо этилади.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмаси (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси) Устави. - <https://uzsm.uz/uz/about/charter/>

Уюшма Низомининг 5.4-бандида белгиланишича, унинг мол-мулки (маблағлари) шаклланадиган манбалари:

- Уюшма аъзоларининг аъзолик бадаллари;
- Уюшма аъзоларининг ихтиёрий ажратмаларидан;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ёрдамлари ва қонунчиликда таъкиқланмаган бошқа тушумлардан иборат⁴³.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, уюшма умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришда унинг таркиби аъзо бўлиб кирган корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини рағбатлантириш нуқтаи-назаридан ёндашиш муҳим ҳисобланади.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, амалдаги ҳолатга кўра «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасига аъзо бўлган йирик корхоналар учун маҳсулот сотиш ҳажмига нисбатан қатъий ставка ўрнатилган бўлса, кичик корхоналар учун ҳар ойлик аъзолик бадаллари ўзаро келишув асосида белгиланади. Бундан кўринадики, уюшма таркиби аъзо бўлиб киравчи корхоналар учун аъзолик бадали, тегишли равишда, умумий бошқарув харажатларини молиялаштириш бўйича тенг шароитларни таъминловчи ҳамда иқтисодий самарадорликни таъминлашга рағбатлантирувчи ёндашув мавжуд эмас.

Шунга кўра, мазкур тадқиқот доирасида қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришда корхоналар бошқарув харажатларининг умумий харажатлар таркибидаги улушига мутаносиблигини таъминлаш орқали улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини рағбатлантириш таклифини илгари сурамиз. Бунинг учун уюшмага аъзо ҳар бир корхонанинг уюшма умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришга ажратмаси суммасини аниқлаш учун қуйидаги усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмаси (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси) Устави. - <https://uzsm.uz/uz/about/charter/>

$$MA_{K_i} = BX_y \times \frac{BX_{K_i}/UX_{K_i}}{\sum_{i=1}^n (BX_{K_i}/UX_{K_i})}, \quad (2.14)$$

бу ерда:

MA_{K_i} – i корхонанинг уюшма умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришга ажратмаси суммаси;

BX_y – уюшма умумий бошқарув харажатлари суммаси;

BX_{K_i} – i корхонанинг бошқарув харажатлари суммаси;

UX_{K_i} – i корхонанинг умумий харажатлари суммаси;

$i \dots n$ – уюшмага аъзо корхоналар сони.

Юқоридаги формуладан кўринадики, мазкур усулдан фойдаланиш уюшма таркибига аъзо бўлиб киравчи корхоналар учун аъзолик бадали, тегишли равишда, умумий бошқарув харажатларини молиялаштириш учун ажратмалар суммасини минималлаштириш имконини беради. Яъни, корхонанинг бошқарув харажатлари суммаси унинг умумий харажатлари суммасига нисбатан қанчалик кичик салмоққа эга бўлса, унинг уюшма умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришга ажратмаси ҳам шунчалик пасайиб боради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, унинг самарадорлигининг ошиб бориши келажакда қурилиш материаллари саноати устуворлиги таъминлайди, бу эса мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасини кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

2.3-§ Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицион лойиҳалардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили

Ўзбекистон иқтисодиёти 2017 йилдан бошлаб, ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг янги босқичига ўта бошлади. Бу жараённинг асосий жиҳатларидан бири мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришдир. Инвестиция нафақат иқтисодиётнинг устувор тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, балки инвестицияларни жалб этиш давлатнинг иқтисодий сиёсатига айланди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан таклиф этилган Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларда ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришнинг беш устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича қабул қилинган мамлакатимиз раҳбари фармонлари ва хукуматимиз қарорлари бунга якқол асос бўлади. Шулар билан бирга, мамлакат иқтисодиётида қулай инвестиция муҳитини яратиш асосий омил ҳисобланади.

Инвестиция муҳити–бу мамлакатдаги инвестиция жарёанларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий – ҳукуқий, ижтимоий ва бошқа шарт–шароитлар йигиндисидир. Инвестиция муҳити, энг аввало, қуйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилади: фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси, инновациялар ғоялари, иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура, ички бозор сифими, товарларга бўлган талаб ва таклиф, кредит тизими ва бошқалар.

Инвестиция иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи омиллардан бири бўлиб, иқтисодиёт таркибини ўзгартириш катта қурилиш ишларининг асосий негизини ташкил этганлиги сабабли иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминламоқда.

Инвестиция моҳияти ва инвестиция тушунчаси бир қатор маҳаллий ва хорижий олимларимиз томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўрганилган ва ўз ёндашувлари берилган. Масалан, академ. С.С.Гуломовнинг таърифига кўра, “инвестиция деб, ҳар бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бўшлиқларни бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирон–бир инвестицион объектга сарфлашга айтилади”⁴⁴. М.Қ.Пардаевнинг таърифига кўра, “Инвестиция деганда, мулқдорнинг (инвесторнинг) пул маблағи, қимматбаҳо қофозлари, техникаси ва технологияси, машина ва жиҳозлари, мулкка эгалик ҳуқуқи, интеллектуал мулки кабиларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан фойда олиш мақсадида тадбиркор фаолиятига қўйиш тушунилади”⁴⁵.

⁴⁴ Менежмент ва бизнес асослари. Дарслик муаллиф жамоаси. -Т.: Мехнат. 1997. 245-6.

⁴⁵ Пардаев М.К. Лойиха таҳлили. Услубий кўлланма. -Т.: Мехнат 1997. 245-6.

Н.А.Хошимова ўзининг “Инвестиционный потенциал” монографиясида қуидаги таъриф берган: “Инвестициялар ҳозирда жамиятнинг реал капиталини кўпайтирадиган иқтисодий ресурслари”⁴⁶.

В.В.Богаров “инвестиция” тушунчасига қуидаги таърифни берган: “Инвестициянинг бошқа капитал қўйилмалардан фарқи шундаки, у барча мулкий ва интеллектуал қадриятлардан иборат бўлиб, пировард натижада, тадбиркорлик фаолияти объектлари киритилиб, фойда ёки бошқа самарани шакллантиради”⁴⁷.

Я.С.Мелкумов: “Инвесторлаш узоқ муддатга мужассамланган иқтисожий русурслар бўлиб келажакда соғ фойдани яратиш ва олиш мақсадида инвестицияларни дастлабки умумий миқдоридан қўпроқ олишдир”, деб таъриф берган⁴⁸. Инвестициялар ўз ватанида ёки хорижда фойда олиш мақсадида турли тармоқ корхоналарида тадбиркорлик лойиҳалари, ижтимоий–иктисодий дастурлар, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун капитал қўйилмалар киритиш, деган А.Благодатин, Л.Лазовский, Б.Райзберлар томонидан таъриф берилган⁴⁹.

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг “инвестиция” тушунчасига берган таърифларининг бозор иқтисодиёти талабларига мос келиши, инвестициянинг иқтисодий мазмуни тўғрисидаги фикрларни инвестициялар ҳусусида қонунда келтирилган мазмун–моҳиятидан келиб чиқиб, қуидаги таъриф берамиз: “Инвестиция иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун фойдаланилади”⁵⁰.

Инвестициялардан фойдаланишда иккита асосий омилни эътиборга олиш лозим:

- 1) инвестиция сарфларидан қўшилаётган фойда нормаси;
- 2) фоиз ставкаси.

Инвестицияларга қилинадиган сарфларни ҳаракатлантирувчи қуч фойда ҳисобланади. Инвестициялар даражасини белгилайдиган иккинчи омил

⁴⁶ Хошимова Н.А. Инвестиционный потенциал. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2014. -с16.

⁴⁷ Богаров В.В, Инвестиции – СПб.: Питер, 2002 -с.9

⁴⁸ Мелкумов Я.С. Организация и финансирование инвестиций. -М.: Инфра-М. 2001. -с.3

⁴⁹ Благодатин С. ва бошқалар. Финансовый словарь. -М.: Инфра-М 2001. -с.123

⁵⁰ Муаллифлик таърифи.

фоизнинг реал ставкаси ҳисобланади. Инвестициядан олинадиган соф фойда нормаси ва фоиз ставкасидан ташқари бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

- 1) янги технологиялар трансфери улардан фойдаланиш ва уларга хизмат қилиш харажатлари;
- 2) тадбиркорлардан олинадиган солиқ миқдори;
- 3) янги инновацион ўзгаришларни барпо этиш.

Бундан ташқари, иқтисодий адабиётларда “ялпи инвестиция” ва “соф инвестиция” тушунчаси берилган. Ялпи инвестициялар жорий йилда истеъмол қилинган асосий капитални қоплашга мўлжалланган (амортизация) ҳамда иқтисодиётдаги капитал ҳажмига ҳар қандай соф қўшимчалардан иборат бўлган барча инвестицион товарларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Соф инвестициялар эса жорий йилда қўшимча равишда жалб қилиниб, товарлар ишлаб чиқаришга сарфланади ёки соф инвестиция ялпи инвестиция билан амортизация ажратмаларининг айирмасига teng ва уни қуидагича ифодалаш мумкин:

$$СИ = ЯИ - А \quad (2.15)$$

Бунда,

ЯИ- Ялпи инвестиция;

А- амартизация

Ялпи инвестициялар билан амортизация ҳажми ўртасидаги нисбат иқтисодиёт ривожланиши ҳолатининг кўрсаткичи ҳисобланади. Ялпи инвестициялар таркибида соф инвестициялар ҳажмининг аҳамиятли даражада бўлиши йил охирида капитал ҳажмининг ўсишига ҳамда пировардида, иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади. Иқтисодий инқироз шароитида эса ялпи инвестициялар фақат амортизация ажратмалари, яъни истеъмол қилинган капитал қоплаш фонди ҳажмига teng бўлиб, йил охирида капиталнинг миқдори ўзгармай қолади. Ялпи инвестицияларнинг истеъмол қилинган капитални қоплаш фонди ҳажмидан оз бўлиши йил охирида капитал миқдорининг қисқаришига ва бунинг оқибатида, иқтисодиёт макро ва микро кўрсаткичларининг пасайиб кетишга олиб келади.

Иқтисодиётга киритилган инвестицияларни таҳлили асосида, айтиш мумкинки, сўнгги йилларда унинг тармоқлар тузилишида жиддий ўзгаришлар бўлди. (2.7-жадвал)

2.7 – жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида инвестицион маблағлар тузилиши фоизда⁵¹

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2015	2016	2017	2018	2019
жамига нисбатан % да	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	10,1	9,4	8,5	6,4	8,0
тоғ-кон саноати	21,7	14,0	19,7	12,9	11,7
ишлаб чиқарадиган саноат	11,9	17,6	16,9	20,7	27,1
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5,0	5,3	7,6	12,4	10,8
сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	1,0	1,4	1,3	2,1	2,2
қурилиш	2,4	1,8	2,0	2,1	2,8
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	4,5	4,8	3,5	4,1	3,1
ташиш ва сақлаш	8,3	11,3	8,8	6,8	6,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1,1	1,8	0,8	1,4	2,3
ахборот ва алоқа	2,2	2,2	2,7	1,3	1,7
молия ва суғурта фаолияти	1,1	0,7	1,1	0,8	0,9
касбий, илмий ва техник фаолият	2,0	1,0	0,8	1,2	1,1
таълим	2,2	2,6	2,0	2,4	2,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2,1	2,2	2,2	2,2	2,6
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,4	0,7	0,8	1,5	1,9
тураг-жой қурилишига инвестициялар	20,3	18,3	15,3	15,7	10,2
бошқа фаолият турлари	3,7	4,9	6,0	6,0	5,0

Инвестицияларни иқтисодиётга киритиш натижасида, унинг ЯИМдаги улуши ҳам ошиб бормоқда. Агар 2015 йилда унинг ЯИМдаги улуши тенг бўлса, 2019 йилга келиб, 38 та ни ташкил этди. Бу ижобий ҳолат, аммо инвестицияларнинг ЯИМдаги улушининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

ЯИМнинг тузилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Маълумки, энг ривожланган мамлакатларда бу даража 30 % атрофида мақбул кўрсаткич ҳисобланади.

2017 – 2019 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига катта ҳажмдаги хорижий инвестициялар киритилди. Бу инвестициялар янги ва мавжуд ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий ўзгаришлар, янги техника ва технологиядан фойдаланишга, диверсификация ва кластерлаш жараёнларини ривожлантиришга ишлатилди. Хорижий инвестициялар йирик ҳалқаро молиявий институтлар, Осиё тараққиёт банки, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия, бир қатор араб банклари ва бошқалар томонидан киритилмоқда.

Инвестициялар манбаларининг кўпайиши динамикасини ўрганиш катта ахамият касб этади. Уларни таҳлил қилиш натижасида шулар аниқландикли инвестициялар тузилишида охирги йилларда катта ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, бунда тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар улуши кўпайди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жозибали инвестицион сиёsatнинг энг самарали дастаги ҳисобланади. Ўзбекистоннинг инвестицион стратегиясида устуворлик янги юқори технологияли ишлаб чиқаришни яратишга ва хом ашё ресурсларини қайта ишлашга, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга, янги иш жойларини яратишга қаратилган инвестицион лойиҳалар ҳисобланади. Корхоналарни кенгайтириш ва модернизациялаш мамлакат иқтисодиётининг узок муддатли ва жадаллик билан ўсишига олиб келади, аммо бунинг натижасида валюта бозорининг бузилиши, товар захираларининг тугаши, импортнинг ошиши, тўлов балансининг ёмонлашуви кузатилади. Бундан келиб чиқиб, вужудга келадиган ишлаб чиқаришнинг пасайиши ҳамда инвестициянинг камайиши ва ишсизликнинг ошиши каби муаммолар олдини олиш мумкин.

Ўзбекистондаги ҳар бир иқтисодиёт тармоғидаги сингари қурилиш материаллари саноатида ҳам инвестицияларни жалб этиш кенгайиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевни хорижий давлатларга қилган расмий сафарларида 49та инвестицион келишувларга имзо қўйилиб, қурилиш материаллари саноатига умумий қиймати 2208 млн. доллар ва 112,2 млн евро

ҳажмидаги инвестиция киритилди. Жумладан, давлатлар кесимида: Россия Федерацияси – 5та келишув 256,5 млн. долларга; Германия – 3та келишув 16 млн. доллар ва 3та келишув 112,2 млн еврога; Туркия – 6та келишув 63,6 млн.доллорга; Хитой – 19 та келишув 1311,7 млн.долларга; Хиндистон – 4 та келишув 24,8 млн долларга; Франция – 1 та келишув 100 млн. долларга. Юқоридаги 49 та инвестицион келишувга мувофиқ, 2018 йилда 120,3 млн. долларли 9та лойиҳа фойдаланишга топширилди. Келишувлардаги барча лойиҳалар 2019 – 2021 йилларда амалга оширилади.

Қурилиш индустрисини 2016-2020 йилларда ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисидаги (ПФ сонли-2615 28.09.2016й) дастурга мувофиқ умумий қиймати 1,2 млрд. долларга teng 80та лойиҳа амалга оширилади. Бундан:

- “Олмалиқ ДМК” АЖ ва Сурхондарё вилояти Шеробод туманида умумий қиймати 212,8 млн долларга teng бўлган цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- Урганч бетон қурилиш МЧЖда умумий қиймати 6,11 млн долларга teng темир бетон буюмларни ишлаб чиқиши ташкил этиш;
- “Бебаҳо бизнес Хамкор” МЧЖ умумий қиймати 400 минг долларга teng бўлган лойиҳалар асосида пишиқ ғишт ишлаб чиқиши ташкил этиш;
- “Таргит плюс” МЧЖ Самарканд вилоятида умумий қиймати 1,2 млн долларга teng бўлган темир бетон буюмларни ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш ва бошқалар. Бундан ташқари, манзилли тасдиқланган рўйхат бўйича 391та лойиҳа амалга оширилиши лозим. Бунинг натижасида цемент, обой, бўр, гипс, гипсокартон, санфаянс, керамик блоклар, лак – бўёқ маҳсулотлар, гранит ва мармар плиталар, пластик трубалар, фитинглар, қуруқ қурилиш қоришмалари ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Ушбу қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун жами қиймати 1 млрд долларга teng бўлган инвестицион маблағ сарфланади.

Ҳозирги шароитда корхоналарни модернизациялаш ва ривожлантириш учун хорижий инвестициялар оқимининг кўпайиши малакали кадрлар, ахолининг ишбилармон қатлами ҳамда олимларнинг қисқа муддатли техник – илмий лойиҳаларни амалга оширишда хусусий инвестициялардан фойдаланиши

эвазига мамлакатда замонавий технология ва ноу-хауларнинг яратилиши, янги иқтисодий соҳа ва таркибий ўзгаришлар натижасида янги соҳа ва тармоқларнинг пайдо бўлиши иқтисодиётнинг янада ўсишига олиб келади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар иккита муҳим афзалликка эга:

биринчидан, улар узоқ муддатли тавсифга эга, шу сабабли қисқа муддат капиталлар чиқиб кетмайди. Бу эса, жаҳон хўжалик алоқаларининг глобаллашуви ва байналмилаллашуви шароитида макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туришда муҳим аҳамият касб этади;

иккинчидан, тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар тўлов мажбуриятларидан четда бўлади, шундан келиб чиқиб, мамлакатнинг ташқи қарзларини пасайтиради. Бу, айниқса, ташқи қарзи жиддий муаммо бўлган мамлакатлар учун жуда муҳим. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтиришда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Реал иқтисодиёт даражасидаги инвестицион фаолликнинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- иқтисодий субъектларнинг инвестиция жараёнларида фаол қатнашишини жадаллаштириш;
- саноат корхоналарида инвестиция (хорижий ва миллий) ҳажмининг ўсиб бориши;
- давлат томонидан қулай инвестиция муҳитининг яратилиши ва мунтазам равищда такомиллаштириб борилиши;
- инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва кучайтиришга қаратилган турли чора–тадбирлар (халқаро ва миллий даражадаги семинарлар, ярмаркалар, бизнес–учрашувлар, қўп томонлама лойиҳалар, реклама ва ҳ.к.)нинг ташкил қилиниши;
- иқтисодиётдаги инвестиция таркибининг сифат жиҳатдан такомиллашуви ва ҳ.к.

Реал иқтисодиётда инвестицион фаолликни ривожлантириш учун: саноат корхоналарида иқтисодиётнинг ташкилий ва технологик салоҳиятини кучайтириш; асосий эътиборни нодавлат инвестицияларига қаратиш; корхоналар мустақил фаолият юритиши учун кенг йўл очиб бериш каби чораларни амалга ошириш зарур.

Реал иқтисодиётда инвестицион фаолликни таъминлаш ва оширишда ўзига хос тамойилларнинг бегилаб олиниши ҳам назарий, ҳам амалий жихатдан муҳимдир.

Ушбу тамойиллар корхоналар иқтисодиёти инвестицион фаоллиги ва жозибадорлигини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги йўналишларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ:

- инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишларини реал шарт–шароитлардан келиб чиқиб аниқлаш;
- инвестиция жараёнини илмий–амалий асосланган баҳолаш тизими билан таъминлаш;
- имтиёзли кредит, солиқ ва амортизация сиёсатини амалга ошириш;
- лизинг муносабатларини такомиллаштириш ва ундан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш ва ҳ.к;

Саноат корхоналарини модернизация қилиш орқали экспортбоп корхоналарни ривожлантиришни рақобатлантириш мақсадида жаҳон амалиётида қўйидаги усуллардан фойдаланилади: экспортга асосланган корхоналарни тўғридан – тўғри субсидиялаш, кредитлаш, илмий изланиш ва тажриба – конструкторлик ишларини давлат томонидан молиялаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, давлат томонидан янги маҳсулотларни ҳарид қилиш ва бошқа воситалардан фойдаланилмоқда. Экспортни тўғридан–тўғри субсидиялаш – бу нисбатан оддий ва анъанавий усул бўлиб, корхона ва компанияларга маҳсулот таннархи ва экспорт баҳолари ўртасидаги фарқи сифатида даромад олиш мақсадида бартараф этиш учун тўловлар кўринишида амалга оширилувчи жараёндир.

Бугунги кунда дунёда хорижий инвестициялар ҳалқаро бозорида талабнинг таклифдан устуналиги кузатилмоқда, бунда, асосан, инвестициялар хорижий инвесторларнинг инвестицион фаолияти учун қулай шароитлар мавжуд бўлган мамлакатларга йўналтирилмоқда.

Тадқиқотдан келиб чиқиб, бизнинг фикримизга, ҳар қандай ҳамкорлик фаолиятини олиб бормоқчи бўлган инвестор учун қулай инвестицион муҳитнинг қўйидаги мезонларини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

- даромаднинг мумкин бўлган даражасига эришиш имконияти;
- хорижий капитал қўйилишининг йўналишини эркин танлаш;
- барқарор рағбатлантирувчи солиқ тизимини яратиш;
- мамлакатда сиёсий барқарорликни сақлаш.

Ушбу мезонларнинг ҳаракатда бўлиши ҳар қандай инвестор учун инвестиция киритиш мумкинлигини ифодалайди. Айтиб ўтиш лозимки, МДҲ мамлакатлари иқтисодиётiga, жумладан, Ўзбекистонга инвестиция қилинган хорижий капиталнинг даражаси бошқа ривожланган мамлакатлар билан солиширилганда, албатта, паст. Масалан, АҚШда тўпланган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 345 млрд.доллардан ортиқ, Буюк Британияда – 2300 млрд.доллардан. кўпроқ, Францияда эса 1120 млрд.доллардан ортиқни ташкил этади⁵².

Умуман, инвестиция муаммоси доимо ривожланувчи муаммо бўлиб, уни самарали ташкил қилиш учун Ўзбекистоннинг, унинг худудлари, иқтисодиёт тармоқлари, реал сектор субъектлари олдида турган масалаларни ечиш учун инвестициядан янада кенг кўламда фойдаланиш йўлларини қидириш ва тараққиёт моделининг янги усувларини яратиш лозим

Иккинчи боб бўйича хulosалар

1. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий ўсиш ва ривожланишини чуқур тасаввур этиш учун, авваламбор, унинг иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш зарур. Буни эса таҳлил учулларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин.

⁵² <http://www.lotticefinancial.com>

Тадқиқотда ўтказилган таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда айтиб ўтиш зарурки, қурилиш материаллари ишлаб чиқиш саноатида бир қатор ўз ечимини кутаётган муаммолар борлиги аниқланди. Буларга корхоналардаги аксарият технологияларнинг моддий ва маънавий эскирганлиги, корхоналарга инвестициялар жалб этишнинг сустлиги, айрим маҳсулотлар бўйича экспортнинг пастлиги, маҳсулотларни жаҳон стандартларига мос эмаслиги, ортиқча харажатларнинг ошиб бориши, самарадорликнинг юқори эмаслиги ва бошқалар.

2. Самарадорлик ҳар қандай корхонанинг натижавий кўрсаткичи ҳисобланади. Охирги йилларда ушбу мезонга тадқиқотчилар томонидан эътибор пасаймоқда. Лекин ҳар қандай иқтисодиётда, жумладан, бозор иқтисодиётида ҳам самарадорлик асосий мезон ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назардан жаҳон иқтисодиётидан бошлаб, то кичик корхоналаргача самарадорлик асосий мезон бўлиши керак. Мамлакатнинг моддий ресурслари, пировард натижада, камайиб боради. Шуни эътиборга олган ҳолда самарадорликнинг асосини ташкил этган тежамкорлик тамойили биринчи ўринга чиқиши лозим. Иқтисодиётнинг барча жараёнлари бошқаришга муҳтож бўлганидек, самарадорликни ҳам бошқариш керак. Шундагина ишлаб чиқаришда юқори самарага эришилади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқиш соҳасида таннарҳда материаллар даражаси юқори бўлганлиги сабабли ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

3. Ўзбекистон иқтисодиётида, жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида инвестицияларни жалб қилишнинг ошиб бориши яхши самара бермоқда. Инвестиция жараёнини жадаллаштириш инвестицион мухитга бевосита боғлиқдир. Инвестиция иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайдиган асосий кўрсаткичлардан биридир. Тармоқ корхоналарида инвестициялар, айниқса, хорижий инвестициялардан фойдаланиш ҳисобига янги иш жойлари ташкил этилмоқда. Модернизациялаш жараёнлари амалга оширилмоқда, янги техника ва технологиядан фойдаланилмоқда, диверсификация ва кластерлаш сиёсати ривожланмоқда. Қурилиш материаллари

ишлиб чиқиш саноатида 2017-2019 йилларда инвестициялардан фойдаланган ҳолда цемент ишлиб чиқариш мутлақо яхши йўлга қўйилди. Ушбу уч йил ичида мамлакатимизда 17та янги цемент заводи ишга туширилди.

Цемент ҳажмининг ошиб бориши билан ички талаб қондирилмоқда, балки унинг экспорт ҳажми ҳам ошиб бормоқда.

Тармоқ ва унинг корхоналарига ҳозирги кунда Хитой, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларнинг инвестициялари киритилмоқда. Булар келажакда қурилиш материаллари ишлиб чиқариш ҳажмини янада оширади , самарадорликни ошириб, пировардида, аҳолининг турмуш даражасини оширади.

III БОБ. ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш

Бугунги кунда ҳар бир замонавий корхоналар ҳар томонлама ривожланиши учун, унинг фаолияти ишлаб чиқаришга юқори технологияли илмий инновацион ғояларни, робот техникани жорий этиш, бошқаришнинг энг сўнгти замонавий усусларидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим. “Стратегия” тушунчаси узоқча мўлжалланган мақсадлар, вазифалар, лойиҳалар йигиндисини англаади.

Корхона стратегиясининг асосини даромад ва харажатларни режалаштириш ташкил этади. Демак, ҳар бир корхона раҳбарининг дикқат-эътибори мулкчилик шаклидан қатъий назар ишлаб чиқариш таъминотидан, то ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишгача бўлган жараёнга қаратилиши лозим. Таваккалчиликнинг юқори даражаси (даромад олиш, ресурсларга бўлган баҳонинг ўзгариши, оддий фоиз, инфляция суръати, валюта курси ва корхонага боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар) киритилаётган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш билан қопланиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда қурилиш материалларини ишлаб чиқиш корхоналарида буни баҳолаш учун капитал қўйилмаларни қоплаш коэффициентидан фойдаланилади:

$$K_{\text{к}} = \frac{Д - С}{И_{\text{л}}}, \quad (3.1)$$

Бунда, $K_{\text{к}}$ – капитал қўйилмаларни қоплаш муддати;

$Д$ – асосий ва номоддий активлардан фойдаланиш;

$И_{\text{л}}$ – лойиҳага сарфланган инвестиция.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш, пировард натижада, конкрет лойихалар ва корхонани бошқариш натижалари билан тавсифланади. Бу ҳар қандай стратегиянинг асоси бўлиб, 4та асосий босқичдан иборат.

Уларни қуидагича амалга ошириш мумкин:

- 1) ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш;
- 2) зарур бўлган инвестицияларни аниқлаш;
- 3) активлар эскиришини ҳисобга олган ҳолда йиллик даромадларни истиқболлаштириш;
- 4) капитал қўйилмаларни қоплаш муддатини аниқлаш ва унинг нормативларга мослиги.

Корхона стратегиясини ишлаб чиқишида умумий мақсадлар асосида корхонанинг таҳлили ва истиқболини амалга ошириш, бозор позициясидан келиб чиқиб, дастур ва стратегик режа, бошқариш тузилиши, маркетинг концепцияси илмий – тадқиқот ишларининг асосий йўналишлари белгиланиши лозим. Айниқса, мулкни бошқариш, унинг қийматини назорат қилиш, актив ва фойдани тақсимлаш, маркетинг стратегиясини аниқлаш ва ишлаб чиқаришни янгилаш ва диверсификациялашни ифодалайди. Бунда стратегик бошқариш – бош штабда, оператив вазифалар – завод, цех, бўлим ва бошқа тузилмаларга ўтказилса корхонанинг стратегиясини ишлаб чиқиш самарали бўлади.

Масалан, АҚШда охирги йилларда корпорацияларнинг бошқарув персонали сони 25 фоизга қисқарди. Шунингдек, стратегик мақсадларни ишлаб чиқишида молиявий бўлинмаларнин ўрни кучайиб бормоқда. Шу сабабли компьютерлаштириш шароитида ҳисоблаш бўлими билан молия хизматини бирлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқариш соҳасидаги таниқли олим Б.Даниел⁵³ корхоналарда стратегик услугбият турига ўтишнинг зарурияти тўғрисида фикр билдириб, сотув ҳажми ва даромаднинг пасайиши рақобатнинг кучайишидан сақланиб қолишини кўрсатади. Амалиётда стратегик ривожланишнинг бир қатор андозалари мавжуд.

⁵³ Daniel B. Stang, Robert A. Handler, 2012: *MarketScope for Project and Portfolio Management Software Applications*. Gartner (27 June 2012).

Ушбу андозалардан фойдаланиш амалда жаҳондаги бир қатор корхона ва компанияларнинг ривожланишига олиб келган. Аммо корхоналар амалиётида Америка ва Япон услугбиятлари ўртасида рақобат ўрнатилмаган уларнинг ҳар бирининг ўзгача хусусиятлари, ютуқлари ва камчиликлари бўлган. Улардан ҳар қандай шароитда фойдаланиш учун бирон бир алоҳида андоза таклиф этилмаган.

Умуман, “самарали стратегия” тушунаси ҳозирда чоп этилаётган иқтисодий адабиётларда тез–тез учраб туради. Бунинг моҳияти, бизнинг назаримизда, корхона томонидан ишлаб чиқилган стратегик дастурлар ва стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этишда, уларнинг кам харажатлилигини таъминлаш ва пировард натижада, корхона самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Самарали стратегия асосан бир – бирига боғлиқ бўлган З та стратегик йўналишларни ўз ичига олади:

- тўғри танланган узоқ муддатли мақсадлар;
- рақобат доирасини чукур билиб олиш;
- корхона имкониятлари ва ўз ресурсларини тўғри баҳолаш.

Стратегияни ишлаб чиқишида корхона ривожланишининг муқобил варианtlарини ишлаб чиқиш ва уларнинг энг самаралисини танлаш, уни тўғри баҳолаш, риск ҳолатларини эътиборга олиш муҳим вазифа ҳисобланади. Стратегияни шакллантиришда ривожланиш стратегияси билан боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичларни гурухлаш ва уларни SWOT–таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бунда менежментнинг маҳсус усулларидан фойдаланиш прогнозлаштиришнинг миқдорий усулларига асосланган ҳолда корхона ривожланишининг кейинги сценарийларини яратиш ҳамда маҳсулот портфелини таҳлил этиш зарур бўлади. Бундан ташқари, корхона самарадорлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқишида ташқи муҳитни ҳисобга олиш муҳим масаладир.

Корхона самарадорлигини ошириш стратегиясини муҳим жиҳатларидан бўлган дастурлар, ресурслар, бюджет, бошқариш тизимининг тузилиши, персонални таҳлил қилиб бориш лозим.

Глобаллашув шароитида ички ва ташқи жараёнларга таъсир этувчи омилларни илмий–назарий ва амалий жиҳатдан чукур ўрганиш лозим. Чунки булар самарали стратегияни амалга оширишга таъсир ўтказиши мумкин. Бундан ташқари, вақт ўтиши билан ҳар қандай стратегия ўзгариши мумкин. Шу сабабли вақт ўтиши билан самарали стратегиянинг бажарилишини доимий мониторинг қилиб, зарурий бўлган ўзгаришларни киритиб бориш лозим. Самарали стратегиянинг муваффақиятли бўлишига бозор рақобати соҳасидаги машҳур олим Майкл Портернинг матрицасидан фойдаланиш фойдали бўлади.

“Стратегик менежмент” фанида рақобат стратегиясининг кенг тарқалган уч тури амалда қўлланилади (3.1- расм)

Рақобат
соҳаси

Кенг
Тор

	1.Харажатларни пасайтиришдаги етакчилик	2.Маҳсулотнинг диференциациясидаги етакчилик
	3. Харажатларни пасайтиришдаги асосий эътибор	4. Диференциаллашувдаги асосий эътибор

Паст

Юқори

Корхонанинг
ташкилий
салоҳияти

3.1-расм М.Портернинг рақобатбардошлик стратегияси матрицаси⁵⁴.

Курилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналарида самарали стратегик ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бири ресурсларни танлаш ва эҳтиёжни аниқлашда узоқ муддатли стратегик режалаштиришдан фойдаланишdir. Ҳозирги замонавий корхоналарда, асосан, тўрт ҳил ресурслардан фойдаланилади: асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма

54 Стратегический менеджмент для инженера. -М.: 1997, -с.39

маблағлардан ёки бозор тили билан айтганда, асосий ва айланма капитал, ресурслар. Бу жараёнда ресурслар катта ўринга эга. Демак, рақобат бозорида корхона ўзига хос бўлган расурсларни бозор талаби ва таклифидан келиб чиқиб, сотиб олади. Бунда корхона, пировард натижада, ўзига максимал фойда олиш имкониятларини излайди. Махсулотни тўла комплектлашган ҳолда ишлаб чиқарувчи корхоналар учун баҳо харажатларини аниқлайди. Чунки барча корхоналарнинг самарадорлигини оширишни йўлларидан бири юқори қийматга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш асосий вазифа бўлиб қолади. Шундай қилиб, корхонада ишлаб чиқариш асосий вазифа бўлиб қолади. Корхона ишлаб чиқариш жараёнида ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик омилларини ҳисобга олган ҳолда ресурсга бўлган баҳони ишлаб чиқариш жараёнида аниқлайди.

Шу билан бирга, айтиб ўтишимиз лозимки, узоқ муддатдаги самарали стратегик режалаштиришда товар ва ресурсга бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариб туриши олдинги ҳаракатдаги кўрсаткичларга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Бозор конъюнктураси ўзгаришидан келиб чиқиб, ресурсларга бўлган нархларни узоқ муддатга моделлаштириш усулларидан фойдаланилган ҳолда, янги ресурс бозорини топиб, ишлаб чиқаришни умумий фойда назариясига асосланиб ташкил этиш зарур бўлади.

Бунда товарларни маржинал ва чегаравий фойдалилиги назариясидан келиб чиқиб, истеъмолчи ҳар бир ресурс бирлиқдан қанча қўшима фойда олиши мумкинлигини ҳисоблаш керак. Шунга қараб, корхона ўз фойдасини максималлаштиришда ҳар бир ресурс бирлигидан қанча даромад олишини белгилаши лозим. Бу эса корхонага қанча маҳсулот ишлаб, чиқариш ва уни қанча ҳажмда сотишини аниқлаш имкониятини беради. Демак, ишлаб чиқариш шароитларини ўзгартирмасдан туриб, корхона шундай йўл тутиши керакки, бунда ҳар бир бирлик қўшимча ресурс ҳаражатлари ўзгартирилмаган ҳолда қанча даромад келтириши мумкинлигини аниқлаш лозим.

Шундай қилиб, корхона стратегиясини ишлаб чиқища ҳар бир корхонада турли ресурслар эхтиёжини режалаштиришда маҳсулотга бўлган талаб ва таклиф ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилиши керак. Бу масалага эришишнинг асосий мураккаблиги узоқ муддатли стратегик режалаштиришда методологик чегараларнинг мавжуд эмаслигидир.

Буни асослаш учун қуйидаги йўналишларни кўриб чиқиш керак:

Биринчидан, фойдалилик субъектив тушунчадир. Ҳозиргача инсоннинг маҳсулот ёки хизматлар бўйича эхтиёжини қондириш даражаси фойдалилик ўлчамини хеч ким ихтиро қилмаган. Бу назарияни яратгандар амалиётда чегаравий фойдалилик ўлчамини аниқлаш мумкин эмас, аммо унинг ошиши ёки пасайиши тўғрисида фикр юритиш мумкин деб ҳисоблайман.

Иккинчидан, у ёки бу ресурсларнинг фойдалилик даражасини пул ўлчамида аниқлаш мураккаб масаладир. Бундан келиб чиқиб маҳаллий корхоналарда ресурсларга бўлган самарали стратегияни ишлаб чиқища икки муҳим методологик ёндашувдан фойдаланиш мумкин:


1) иқтисодий ресурсларни эхтиёжини аниқлашда стратегик режалаштиришнинг умумлаштирилган усулларидан фойдаланиш лозим;

2) ишлаб чиқариш ресурсларини харажат қилишда, имкони борича, натурал кўрсаткичлардан (ўлчовлардан) фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кўп корхоналарда киритилаётган ресурсларни режалаштириш ишлаб чиқариш фаолиятидаги энг асосланган босқичлардан биридир. Ушбу босқич ишлаб чиқаришнинг қолган жараёнларига таъсир кўрсатиши билан моддий бойликларни тақсимлаш ва истеъмол қилишда, ўз навбатида бир–бирига таъсирчан бўлишда самарали стратегиянинг самарадорлигини оширади. Шу билан бирга, айтиб ўтиш лозимки, нафақат мамлакатимиз қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналарида балки хорижий корхоналарда ҳам ресурсга бўлган эхтиёжни, асосан, молиявий режалаштириш билан таъминлаш амалиёти мавжуд. Айрим иқтисодчиларнинг фикрига кўра, самарали стратегияни ишлаб чиқища асосий мезон пул бўлса, бошқа ресурсларни сотиб олиш ҳисобланади. Аммо хорижий корхоналар тажрибасидан келиб чиқсан

ҳолда ресурслар захираси муддатига асосланиб, ортиқча ресурсларни сотиб олмайди. Чунки бу корхона ишлаб чиқариш ёки бозор конъюнктураларининг ўзгариши билан боғлиқ ходисадир. Аммо корхоналарда ҳар вақт шундай бўлавермайди. Чунки технология, персонал малакасини олдиндан пулга сотиб олиб бўлмайди.

Ресурслардан самарали фойдаланишда, улардан узоқ муддат оқилона фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш борасида бир қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Булар жумласига: К.Боулдинг, С.Бир, Е.Арнор, Р.Акофф, Д.Экман, Р.Калман, Л.Заде, М.Месарович, Я.Типберген, Л.Клейин, Л.Тольдбергер, В.Леонтьев, И.Шумптер, И.Ансофф, И.Бланк, С.Джордж, О.Виханский, Ш.Назаров, Т.Қосимов, Д.Қосимова ва бошқалар.

Ресурслардан фойдаланишда, юқорида айтиб ўтилгандек, уни узоқ муддатга стратегиясини ишлаб чиқиш ҳам назария, ҳам амалиёт учун катта ахамият касб этади. Буни қуйидаги 3.2- расмда кўриш мумкин.



3.2-расм. Самарали стратегия тузилиши модели⁵⁵

Ушбу модел самарали стратегия тузилишининг мазмун–моҳиятини очиб беради. Бунда энг асосий жиҳат – ресурсларнинг фойдалилиги ва самарадорлиги таъминланади.

⁵⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шу муносабат билан, эндиликда, корхоналарнинг фойдаси ошиб боради ва ўз эҳтиёжларига зарур бўлган ҳолатларда ишлатилади.

3.1-жадвалда Ўзбекистон Республикаси саноатда ялпи қўшилган қиймат тузилиши кўрсатилган.

3.1- жадвал

Ўзбекистон Республикаси саноатида 2019 йилда ялпи қўшилган қийматнинг тузлиши⁵⁶

Саноат гурӯҳлаш номлари	Саноат маҳсулоти ҳажми		Саноат ялпи қўшилган қиймат		Қўшилган қиймат улуши, %
	млрд.сум	2019 йилга ҳисобланади	млрд.сум	2019 йилга ҳисобланади	
Ўзбекистон Республикаси – жами	228 866.2	114.4	95 083.9	110.6	41.5
Жумладан,					
Тоғ-кон саноати ва жинсларни қайта ишлаш	36 870.9	125.4	24624.0	128.2	66.8
Қайта ишлаш саноати	175 357.0	113.2	63 532.8	106.4	36.2
Электр таъминланиши ва газ етказиб берувчи ҳавони парлаш ва конденционерлаш	14 525.1	104.1	6 917.1	104.7	41.6
Сув таъминоти, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	2 113.1	122.6			

Келтирилган жадвал маълумотларига кўра Ўзбекистон саноатида ялпи қўшилган қиймат улуши 2018 йилда 41,5% га тўғри келган. Демак, саноат маҳсулотининг деярли ярим қисмига қўшилган қиймат солиғи тўланади. Тоғ-кон саноатида эса қўшилган қиймат бундан-да юкори даражада. Шу муносабат билан самарали стратегияга қўшилган қиймат кўрсаткичини киритиш ва назорат қилиб бориш зарур.

Ҳозирда корхоналар учун асосий масала қўшилган қиймат муаммоси ҳисобланмоқда. Чунки бу қўшилган қиймат солиғи билан боғлиқдир. Маълумки, узоқ йиллар давомида республикамизда ушбу солиқ ставкаси 20 фоизга тенг

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

бўлиб келди. Бу корхоналарнинг ривожланиши учун анча қийинчиликлар келтириб чиқаради. Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан бугунги кунда 15 фоизга туширилди.

Корхоналарда фойдаланадиган ресурснинг яна бир муҳим тури меҳнат ресурсларидир. Меҳнат ресурслари иқтисодий категория бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолини ишлаб чиқаришда ёки бошқа соҳаларда бандлиги тушуниш мумкин.

Меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифат тавсифлари қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади: аҳолининг умумий сони, инсонни ўртача яшаш ёки ишчи ёшининг белгиланган даври, меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши, ишлаб чиқаришда банд бўлган соатларининг ўртача миқдори, меҳнат харажатларининг асосий кўрсаткичлари, ишчи кучининг малакавий даражаси ва бошқалар.

Корхона стратегиясининг самарали амалга оширилиши амалдаги ўзгаришларни олдиндан билишга ҳаракат қилиб, дастурларга киритилиши лозим. Чунки амалда энг яхши яратилган стратегия ҳам кутилган натижани бермаслиги мумкин. Шунинг учун фақат стратегик ўзгаришларгина унинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди. Айтиб ўтиш жоизки, корхоналарда стратегик ўзгаришларни амалга ошириш мураккаб масаладир. Стратегик ўзгаришларни амалга ошириш, авваламбор, менежер раҳбарларга боғлиқдир. Менежерлар ўзгаришларни амалга оширишда қатъий позицияда туришлари керак, чунки улар нафақат корхонанинг муваффақиятига жавоб берадилар, балки ходимларнинг ҳаётий даражаларини кўтаришни ҳам ўйлашлари лозим.

Ресурслардан самарали фойдаланиш, уни тақсимлашда амалга оширилаётган стратегия билан ўзаро боғланиш принципиал аҳамиятга эга. Чунки ресурсларнинг ишга солиниши корхонада унинг стратегиясини айрим йўналишлари бўйича тақсимлашни талаб қиласди. Шундай экан ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бу уларни вақт бўйича тўғри тақсимлашдир. Бунда, албатта, ташқи муҳит таъсирини ўрганиш зарур, ҳаттоқи

ресурс бўйича стратегия аъло даражада бажарилган бўлса-да, уни самарали бажариш баъзи бир мураккабликлар билан амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун мазкур қийинчиликларни бартараф қилиш раҳбариятдан корхонанинг молиявий ресурсларини тўғри аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириб боришларини талаб этади. Пул маблағлари зарур вақтда доимо етарли даражада таъминланиши лозим. Бунда энг муҳими корхона молиявий маблағларига асосланиб, ўзининг устуворликларининг самарали стратегиясини ишлаб чиқишлиари зарур.

3.2.-§ Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигини ошириш йўлларини иқтисодий асослаш

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқишдан аввал корхона бошқарувининг асосий элементларини, яъни ташкилий, иқтисодий, технологик, ижтимоий муносабат турларини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш ижобий натижа беради. Шу сабабли самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил этиш ва иқтисодий асослаш, реал ҳолатларни эътиборга олган ҳолда унинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш корхоналар учун келажақда самара келтиради.

Бундай йўналишларга техник–технологик ва ташкилий–иқтисодий мажмуалар кириши мумкин. Булар асосида жонли меҳнатни, харажатлар ва ресурсларни тежаш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш чора – тадбирлари амалга оширилади.

Олиб борилган ўтаҳлилларнинг кўрсатишича, иқтисодий адабиётларда корхонанинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, йўналишлар ва кўрсаткичларига бағищланган рисолалар кўплаб чоп этилган. Масалан, Н.Т.Чумашенко, А.И.Руденко, Э.Х.Махмудов, А.Б.Низамов ва бошқалар⁵⁷. Ушбу

⁵⁷ Чуманенко Н.Т. Повышение эффективности производства. –Киев: «Науковая думка» 1988. Руденко А.И. Экономика промышленного производства в условиях рынка. Минск, 1999. Махмудов Э.Х. Экономика промышленного производства. -Т.: Иктисодиёт, 2015. Низамов А.Б.Экономический рост и управление рынка региональной экономикой в условиях рынка. -Т.: Турон – Икбол, 2006.

адабиётларда самарадорликни ошириш йўналишлари фақат ўрганилаётган соҳалар бўйича усуллар ва йўналишларда ишлаб чиқилган. Шу сабабли тадқиқотимизда ушбу масалани, яъни иқтисодий самарадорликни ошириш йўналишларини комплекс ёндашув асосида амалга оширишга ҳаракат қилинди.

Ҳозирги шароитда қурилиш материаллари саноати корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишлари қўйидагилар:

- илмий–техник тараққиётни жадаллаштириш, ўзлаштирилаётган маҳсулотлар ва ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш;
- корхоналарда инновацион сиёsatни кучайтириш натижасида меҳнат ва маҳсулот сифатини ошириш;
- таркибий ўзгаришларни амалга оширган ҳолда фан сигумига асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- корхоналарда диверсификациялаш ва кластерлаш сиёsatини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усулларига асосланган ҳолда доимий такомиллаштириб бориш.

Умуман олганда, саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини оширишда унинг бошқарув тузилмасини тўғри шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу нуқтаи назардан ҳамда олиб борган тадқиқотларимизга асосланган ҳолда фикримизча, уюшманинг бошқарув аппарати ташкилий тузилмасининг тўғри шакллантириш мақсадга мувофик. Ҳар бир ташкилотда бўлгани каби уюшманинг бошқарув аппарати асосий дастак сифатида намоён бўлади. Бугунги иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи талабларидан келиб чиқсан ҳолда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш борасида айрим таклифларни киритиш мумкин (З-илова).

Келажакда қурилиш материаллари саноати корхоналарини сифатли, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, илғор машина-ускуналар билан жиҳозлаш орқали уларни модернизация қилишни жадаллаштириш, техникавий ва технологик

қайта жиҳозлашни таъминлаш мақсадида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг амалдаги бошқарув аппарати таркибида “Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштирувчи бўлинма” ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу бўлим фаолияти асосан доимий равишда оператив ва стратегик назоратга таяниши лозим.

Ушбу бўлинма фаолиятининг асосий йўналишларига эса, соҳада тадбиркорлик субъектлари бўйича ягона ахборот базасини яратиш, қурилиш материаллари бозорини таҳлил этиш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай мухитларни шакллантириш, ўқув машғулотлари курсларини ташкил этиш, маслаҳат-консультация ҳизматларини ташкил этиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин (1-расм).



3.3-расм. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштируvчи бўлинма фаолиятининг асосий йўналишлари⁵⁸

Бўлинманинг асосий мақсади тармоқнинг стратегик ривожланишини таъминлаш ва унинг инвестицион жозибадорлигини шакллантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмини амалга ошириш иборат бўлиб, ўзида

⁵⁸ Муаллиф ишланмаси

ташкилий, ахборот, маслаҳат-консультатив, лойиҳалаш, маркетинг, ўқитиш ва ҳ.к.лар каби функцияларни намоён этиши лозим.

Ушбу бўлинма ўз фаолиятини қуидаги йўналишларда амалга ошириши лозим:

- мавжуд ва янги ташкил этилган корхоналарда иш ўринларини яратиш, шунингдек, аҳолининг ўзини-ўзи банд этиш орқали иш билан таъминлашга кўмаклашиш.

- ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш қуватларини ошириш;

- ишлаб чиқаришни яхшилаш орқали маҳаллий ҳокимият органларининг ижтимоий ва экологик дастурларини таъминлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти орқали бюджетга солиқ тушумларини қўпайтириш;

- самарали бизнес юритиш бўйича ягона ахборот маконини яратиш;

- соҳада оилавий тадбиркорлик асосида фаолият юритадиган корхоналарни қўллаб-кувватлаш орқали аҳолининг ижтимоий аҳволини мустаҳкамлашга ёрдам беришва ҳ.к.лар.

Умуман, ҳокимият вакиллари, тадбиркорлар ва ходимлар ўртасида ижтимоий шерикликнинг ривожланиши ўз навбатида жамоатчилик билан ўзаро манфаатли алоқаларни уйғунлаштиришга олиб келади.

Бугунги кунда корхоналарда бошқариш тизимини ва мотивлаштириш жараёнларини, инсон омилидан самарали фойдаланиш, ижтимоий-руҳий ҳолатларни, меҳнат шароитини яхшилаш, техника хавфсизлиги самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш маданиятини кучайтириш, экологияни яхшилаш каби йўналишлардаги ишларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, корхона ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишда интенсив омиллардан фойдаланиш муҳим. Айтиб ўтиш лозимки, иқтисодий самарадорликни оширишда барча омиллар ва йўналишларни ўзаро

боғлиқликда ўрганиш ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш самарали жараёнлардан биридир.

Иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрни ва соҳалар бўйича унинг асосий йўналишлари умуммиллий (давлат), тармоқ, худуд ва ички ишлаб чиқаришларга бўлинади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар иқтисодиёт фанида ушбу йўналишлар икки гурухга бўлинади.

Биринчиси, ички ва ташқи ишлаб чиқариш, яъни фойданинг ўзгаришига таъсир этадиган йўналишлар;

иккинчиси – булар, яъни бозор шароитига боғлиқ бўлган йўналишлар маҳсулот баҳоси, хом ашё, материаллар, энергия, валюта курси, банк фоизи, давлат буюртмаси, солиқقا тортиш, солиқ бўйича имтиёзлар ва бошқалар.

Саноат корхоналарида рақобатни ички ишлаб чиқариш йўналишлари гурухи турли-тумандир. Уларнинг сони ва мазмуни ўзининг хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда иқтисослаштириш, тузилиш, фаолият олиб бориш вақти, ҳозирги ва келажакдаги масалаларга боғлиқдир. Ички ишлаб чиқариш йўналишларини миқдор жихатдан баҳолашда, ишлаб чиқаришни техник ва ташкилий мазмунда такомиллаштиришда меҳнат сифимини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, материал сифимини камайтириш ва моддий ресурсларнинг тежамкорлигига эришиш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, фойда ва рентабелликнинг ўсиб бориши, ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш, шунингдек, тадбирларни амалга ошириш муддати, уларнинг самарадорлиги киради. Бозор шароитида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рентабеллигини бошқариш жорий режаларни ишлаб чиқиш ва уларни назорат қилиш, амалга оширишни тақозо этади. Бунда, асосан, вақт омилини ҳисобга олиш зарур: яъни маҳсулот ёки хизматларнинг бозорга чиқиш вақти; янги ғояларни ўзлаштириш ва амалга ошириш; янги маҳсулотни ўзлаштириш ёки олдинги маҳсулотни модернизациялаш ёки эски маҳсулотни ишлаб чиқаришни тўхтатишга сарфланган зарурий вақт ва ҳоказолар. Юқорида таъкидланганидек, бозор иқтисодиётига ўтиш ишлаб чиқариш самарадорлигини

ошириш – уни баҳолаш ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш борасида оптимал қарорларни танлаш ва амалга ошириш назариясига жиддий ўзгаришлар киритди.

Биринчидан, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш қарорларига иқтисодий маъсулиятни оширади. Чунки, эски тузум даврида қабул қилинаётган қарорларга масъулиятнинг йўқлиги киритилаётган капитал қўйилмаларни қайтариб олмаслик, корхона ишлаб чиқаришга сарфлаётган моддий ресурслар самарадорлигига ҳеч қандай маъсулиятнинг йўқлиги амалий самарадорликни лойиҳавий ва ҳақиқий самарадорликка мос эмаслиги ва бошқалар самарасиз эди. Бозор иқтисодиёти шароитида мутлақо бошқа ҳолат вужудга келди, яъни мулқдорнинг ишлаб чиқаришни, пировард молиявий натижаларига тўла моддий масъулиятига жавобгарлигини ҳис этиб жавоб бериши. Бундай шароитда самарадорликни иқтисодий асослаш шунчалик расмий ҳарактерга эга бўлмасдан, ҳақиқий лойиҳавий самарадорликнинг амалий самарадорликка мослигини таъминлаш ва унинг самарадорлигига тўла ишонч билдиришни англатади.

Иккинчидан, қабул қилинаётган қарорларга масъулиятни кучайтириб, инвестицион фаолиятда риск ҳолати даражасини кучайтиришни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда бир бутун бозор воситалари тизимидан суғурта, лойиҳаларни экспертиза қилиш, маслаҳат бериш хизматларидан фойдаланилмоқда.

Учинчидан, ишлаб чиқариш ва инвестициялар динамикасини ҳисобга олган ҳолда молиявий натижаларни асослашда вақт омилиниң қиймати ошиб боради. Бунда дисконтлаштириш усулидан фойдаланиш лозим.

Тўртинчидан, маъмурий бошқариш тизимидан фарқли ўлароқ бозор иқтисодиётида самарадорликни иқтисодий асослашда фойда нормаси, амортизация нормаси, хом ашё ва материалларни сарфлаш нормаси эътиборга олинади. Шундай қилиб, юқоридагилардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини қуйидаги 3.4-расмда ифодалаш мумкин:

**Қурилиш материаллари саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш
йўналишлари**



**3.4-расм¹. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати
корхоналарида самарадорликни ошириш йўналишлари⁵⁹**

Саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликка таъсир қилувчи асосий йўналишлардан бири инновацион жараённи ривожлантириш ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти фақат янгиликларни қабул қиласди. Шу сабабли ишлаб чиқариш корхоналарининг барқарорлигини таъминловчи асосий куч бу инновация ҳисобланади. Корхоналарда юқори куч технологияга асосланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот бозорда қадрланади ва ўз ўрнини топади. Шунинг

⁵⁹ Муаллиф ишланмаси

учун истиқболдаги замонавий техника ва технологияларни ривожлантириш самарадорликни оширишнинг асоси бўлиб қолади. Ҳозирги кунда корхоналар томонидан инновацион ривожланишнинг учта асосий йўналиши эътиборга олиниши лозим бўлиб, булар қуидагилардан иборат:

- янги технологияларни ўзлаштириш.
- ишлаб чиқаришни автоматизациялаштириш.
- янги материал турларини яратиш ва фойдаланиш.

Корхоналарда инсон омилини фаоллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бу самарали моддий рағбатлантириш ҳисобланади. Фикримизча баъзи бир бозор иқтисодиёти мутахассислари бозор шароитида моддий рағбатлантириш корхонага ортиқча харажатлар келтиради, деган хulosага келишган. Биз бу фикрга қўшилмаймиз. Чунки моддий жиҳат ҳар қандай жамиятда инсонларни фаоллаштирадиган асосий йўналиш ҳисобланади. У инсонлардаги мотивацияни кучайтиришдаги муҳим элементлардан бўлиб, ишлаб чиқаришда самарадорликни оширадиган омил сифатида қабул қилинади. Техника ва технологияларда бўлган инқилобий ўзгаришлар нафақат улардан самарали фойдаланишни, балки ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлардан фойдаланишда меҳнат унумдорлигини оширишга асос бўлади.

Ресурслардан фойдаланишда унинг тежамкорлигини ошириб бориш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва интенсивлаштиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ресурс тежамкорлиги ёқилғи, энергия хом ашёси ва материалларга бўлган эҳтиёжни таминлашда асосий ўрин эгаллайди, бу айниқса, саноат ишлаб чиқаришда. Маълумки, ҳар қандай ресурслардан фойдаланишда унинг чегараланганлигини, доимо эслаб туриш лозим. Чунки ҳар қандай ресурс, айниқса, тоғ–кон ресурслари камайиб боради. Шу сабабли ресурсларнинг муқобил турларини ривожлантириш лозим. Ишлаб чиқаришда кам чиқимли ва чиқимсиз технологиялардан фойдаланиш зарур. Бунда иккиламчи ресурслардан фойдаланишни амалга ошириш лозим.

Корхонада иқтисодий самарадорликни ошириш, пировард натижада, бошқариш тизимига бориб тақалади. Демак, бошқариш тизимини

такомиллаштириш, унинг корхона самарадорлигига таъсирини баҳолаш хозирги даврнинг энг долзарб масаладир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бошқариш тизимининг янги таркибини яратишнинг ўзи кифоя эмас, бунинг учун бошқарув механизмини ишга соладиган руҳият ҳам катта аҳамиятга эга. Бу ҳам юқоридаги 3.3- расмда кўрсатилган йўналишлардан бири. Бундан келиб чиқиб, иккинчи яна бир муҳим йўналиш корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятида бошқарув самарадорлигини аниқлаш усулини ишлаб чиқишининг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Бошқарув самарадорлиги фақат бошқарувнинг ўзига эмас, бутун корхона ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳам таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, бошқарув ва корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини бир–биридан ажратиб бўлмайди, лекин бу ҳолатда ишлаб чиқариш самарадорлиги нисбатан устуворликка эга бўлиши лозим.

Аммо, шу билан бирга, бозор шароитида фақат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эмас, балки унинг фаолиятининг бошқа томонларини масалан, бозорни тадқиқ этиш, персонални бошқариш, молияни ва харажатларни бошқариш ва шу каби бошқа жиҳатларнинг самарадорлигини оширишни талаб қилинади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, корхона бошқарув самарадорлигининг ортиши, пировард натижада, корхонанинг яхлит тизим сифатида самарали ривожланишини таъминлади.

Бунда қуйидаги йўналишларни белгилаш мумкин.

Биринчи йўналиш – корхоналарда инновацион ривожланишини таъминлаш , янги техника ва технологияларни жорий этиш , янги фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланиш.

Иккинчи йўналиш – замонавий ресурслардан кенг фойдаланиш, махаллийлаштириш дастури асосида махаллий ресурслардан кенг фойдаланишни таъминлаш , ресурслар тежамкорлигини амалга ошириш.

Учинчи йўналиш – корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни бошқариш мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти, асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан унумли фойдаланиш ҳисобланади.

Тўртинчи йўналиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳақиқий самарадорлигини баҳолаш учун маҳсулотлар турини кенгайтириш мавжуд ресурслар асосида бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослашишига керак. Бундан ташқари, янги ишлаб чиқариш усулларини жорий этиш, ихтисослаштириш, кооперация, комбинация, диверсификация, кластеризация ва ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантириш зарур.

Бешинчи йўналиш – корхона бошқарув аппарати ташкилий тузилмасини такомиллаштиришdir. Ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқсан ҳолда ҳар томонлама ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан бошқарув персоналига боғлиқ. Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг стратегик йўналишларини амалга ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, балки корхоналарнинг узоқ муддат давомида фаолият юритишини таъминлайди.

Шу билан бирга, бозор муносабатлари шароитида корхонанинг ўз ўрнини сақлаб қолиши ва барқарор ривожланиши учун у ўз олдига самарадорликни оширишни асосий мақсад қилиб қўйиши керак. Самарадорликни баҳолаш усулларини такомиллаштириш, методологик ва амалий жиҳатдан унинг янги усулларини яратиш иқтисодчи олимларимиз олдида турган долзарб масала бўлиши лозим.

3.3-§ Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш

Қурилиш саноати мамлакат иқтисодиётидаги муҳим тармоқлардан ҳисобланиб, иқтисодий ўсиш ҳамда узоқ муддатли миллий ижтимоий-иктисодий

барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди⁶⁰. Чунки қурилиш саноати маҳсулотлари мамлакат ижтимоий ҳаёти ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун муҳим ҳисобланади. Қурилиш саноати маҳсулотлари иқтисодчи олимлар томонидан турли хил ёндашувлар асосида гуруҳларга ажратилган ҳолда тадқиқ қилинган. Умумлаштирган ҳолда, қурилиш саноати маҳсулотларини қуидагича гурухлаш мумкин булар: уй-жой, инфратузилма, саноат ва саноат бинолари, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш кабилар⁶¹.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналиши ҳисобланган аҳолини арzon уй-жой билан таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш, саноат корхоналарини арzon, сифатли бино ва иншоотлар билан таъминлашда қурилиш саноати, хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Чунки тадқиқотларнинг кўрсатишича, жами қурилиш харажатларининг салмоқли қисми қурилиш материаллари ҳиссасига тўғри келади⁶² ва қурилиш материаллари нархлари даражаси тўғридан-тўғри қурилиш маҳсулотлари қийматига таъсири қиласди. Аниқ бир қурилиш материалининг нархи маҳсулот бозоридаги талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш технологияси, корхоналардаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари асосида шаклланади.

Бозор кучларидан ташқари, материаллар нархи давлат томонидан ҳам назорат қилиниши мумкин. Маҳаллий қурилиш саноатини қўллаб-қувватлаш мақсадида хукumat нархлар даражасини белгилаб бериши, маълум материаллар, хусусан ижтимоий соҳа лойиҳаларини қуришда ишлатиладиган материалларни ишлаб чиқаришга субсидиялар ажратиши кабилар шулар жумласидан. Шунингдек, давлат қурилиш материаллари импортини солиқлар, квоталар белгилаш ва импорт божларини ўзгартириш асосида рағбатлантириш ёки

⁶⁰Ofori G. New perspective on construction in developing countries . Spon Press, 2 Park Square, Milton Park, Abingdon, Oxon Ox14 4RN. 2012

⁶¹Grunerberg S.L. Introduction to the Economics of Construction. In: Construction Economics. Macmillan Building and Surveying Series. Palgrave, London. https://doi.org/10.1007/978-1-349-13998-9_1; Wells, J. (1986) The construction industry in developing countries: Alternative strategies for development. London, Croom Helm Ltd.

⁶²Ive G. and gruneberg S. The Economics of the Modern Construction Sector, Macmillan, Basingstoke. 2000

чеклаши бўйича амалга оширадиган чора-тадбирлар ҳам шулар жумласидандир⁶³.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда қурилиш саноатини, хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий самарадорлигининг мавжуд ҳолати ва уни баҳолашни такомиллаштириш йўналишлари таҳлил этилди. Таҳлил натижаларига кўра, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш масалалари ўз ечимини кутаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Мамлакатда ишлаб чиқарилган жами қурилиш материалларининг 96,3 фоизи 2019 йил маълумотларига кўра, дераза ойнаси ва цемент ишлаб чиқаришга тўғри келади⁶⁴. Бундан кўринадики, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг деярли барчаси икки турдаги маҳсулот ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган қурилиш материаллари турини кўпайтириш масаласи билан бир қаторда мавжуд корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масаласи бугунги кунда муҳимлигича қолмоқда.

Республикамида қурилиш сектори муҳим бўлган ва алоҳида аҳамият талаб қиласидиган соҳалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда қурилиш саноати ривожини таъминлаш қурилиш материаллари таннархини камайтириш муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралиб келинмоқда. Қурилиш материаллари саноатининг жорий аҳволини баҳолаш мақсадида унинг жами саноат маҳсулотидаги улуши динамикасини умумий статистик таҳлилини келтириб ўтмоқчимиз. Excel дастури ёрдамида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра ўртача миқдор, медиана ва мода кўрсаткичлари бир биридан фарқ қиласи ва нормал тақсимотга мос тушмаслагини кўрсатади. Шу билан бирга ўртача квадратик четланиш кўрсаткичи 0.6 ни, вариацион кенглик кўрсаткичи эса 2.2 ни ташкил қилмоқда. Улар ўртасидаги нисбат 3.7 ни ташкил қилиши аниқланди (3.2-жадвал).

⁶³ Worldbank 1984; ICR Research, 2007, 2008

⁶⁴ www.stat.uz

3.2-жадвал

Ўзбекистонда қурилиш саноати маҳсулотининг жами саноат маҳсулотидаги улуши динамикасини статистик таҳлили

	Ишончлилик даражаси(95.0%)														
	Энг кичик(1)														
	Энг кагта(1)														
Ҷисоб	Хисоб														
Сумма	Сумма														
Интервал	Интервал														
Максимум	Максимум														
Минимум	Минимум														
Асимметрик	Асимметрик														
Экспресс	Экспресс														
Танлов дисперсияси	Танлов дисперсияси														
Стандарт чекланиш	Стандарт чекланиш														
Мода	Мода														
Медиана	Медиана														
Стандарт хатолик	Стандарт хатолик														
Ҙргача	Ҙргача														

Умумий хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, қурилиш материаллари саноати улуши динамикасидаги ўзгарувчанлик ва ўртacha миқдорга нисбатан оғишнинг бироз юқори эканлиги кузатилмоқда. Бу эса соҳани ривожлантиришда барқарорликни таъминлаш лозимлигини асослайди.

Юқоридагиларни инобатта олган ҳолда саноат маҳсулотларини етиштириш ҳажмига таъсир қилувчи асосий кўрсаткичларнинг ижобий ва салбий таъсирлари, уларнинг даражасини жуфт корреляция коэффициентлари асосида қараб чиқилди. Натижада қурилиш материаллари саноатини ривожини таъминлашда асосий фондларнинг ишга туширилиши, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар муҳим аҳамият касб этиши, яъни корреляци коэффициенти мос равиша 0.96 ва 0.98 га teng эканлиги аниқланди.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб биз қурилиш материаллари саноати ривожини Коб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланган ҳамда омиллар таъсирини баҳолаган ҳолда қараб чиқамиз. Амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларига кўра қўйидаги функцияга эга бўлинди.

$$QM = 0.092 * K^{1.4} * L^{0.8}$$

$$se = (1.35) (0.094) (0.301)$$

$$t = (-1.77) (14.68) (2.62) \quad (3.2)$$

Бу ерда: QM - қурилиши материаллари саноати маҳсулоти реал қиймати млрд. сўм, K - асосий фонdlарни ишга туширилиши фоиз, L - ишлаб чиқариши ходимларининг ўртача йиллик сони минг киши.

Натижаларга кўра асосий фонdlарни ишга туширилишини бир фоизга ошиши қурилиш материаллари саноати маҳсулотини 1,4 фоизга, ишлаб чиқариши ходимларининг ўртача йиллик сонини бир фоизга ошиши эса 0,8 фоизга оширади. Умумий натижага иккала омилнинг бир вақтда ижобий ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмини 2.2 фоизга ошириш имконини беради.

Мазкур омилларнинг ўсиш тенденциясини аниқлаган ҳолда уларнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди ва шу асосда қурилиш материаллари саноати маҳсулотининг реал қийматини 2025 йилгача прогноз кўрсаткичлари аниқланди (3.3-жадвал).

3.3-жадвал.

Қурилиш материаллари саноати маҳсулотининг реал қийматини 2025 йилгача прогноз кўрсаткичлари⁶⁵

	Қурилиш материаллари саноати маҳсулоти реал қиймати млрд сўмда	Асосий фонdlарни ишга туширилиши (фоиз)	Ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача йиллик сони (минг киши)
	$QM = 0.092 * K^{1.4} * L^{0.8}$	$K = 1.7591 * t + 11.146$	$K = 0.1304 * t^2 - 3.3545 * t + 65.274$
2021	495.0	49.85	54.81
2022	538.2	51.61	57.33
2023	585.4	53.36	60.12
2024	636.7	55.12	63.16
2025	692.5	56.88	66.47


Прогноз натижаларига кўра қурилиш саноати маҳсулотининг реал қиймати 2025 йилга бориб, 2020 йилга нисбатан 1,5 баробарга, соҳада асосий фонdlарни ишга туширилиши 20 фоизга, ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача йиллик сони 1,3 баробарга ошиши аниқланди.

Маълумки, республикамизда ишлаб чиқилган қурилиш материалларининг 57,4 фоизи цемент маҳсулотига тўғри келади, шунингдек маҳсулот бозорида бир нечтагина корхона фаолият юритади ва улар бозорда катта улушга эга

⁶⁵ Муаллиф ишланмаси

корхоналар ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назардан тадқиқот ишимизнинг мазкур қисмида республикамиз цемент ишлаб чиқариш соҳасидаги йирик корхоналардан бири бўлган “Кувасойцемент” АЖ корхонаси маълумотлари асосида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилди. Корхонанинг иқтисодий самарадорлиги бўйича умумий хulosага эга бўлиш учун, даставвал, акциялар қийматининг ўзгариш динамикасига эътибор қаратиб ўтамиз. Чунки бу кўрсаткич иқтисодий самарадорликни ифодаловчи барча кўрсаткичлар умумий таҳлили асосида келиб чиқадиган хulosаларга асосланади. Корхонада икки турдаги, яъни оддий ва имтиёзли акциялар мавжуд бўлиб, биз уларнинг қиймати ўзгаришини 2014-2019 йиллар маълумотлари асосида қараб чиқдик.

Акциялар қиймати корхонанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, молиявий барқарорликнинг ошиши акциялар қийматини кўтарилишига ҳам хизмат қиласи. Бироқ, маълумотлар оддий ва имтиёзли акциялар қийматининг дастлабки йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини кўрсатмоқда. Натижада, 2017 йилга келиб, акциялар қиймати ўзининг қути нуқтасига эришган, яъни оддий акциялар номинал қийматининг 20,5 фоизигача, имтиёзли акциялар эса 6,1 фоизигача камайганлигини кузатиш мумкин.



3.5-расм. “Кувасойцемент” АЖ корхонаси акцияларининг номинал қийматига нисбатан ўзгариш динамикаси⁶⁶.

⁶⁶ Муаллиф ишланмаси.

Фақат кейинги икки йилда олдинги йилга нисбатан ўсиш тенденцияси кузатилған, хусусан, 2019 йилга келиб. олдинги йилга нисбатан 2,9 баробарға ошған. Натижада, оддий акциялар қиймати 206708 сүмни ташкил қылғани ҳолда номинал қийматига нисбатан 72,3 фоизга ошиши таъминланған. Имтиёзли акция қиймати 62025 сүмни ташкил қылған ҳолда номинал қийматига нисбатан 51,7 фоизни ташкил қылған (3.5-расм).

Таҳлил натижаларига кўра, корхонанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари дастлабки даврда пасайиш тенденциясига эга бўлиб, кейинги йиллардагина ижобий томонга ўзгариши кузатилған. Бироқ, акциялар қийматининг ўзгаришига бошқа томондан қимматли қофозлар бозори ривожи ҳам таъсир кўрсатади. Чунки қимматли қофозлар бозорини етарли даражада ривожланмаганлиги акциялар қийматини бозор қонунлари ва талаб, таклиф асосида шаклланишига тўсқинлик қиласди.

3.4-жадвал

Корхона молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ва акциялар нархи орасидаги корреляция коэффициентлари⁶⁷

	<i>Устав капитали рентабеллиги</i>	<i>Тўловга қобилиятлилик коэффициенти</i>	<i>Мутлоқ ликвидлик коэффициенти</i>	<i>Жалб қилинган ва ўзлик маблағлар нисбати</i>	<i>Карз ва ўзлик маблағлари нисбати</i>	<i>Оддий акция қиймати</i>	<i>Имтиёзли акция қиймати</i>
Устав капитали рентабеллиги	1,00						
Тўловга қобилиятлилик коэффициенти	0,25	1,00					
Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	-0,31	0,67	1,00				
Жалб қилинган ва ўзлик маблағлар нисбати	-0,43	0,74	0,92	1,00			
Карз ва ўзлик маблағлари нисбати	0,32	-0,77	-0,86	-0,96	1,00		
Оддий акция қиймати	0,47	0,13	0,13	-0,03	-0,10	1,00	
Имтиёзли акция қиймати	0,47	0,13	0,13	-0,03	-0,10	1,00	1,00

⁶⁷ Муаллиф ишланмаси.

Келтирилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда акциялар қиймати шаклланишига корхонанинг молиявий-иктисодий ҳолатини ифодаловчи кўсаткичлар таъсирини корреляцион таҳлил асосида қараб чиқамиз (3.4-жадвал).

Акциялар қиймати билан барча молиявий-иктисодий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичлар орасида паст корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлиги юкорида келтирилган фикрларнинг асосли эканлигини тасдиқлайди. Фақат устав капитали рентабеллиги билан акциялар қиймати орасидаги корреляцион боғлиқлик анча юкори бўлиб, 0,47 ни ташкил қилиши аниқланди. Бундан кўринадики, акциялар қийматининг ўзгаришига корхонанинг молиявий кўрсаткичларидан ташқари, бошқа омиллар кучлироқ таъсирига эга. Булардан бири сифатида - мамлакатда қимматли қоғозлар бозорининг ҳали етарли даражада шаклланиб улгурмаганини кўрсатиш мумкин.

Корхона иқтисодий самарадорлигини таъминлашда унинг мавжуд салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг оптимал даражасини таъминлашнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Буни амалга оширишнинг икки усули мавжуд, яъни фойдани максималлаштириш ёки харажатларни минималлаштириш ҳисобланади. Корхонанинг рентабеллик даражасини оширишга сотишдан тушган тушумда маҳсулот таннархи улуши ўзгариши таъсирини регрессион таҳлил асосида қараб чиқамиз. Мазкур таҳлилни амалга ошириш учун “Қувасойцемент” АЖ корхонасининг 2013-2019 йиллардаги маълумотларидан фойдаланилди. Регрессион таҳлил натижаларига кўра, қуйидаги боғлиқлик аниқланди.

$$RR = 172.4 - 2.4 * ShC$$

$$se = (12.8) \quad (0.27)$$

$$t = (13.4) \quad (-8.74) \quad R^2 = 0.95$$

(3.3)

Бу ерда: RR – рентабеллик даражаси (умумий хўжалик фойдасининг жами харажатларга нисбати); ShC – маҳсулот таннархини сотишдан тушумдаги улуши.

Таҳлил натижалари барча коэффициентлар Стыодент мезони бўйича адекват эканлигини кўрсатмоқда ва детерминация коэффиценти ҳам етарли даражада юқори бўлиб, улар асосида хулосалар чиқариш мумкин. Яъни маҳсулот таннархини маҳсулот сотишдан тушумдаги улушкининг бир фоизга камайиши рентабеллик даражасини 2,4 фоизга оширади ва аксинча. Фикримизча корхонанинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашда таннархни пасайтириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бироқ маъулмотларга кўра “Қувасойцемент” АЖ корхонасида маҳсулот таннархининг сотишдан тушумдаги улушкини кейинги даврларда ошиши, яъни 2014 йилдан 2019 йилгача бўлган оралиқда ушбу кўрсаткичнинг 1,76 баробарга ошиши кузатилган.

Тўлов қобилияти коэффициенти корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодалашга хизмат қилувчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини шакллантиришда алоҳида таъсирга эга. Ушбу кўрсаткич корхонанинг жорий мажбуриятларини факат жорий активлар ҳисобига тўлаш қобилиятини кўрсатади. Коэффицент қиймати қанчалик юқори бўлса, корхонанинг тўлов қобилияти шунчалик яхши бўлади.

Ҳисоб–китобларга кўра, корхонанинг устав капитали рентабеллиги кўрсаткичига тўлов қобилияти коэффициентининг таъсири мавжуд эканлиги аниқланди. Регрессион таҳлил натижаларига кўра, иккала кўрсаткич орасидаги боғлиқлик қуидаги кўринишга эга бўлди.

$$\begin{aligned}
 RRU &= -12.3 * TQ^2 + 81.1 * TQ - 119 \\
 se &= (5.06) \quad (32.6) \quad (49.8) \\
 t &= (-2.4) \quad (2.5) \quad (-2.4) \quad R^2 = 0.69
 \end{aligned} \tag{3.4}$$

Бу ерда: RRU – устав капитали рентабеллиги (фоиз), TQ – тўловга қобилиятилий коэффициенти.

Натижалар келтирилган тенгламанинг барча коэффициентлари адекват эканлигини кўрсатаётгани сабабли ушбу тенгламадан таҳлилларимизда фойдаланишга қарор қилдик. Мазкур тенгламадан фойдаланган ҳолда устав капитали рентабеллигининг максимал даражасини таъминлаш учун тўловга

қобилиятлилик коэффициентининг қандай қиймати мос келишини аниқлаймиз. Бунинг учун келтирилган функция ҳосиласини нольга тенглаймиз ва аниқланган натижа бизга керакли қийматни беради. Яъни:

$$\frac{\partial RRU}{\partial TQ} = -24.6 * TQ + 81.1 = 0$$

$$TQ = \frac{81.1}{24.6} = 3.3$$

(3.5)

“Кувасойцемент” АЖ корхонаси маълумотларига қўра мавжуд ҳолатда тўловга қобилиятлилик коэффициентининг 3,3 баробарга тенг бўлиши корхона устав капитали рентабеллиги кўрсаткичининг максимал даражага етишини таъминлайди. Яъни мавжуд шароитдаги максимал рентабеллик кўрсаткичи 14,3 фоизни ташкил қиласди ва уни яна 1,1 фоизга кўтариш имконияти мавжуд эканлигини кўрсатади.

Бироқ молиявий таҳлил бўйича илмий адабиётларда тўловга қобилиятлилик коэффициентининг қўйидаги чегаралари ва уларнинг корхона молиявий ахволини баҳолашдаги аҳамияти келтириб ўтилган. Уларга қўра, коэффициентнинг нормал қиймати иқтисодиётнинг тармоқларига қараб, 1,5-2,5 ни ташкил қиласди. 1 дан паст қийматга эга бўлиши молиявий хавфни англатади ва бунда корхона жорий тўловларни доимий равишда тўлашга қодир бўлмай қолади. Агар кўрсаткич 3 дан ортиқни ташкил қиласидиган бўлса, унда мантиқий бўлмаган қапитал тузилишини англатади. Юқоридаги таҳлил натижаларига асосланадиган бўлсақ, корхона устав капитали рентабеллигининг максимал қийматини таъминлаш учун тўловга қобилиятлилик коэффициентининг 3,3 га тенг бўлиши, корхона капитал тузилишини қайта қараб чиқиш керак, деган фикрни тасдиқлади.

Корхонанинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш учун унинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари бир-бирига мос келиши талаб қилинади, чунки иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари улар асосида келиб чиқади. Юқорида келтирилган тадқиқотларни давом эттирган ҳолда биз корхонанинг тўловга қобилиятлилик коэффициенти 3,3 бирликни ташкил қилганда, унинг мутлоқ

ликвидлик коэффициенти қанчага тенг бўлишини кўриб чиқамиз. Бунинг учун иккала кўрсаткич орасидаги боғлиқликни аниқлаш талаб қилинади.

Амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларига кўра, иккала кўрсаткич орасидаги чизиқли боғлиқлик бўйича аниқланган коэффициентлар Стыюдент мезони бўйича адекват эмаслиги ҳамда детерминация коэффициенти ҳам анча кичик бўлиб, 0,45 га тенг эканлиги аниқланди. Шу сабабли кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликни аниқлаш учун график усулдан фойдаланилди ва уни парабола шаклига эга эканлиги аниқланди. Регрессион таҳлил натижаларига кўра, ушбу ҳолатда коэффициентларнинг адекватлиги ва детерминация коэффициентининг ҳам анча ошганлиги, яъни 0,83 га тенг эканлиги аниқланди ва у қуидаги кўринишга эга бўлди:

$$TQ = 2.81 * ML^2 - 5.17 * ML + 4.24$$

$$se = (1.1) \quad (2.28) \quad (0.82)$$

$$t = (2.61) \quad (-2.26) \quad (5.13) \quad R^2 = 0.83$$
(3.6)

Бу ерда: TQ – тўловга қобилиятлилик коэффициенти, ML – мутлоқ ликвидлик коэффициенти.

Келтирилган квадратик тенгламанинг тўловга қобилиятлилик коэффициенти 3,3 га тенг бўлган ҳолат учун ечимларини аниқлайдиган бўлсақ, улар 1,6 ва 0,2 га тенг бўлади. Яъни рентабеллик даражаси 14,3 га тенг бўлиши учун тўловга қобилиятлилик коэффициенти 3,3, мутлоқ ликвидлилик коэффициенти эса 1,6 ёки 0,2 га тенг бўлиши талаб қилинади.

Мутлоқ ликвидлик коэффициети корхонанинг юкори ликвидликка эга активларидан фойдаланган ҳолда ўз мажбуриятларини тўлаш қобилиятини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, мутлоқ ликвидлик корхонанинг қисқа муддатли тўлов қобилиятини тавсифлайди. Коэффициентнинг стандарт қиймати 0,2 дан катта бўлган ҳолат ҳисобланади. Кўрсаткич қанчалик юкори бўлса, ликвидлик шунчалик юкори бўлади. Иқтисодчилар кўрсаткичининг энг мақбул оралиғи сифатида 0,2-0,5 га тенг бўлган интервални таъкидлашади. Келтирилган 0,2 қиймат шуни кўрсатадики, корхонанинг нормал ликвидлик даражасини

таъминлаш учун маблағлар микдори унинг мажбуриятларининг 20 фоизини қоплаши талаб қилинади.

Таҳлил натижаларига асосланган ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки, таннархни пасайтириш корхона рентабеллик кўрсаткичини оширишга хизмат қиласди. Ушбу жараённи аниқ кўрсаткичлар асосида баҳолаб ўтиш мақсадида таннархнинг рентабеллик даражасини ҳисоблашда муҳим бўлган кўрсаткич фойдага таъсирини регрессион таҳлил асосида баҳолаб ўтилди. Таҳлилни амалга ошириш учун икки хил кўрсаткичдан фойдаланилди, яъни маҳсулот сотишдан ялпи фойда ҳамда умухўжалик фаолияти фойдаси кўрсаткичлари. Таҳлиллар натижасида кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик даражали функция кўринишига эга эканлиги ва ушбу ҳолатда коэффициентлар адекватлигини ифодаловчи мезонлар мақбул қийматларни қабул қилиш аниқланди (3.5-жадвал).

3.5-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари⁶⁸

№	Модел	se	т-статистика	R ²	Эластиклик коэффициенти
1	$PRS = TN^{1.01}$	b ₁ =0.0091	109	0.99	1.01
2	$PRU = TN^{0.99}$	b ₁ =0.012	86.7	0,99	0.99

Бу ерда: TN – сотилган товар таннархи (минг.сўм); PRS – маҳсулот сотишдан ялпи фойда (минг. сўм); PRU – корхонанинг умумхўжалик фаолияти фойдаси (минг.сўм).

Сотилган маҳсулот таннархи билан маҳсулот сотишдан ялпи фойда ҳамда умумхўжалик фаолияти фойдаси кўрсаткичлари орасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланди. Натижаларга кўра, таннархнинг бир фоизга камайиши маҳсулот сотишдан фойдани ҳам умумхўжалик фаолияти фойдасини ҳам, бир фоизга ошишини таъминлайди. Яъни маҳсулот сотишдан фойда ва умумхўжалик фойдасини маҳсулот таннархи бўйича эластиклик коэффициентлари деярли бир хил қийматга ва бирлик эластиклик коэффициентига эга бўлмоқда.

⁶⁸ Муаллиф ишланмаси

Маҳсулот таннархини пасайтириш, ўз навбатида меҳнат унумдорлигини оширишни талаб қилади. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг икки хил асосий йўналиши мавжуд, яъни ишчилар малакаси ва ҳар бир иш ўрнини техник-технологик куролланганлик даражасини ошириш. Табиийки, бу жараёнлар капитал қўйилмалари миқдори ва улардан қанчалик даражада самарали фойдаланиш билан боғлиқ ҳисобланади. Буни инобатга олган ҳолда “Кувасойцемент” АЖ корхонасида капитал қўйилмалари миқдори ва улардан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулот таннархи ҳамда маҳсулот сотишдан тушум миқдорига таъсири асосида қараб чиқилди (3.6-жадвал).

3.6-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари⁶⁹

№	Модел	se	т-статистика	R ²	Эластиклик коэффициенти
1	$TN = QQ^{1.30}$	b ₁ =0.019	67.07	0.99	1.30
2	$ST = QQ^{1.36}$	b ₁ =0.023	57.6	0,99	1.36

Бу ерда: TN – сотилган товар таннархи (минг.сўм); QQ – капитал қўйилмалари миқдори (минг. сўм); ST – маҳсулот сотишдан тушум миқдори (минг.сўм).

Таҳлил натижаларига кўра, сотилган товар таннархининг капитал қўйилмалари бўйича эластиклик коэффициенти 1,3 га teng. Ушбу таҳлилни амалга оширишда битта товар бирлигига тўғри келувчи таннарх эмас, балки жами сотилган товар таннархи қўрсаткичидан фойдаланилгани сабабали капитал қўйилмаларнинг ошиши ишлаб чиқариш миқдорини оширади ва мос равища сотилган маҳсулот таннархи ҳам ошиб боради. Яъни капитал қўйилмаларни бир фоизга оширилиши танархнинг 1,3 фоизга ошишини таъминлайди.

Бу эса ишлаб чиқариш ва сотиш миқдори ошиши сабаби сифатида намоён бўлади. Ушбу қўрсаткичнинг бирдан катта бўлиши капитал қўйилмалари таннархни камайтиришдаги самарали йўналишлардан эканлигини асослайди. Шу билан бирга капитал қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши маҳсулот сотишдан

⁶⁹ Муаллиф ишланмаси

тушган тушум миқдори билан ҳам кучли боғлиқликка эга бўлиб, иккала кўрсаткич орасидаги эластиклик коэффициенти 1,36 га тенг эканлиги аниқланди.

Капитал қўйилмаларининг маҳсулот сотишдан тушган тушумга таъсирини маҳсулот таннархига нисбатан юқори эканлиги унинг фойда нормасини ҳам оширишга хизмат қилишини тасдиқламоқда.

“Қувасойцемент” АЖ корхонасининг мавжуд ривожланиш тенденциясини аниқланган ҳолда унинг кейинги йиллар учун асосий иқтисодий кўрсаткичларининг прогноз қийматлари ишлаб чиқилди. Бунинг учун оддий тренд усулидан фойдаланган ҳолда маҳсулот сотишдан тушум миқдори ҳамда маҳсулот таннархининг прогноз кўрсаткичлари 2020-2025 йиллар учун ишлаб чиқилди. Ушбу прогноз кўрсаткичлари асосида маҳсулот сотишдан ялпи фойда миқдори ҳам аниқланди (3.7-жадвал).

3.7-жадвал

Маҳсулот сотишдан тушум ва маҳсулот таннархининг прогноз кўрсаткичлари⁷⁰

Йиллар	Маҳсулот сотишдан тушум миқдори (минг сўм)	Маҳсулот таннархи (минг сўм)	Маҳсулот сотишдан ялпи фойда миқдори (минг сўм)
1	2	3	4=2-3
	$ST = 190169000 + 32670100 * t$	$TN = 36023000 * t$	
2020	451530000	288184000	163346000
2021	484200000	324207000	159993000
2022	516870000	360230000	156640000
2023	549540000	396253000	153287000
2024	582211000	432276000	149935000
2025	614881000	468299000	146582000

Жадвалда прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиша фойдаланилган регрессион тенгламалар келтириб ўтилган бўлиб, уларнинг тўлиқ натижалари ва амалга оширилган прогнознинг график кўринишлари мос равишда биринчи ва иккинчи иловаларда келтириб ўтилган.

⁷⁰ Муаллиф ишланмаси

Таҳлил натижаларига кўра, маҳсулот сотишдан тушум миқдори 2025 йилга бориб, 2019 йилдагига нисбатан 1,38 баробарга, маҳсулот таннархи миқдори эса 1,78 баробарга ошиши кузатилади. Маҳсулот сотишдан тушум миқдорига нисбатан таннарх ўсиш суръатининг юқори бўлиши маҳсулот сотишдан ялпи фойда миқдорининг 2025 йилга бориб, 2019 йилга нисбатан 19,2 фоизга пасайишига олиб келади ва корхона рентабеллик кўрсаткичига салбий таъсир қиласиди. Ушбу жараённи ўрганиш натижалари мазкур ҳолатни табиий деб қабул қилиш иконини беради, чунки маҳсулот сотишдан ялпи фойданинг таннархга нисбати камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2013 йилда 213,4 фоизни ташкил қилган ва бу кўрсаткич соғлом бозор ҳукм сурган вазият учун хос эмас.

Кейинги йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши бозор қонунлари амал қила бошлиши, ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденциясига эга бўлиши 2019 йилга келиб, мазкур кўрсаткичнинг 69,2 фоизни ташкил қилишини таъминлаган. Фикримизча, маҳсулот бозорининг ривожланиши кейинги даврда ҳам ушбу кўрсаткичнинг пасайишини таъминлайди. Прогноз кўрсаткичлари эса, 2025 йилга бориб, ушбу кўрсаткич 31,3 фоизгача пасайиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда хulosа қилинадиган бўлса, устав капитали рентабеллиги ҳамда асосий иқтисодий самарадорлик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари орасида боғлиқлик мавжуд эмас, корхонада маҳсулот таннархини пасайтириш рентабелликни оширишнинг муҳим йўналишларидан бири саналади. Маҳсулот таннархини маҳсулот сотишдаги тушумдаги улушкининг бир фоизга камайиши рентабеллик даражасини 2,4 фоизга оширади.

Шунингдек, капитал қўйилмалар миқдорининг бир фоизга ошиши сотилган маҳсулот таннархини 1,30 фоизга, маҳсулот сотишдан тушум миқдорини эса - 1,36 фоизга ошишини таъминлайди. Бироқ тўловга қобилиятилилк коэффициентининг катта миқдорга эга бўлиши мантиқий бўлмаган қапитал тузилишини англатмоқда. Яъни фақат капитал қўйилмалари миқдорини ошириш эмас балки улардан самарали фойдаланиш масаласини ечиш ҳам талаб қилинади.

Учинчи боб бўйича хulosалар

1. Корхона фаолиятини бошқариш ва ривожлантириш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бунда нафакат ривожланиш, балки унинг самарадорлигини оширишга қаратилган воситалардан кенг фойдаланиш зарур. Шундай воситалардан бири - бу корхонанинг стратегик ривожланишини ишлаб чиқишидир. Корхонанинг ривожланиш ва самарадорлигини ошириш стратегияси унинг келажакдаги фаолияти натижавийлигини аниқлайди. Ушбу мақсадга эришиш учун корхона фаолиятини, унинг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар таҳлилини ўтказиш лозим. Стратегик самарадорликни ишлаб чиқища, корхонанинг нафакат ички, балки ташқи муҳитини ҳам эътиборга олиш керак. Чунки ҳозирда бозор конъюнктурасининг ўзгариши корхона фаолияти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Шу сабабли корхона самарадорлиги стратегиясини ишлаб чиқища комплекс ёндашувини амалга ошириш зарур.

2. Корхоналарда микроиктисодиётга ҳос иқтисодий кўрсаткичлар мавжуд: бу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш тизимида ўз ўрнига эга. Корхона фаолияти унинг самарадорлигини ўрганишда иқтисодий кўрсаткичларни узвий алоқадорликда ўрганиши лозим. Масалан, корхона фойдаси кўрсаткичи бошқа кўрсаткичларга асосланади. Шунинг учун корхона фаолиятида сифат ва миқдор кўрсаткичлари иқтисодий жиҳатдан аосланишга муҳтож. Кўрсаткичлар, айниқса самарадорлик кўрсаткичлари иқтисодий асосланмаса, улар реал натижа бермайди. Шу сабабли корхонадаги барча кўрсаткичлар улар корхонанинг қайси соҳасига тааллуқли бўлмасин улар иқтисодий жиҳатдан аосланиши лозим. Афсуски, корхоналарда ва амалиётда кўп ҳолларда бунча вақт ажратилмайди.

Шунинг учун корхоналардаги иқтисодий бўлим менежерлари бу вазифага эътибор беришлари лозим. Масалан, фойда ёки рентабеллик кўрсаткичларини реал аниқлаш учун қанчадан–қанча корхона бозордаги рақобат, нархларнинг келажакда фойдага таъсирини билишлари лозим, шу билан бирга ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳам билишлари шарт.

3. Цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг устав капитали рентабеллиги ҳамда асосий иқтисодий самарадорлик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари орасида боғлиқлик мавжуд эмас, корхонада маҳсулот таннархини пасайтириш рентабелликни оширишнинг муҳим йўналишларидан бири саналади. Маҳсулот таннархини маҳсулот сотишдан тушумдаги улушининг бир фоизга камайиши рентабеллик даражасини 2,4 фоизга оширади.

Шунингдек, капитал қўйилмалари миқдорининг бир фоизга ошиши сотилган маҳсулот таннархини 1,30 фоизга, маҳсулот сотишдан тушум миқдорини эса 1,36 фоизга ошишини таъминлайди. Бироқ тўловга қобилиятлилик коэффициентининг катта миқдорга эга бўлиши мантиқий бўлмаган қапитал тузилишини англатмоқда. Яъни фақат капитал қўйилмалари миқдорини ошириш эмас балки улардан самарали фойдаланиш масаласини ечиш ҳам талаб қилинади.

Хулоса

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар саноат ишлаб чиқаришини янги босқичга олиб чиқишида, ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва дивесификациялаш жараёнларини жадаллаштириш, инвестицияларни фаоллаштириш, энг асосийси, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Ўтказилган тадқиқот натижасида қўйидаги илмий–амалий хулосалар ишлаб чиқилди.

1. Ҳозирда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати иқтисодиётимизнинг устувор йўналиши ҳисобланади. 2017 – 2021 йиллар учун ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясига асосланган ҳолда ҳисоблаш мумкинки, 2025 йилга бориб, тармоқ маҳсулотлари билан ички бозорни тўлиқ таъминлаш ва аҳолини қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилишига олиб келади. Агарда, айни, вактда мамлакатимизда 400 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият олиб бораётган бўлса, улардан 17,7 фоизи саноат корхоналарига тўғри келмоқда ва шундан 9,2 фоизи қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиб, республикамиз ЯИМда мазкур тармоқ улуши 6 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Айниқса, қурилиш материаллари таркибида цемент маҳсулотларни ишлаб чиқиш кенгайиб бормоқда.

2. Иқтисодиёт фанида иқтисодий ўсиш асосий категорияси бўлиб, доимо унинг ҳажмини ошириб бориш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий воқелигига айланган. Чунки иқтисодий ўсиш давлатнинг иқтисодий салоҳиятини кўтариш ва аҳоли турмуш даражасининг ошиб бориши ва меҳнат билан бандлигини таъминлайди.

Шу билан бирга, айтиб ўтишимиз зарурки, корхоналар даражасида иқтисодий ўсиш муаамоси ҳам ўрганилган.

Чунки мамлакатимиз ЯИМ ошиб боришига корхоналарда замин яратилади. Бундан келиб чиқсан ҳолда саноат корхоналарида иқтисодий ўсиш муаммоларига бағищланган тадқиқотни амалга ошириш долзарб масала

хисобланади. Иқтисодий ўсиш назарияси ва унинг ривожланишига бағишенгандан адабиётлар, ҳорижий ва маҳаллий иқтисодчилар томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Ушбу изланишларда умумий ҳолатни ўрганиш билан чегараланганди. Ушбу диссертация корхоналар даражасидаги ушбу муаммо бўйича амалга оширилган дастлабки тадқиқотлардан хисобланади.

3. Корхона даражасидаги иқтисодий ўсиш бир қатор омилларни ўрганишни тақазо этади. Иқтисодий ўсиш, аввало, мамлакат барқарорлигини таъминлаш зарур. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, бугунги кунда иқтисодий ўсишга таъсир этуви омилларни чукур тадқиқ этиш муҳим вазифалардан хисобланади. Олдинги адабиётларда иқтисодий ўсиш турли омиллар билан баҳоланаради. Ҳозирги даврда бошқа янги омилларни ҳам ўрганиш ва уларнинг таъсирчанлигини аниқлаш муҳим хисобланади. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тадқиқотда янги омиллар таснифи ишлаб чиқилган. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўсиш тўғридан–тўғри самарадорлик билан боғлиқ бўлади. Демак, асосий кўтарилиганди муаммо нафақат иқтисодий ўсиш, балки унинг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Иқтисодий ўсиш ва самарадорлик ўртасиа пропорционаллик бўлиши шарт.

4. Самарадорликни бошқариш назариясида мезон ва кўрсаткичларни ўрганиш муҳим масаладир. Шу сабабли самарадорликни баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари иқтисодий адабиётларда кенг ўрганилган. Аммо улар ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан ифодаланиб қолган ҳолос, бунда самарадорликни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари эътибордан четда қолган ҳолда ишлаб чиқаришнинг кўп бўғинлилиги деярли ўрганилмаган ва самарадорликни баҳолашда улар қатнашмаган. Шунинг учун ҳам самарадорликни баҳолашда реаллик таъминланмаган. Корхоналарда бошқариш тизими алоҳида аҳамият касб этади. Самарадорликни хисоблаш ва аниқлаш, унинг кўрсаткиларини бир тизимга келтириш корхоналарда кўп жиҳатдан бошқарув ходимларига боғлиқ. Аммо бу жиддий масалага айрим ҳолларда етарли даражада эътибор қаратилмайди ва тадбирлар ишлаб чиқилмайди. Бунинг натижасида корхоналарда харажатлар ва маҳсулот таннархи ошиб боради, бу эса нархнинг

ошиб боришига таъсир қиласи, корхоналар амалиётида самарадорликка керакли даражада эътибор қилинмайди. Улар учун асосий тушунча – бу барча масалаларни маҳсулотга бўлган талаб ва таклиф ҳал қиласи. Бундай тушунчага мутлоқ қаршимиз. Қандай иқтисодий тизим бўлишига қарамай, корхона самарадорлигини ошириб бориш корхона фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

5. Қурилиш материаллари тармоғида саноат Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда қурилиш материаллари саноатида 7 мингдан ортиқ корхона фаолият олиб бормоқда. Қурилиш материаллари саноатда 2018 йилда мамлакат бўйича 12,9 трлн.сўмлик ҳажмдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Умумий саноат ишлаб чиқаришда унинг улуши 5,5 фоизга етди. Фойдаланилаётан мавжуд ишлаб чиқариш қуввати цемент маҳсулоти бўйича – 92,2 фоиз, ойна – 100 фоиз, гипсокартон – 98 фоиз, керамик плиталар – 97 фоизни ташкил этади.

Шу билан бирга, баъзи бир маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси паст бўлиб қолмоқда. Масалан, шифер ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 25,2 фоиз, ДСП – 33 фоиз, пишиқ ғишт – 74 фоизни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг демографик ўсиши муносабати билан қурилиш ишлари кўпайиб бормоқда, 2019 йилда, айниқса, кўп қаватли уйлар қурилиши ривожланмоқда, у жорий йилда 1,7 маротабага ошди. Мониторинг қилишининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки (ҳозирда мамлакат бўйича 19 та цемент заводи ишламоқда), 2000 – 2019 йилларда цемент маҳсулотига бўлган талаб бутун дунёда ошиб бориши натижасида, у бутун жаҳонда ўртача 2 маротабага ошди. Жумладан, Хитойда – 3,5 маротабага, Туркияда – 1,74, Эронда – 1,84 маротабага ошди. Шу билан бирга, қурилиш материаллари саноати олдида ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам бор. Булардан ишлаб чиқариш фонdlаридан самарасиз фойдаланиш, айрим аҳолига зарур бўлган замонавий қурилиш материалларининг етишмаслиги, корхоналар рентабеллигининг паст даражада

эканлиги, харажатлар ва таннархнинг ошиб бориши, қурилиш материалларига бўлган нархларнинг кўтарилиши ва бошқалар.

6. Маҳсулот сифати ҳар бир корхона ишлаб чиқарган товарнинг бозорни эгаллашга қодир бўлган асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Товар сифатини белгилайдиган асосий ташкилот Жаҳон ИСО стандартлари ва метрологиясидир. Ўзбекистонда бундай стандартларга эга бўлган товарлар сони 5,0 мингтани ташкил этмоқда. Афсуски, бундай товарлар сони қурилиш материаллари саноатида кам. Умуман, қурилиш материаллари бўйича ИСО стандартларига мос келмайдиган корхоналар фаолиятини тўхтатиш лозим. Сифат товарнинг экспортбоплигини ва рақобатбардошлигини оширади. Товарга бўлган талабни кучайтиради. Товарнинг жаҳон стандартларига мослигини таъминлаш учун қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи барча корхоналарда нафақат сифат бўлимини, балки жамоатчилик асосида сифат комиссиясини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, олий даражали сифат сертификацияларини олган корхоналарни моддий ва маънавий рағбатлантириб туриш лозим.

7. Қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришда корхоналар бошқарув харажатларининг умумий харажатлар таркибидаги улушкига мутаносиблигини таъминлаш орқали улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини рағбатлантириш таклифи илгари сурилди. Бунинг учун уюшмага аъзо ҳар бир корхонанинг уюшма умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришга ажратмаси суммасини аниқлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу усульдан фойдаланиш уюшма таркибига аъзо бўлиб кирувчи корхоналар учун аъзолик бадали, тегишли равишда, умумий бошқарув харажатларини молиялаштириш учун ажратмалар суммасини минималлаштириш имконини беради. Яъни, корхонанинг бошқарув харажатлари суммаси унинг умумий харажатлари суммасига нисбатан қанчалик кичик салмоққа эга бўлса, унинг уюшма умумий бошқарув харажатларини молиялаштиришга ажратмаси ҳам шунчалик пасайиб боради.

8. Корхона фаолиятини ривожлантирувчи, унинг самарадорлигини оширишдаги асосий қўрсаткичлардан бири инвестиция ҳисобланади. Кейинги йилларда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг корхоналар фаолиятига инвестиция жалб этиши ошиб бормоқда. Мамлакатимизга ва унинг тармоқларига инвестицияларни фаоллаштириш бўйича давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев бошчилигига катта ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг бир нечта давлатларга қилган сафарларда амалга оширилган келишувларда инвестицион жозибадорлик кучайиб бормоқда. Фақат қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун умумий қиймати 2,208 млн. долл. ва 112,2 млн. евро тенг бўлган 49 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда. Айниқса, хорижий инвестициялар Россия, Германия, Хитой, Жанубий Корея ва Хиндитондан киритилмоқда.

Ушбу инвестициялар янги иш жойлари, модернизация, диверсификация ва сифатли товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда.

9. Саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш учун унинг самарали стратегиясини ишлаб чиқиши корхоналар олдида турган асосий мақсадлардан биридир. Самарали стратегия корхонанинг барча томонларини қамраб олиши зарур. Чунки корхонанинг элементлари бир–бирига боғлиқ ҳолда ўрганилиши яхши самара беради. Ушбу нуқтаи назардан самарали стратегия узоқ муддатга мўлжалланган хужжат сифатида ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу вазифани амалга ошириш учун нафакат корхона раҳбарлари ва мутахассисларини, балки, университет ва илмий–текшириш институтларидан мутахассис олимларни ҳам иштирокини таъминлаш зарур. Шундагина самарали стратегия яхши натижа бериши мумкин.

10. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш ва бошқариш самарадорлигини ошириш мураккаб жараён ҳисобланади. Бу иш корхонанинг барча жиҳатларига тааллуклидир. Бунда самарадорлик билан боғлиқ бўлган тизим ва тизим остиларини ўрганиш ва уларни иқтисодий мослаш зарур. Чунки ишлаб чиқаришга сарф қилинаётган ҳар бир сўм, пировард натижада фойда келтириши лозим. Агарда бундай бўлмаса,

корхона фаолияти самарасиз бўлади. Шуни эътиборга олган ҳолда самарадорлик билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларни олдиндан ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш лозим. Корхонада самарадорликнинг асосий мезони фойда ҳисобланади. Шу сабабли корхона фойдасига таъсир қилувчи нафақат ички, балки ташки омилларни ҳисобга олиш зарур. Бу эса, SWOT – таҳлил усулидан фойдаланишини тақозо этади. Демак, корхоналарда ҳақиқий иқтисодий самарадорликка эришиш учун барча кўрсаткичлар амалий жиҳатдан иқтисодий асосланиши лозим.

11. Назария ва амалиётда самарадорликни баҳолашни аниқлашнинг қўплаб усуслари яратилган. Асосий масала шундаки, корхоналар фаолиятида улардан деярли фойдаланилмайди, улар фанда қандай яратилган бўлса, шундай қолаверади. Бунда асосий масала улардан корхоналар фаолиятида фойдаланилишини таъминлашдир. Бунга эришиш учун, авваламбор, вазирликлар, компаниялар ва ташкилотларни ОАК томонидан Вазирлар Махкамаси билан келишилган ҳолда қарор қабул қилиниши лозим. Яъни фан ютуқларини амалиётга жорий этиш ва у тўғрисида ташкилотлардан аниқ натижани билиш тўғрисида. Биз томондан ишлаб чиқилган самарадорликни баҳолаш усули бошқа усувлардан фарқли ўлароқ корхоналарнинг сифим кўрсаткичларига асосланган.

